

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ**  
**ТЎПЛАМИ**

**30-31-сон**  
**(166-167)**  
**2005 й.**  
**июль-август**

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:*

*тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;*

*иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;*

*учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;*

*тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;*

*тўпламнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.*

**МУНДАРИЖА**

*Иккинчи бўлим*

222. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 4 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси таркибини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ–3568-сонли Фармонини қисман ўзгартириш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 25 июлдаги ПФ–3636-сон Фармони
223. «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 1 августдаги ПФ–3641-сон Фармони
224. «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи тузилмасини қисман ўзгартириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 25 июлдаги ПҚ–131-сон қарори
225. «Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 26 июлдаги ПҚ–136-сон қарори
226. «Иқтисодий тадқиқотларни ташкил қилишни такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 2 августдаги ПҚ–143-сон қарори

227. «Банклардаги депозит ҳисобварақлардан нақд пул тўловларини узлуксиз таъминлаш кафолатлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 5 августдаги ПҚ-147-сон қарори

#### *Учинчи бўлим*

228. «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчиларига турар жойни ижарага олганлик (ижарада турганлик) учун ҳар ойлик пул компенсацияси тўлаш тартиби тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 25 июлдаги 169-сон қарори
229. «Урганч шаҳридаги ҳарбий касбларга ихтисослаштирилган мактаб-интернатни Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тасарруфига ўтказиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 28 июлдаги 175-сон қарори
230. «Тошкент тиббиёт академияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 29 июлдаги 178-сон қарори
231. «Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 29 июлдаги 179-сон қарори
232. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони аналга ошириш чора-тадбирлари ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 2 августдаги 180-сон қарори
233. «Лотереялар, тотализаторлар ва тавақалчиликка асосланган бошқа ўйинлар ўтказишни ташкил этишни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 2 августдаги 182-сон қарори
234. «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ахборот-таҳлил департаментлари тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 3 августдаги 183-сон қарори
235. «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ҳузуридаги Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва корхоналарни таркибий ўзгартириш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 4 августдаги 185-сон қарори

#### *Бешинчи бўлим*

237. «Уруғлик донни қабул қилиш, тайёрлаш, дориллаш, тарқатиш ва сифатини назорат қилиш тартиби тўғрисида йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2005 йил 20 июлдаги 160-сон

буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 29 июлда 1499-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

238. «Давлат солиқ хизмати органлари тадбиркорлик субъектларидан молиявий ҳисобот, солиқлар, мажбурий тўловлар ва даромадлар тўғрисидаги декларациялар бўйича ҳисоб-китоблар, ёзма аризалар ва билдиришномалар қабул қилиб олиш ҳамда рўйхатдан ўтказиш тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2005 йил 10 июлдаги 2005-42-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 29 июлда 1500-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
239. «Ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2005 йил 2 августдаги 69, 2005-45-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 2 августда 1501-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
240. «Янги ташкил этилган микрофирма ва кичик корхоналарга ягона солиқ тўловини тўлаш муддатини кечиктириш ҳуқуқини бериш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлигининг 2005 йил 2 августдаги 70, 2005-46, 61-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 2 августда 1502-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2005 йил 23 июлдан 5 августгача бўлган маълумот

**ИККИНЧИ БЎЛИМ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

**222** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил  
4 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар  
Маҳкамаси таркибини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ–3568-сон-  
ли Фармонини қисман ўзгартириш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддаси 2-қисмига мувофиқ:

1. Вазирлар Маҳкамасининг тузилмасида:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари — иқтисодиёт вазири, иқтисодиёт комплекси ҳамда истеъмол товарлари ва савдо комплекси раҳбари лавозими;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ташқи ишлар вазири, ташқи алоқалар масалалари комплекси раҳбари лавозими тугатилсин.

2. Вазирлар Маҳкамаси тузилмасига Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — иқтисодиёт вазири, иқтисодиёт ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари комплекси раҳбари лавозими киритилсин.

3. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 25 июль,  
ПФ–3636-сон

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

**223 Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишнинг энг муҳим вазифаси жиноят, жиноят-процессуал қонун ҳужжатлари, жиноий жазо тизимини изчиллик билан босқичма-босқич либераллаштириш ҳисобланади.

Сўнги йилларда қабул қилинган «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, судлар тўғрисидаги, прокуратура тўғрисидаги қонунларга, бошқа бир қанча қонун ҳужжатларига мувофиқ жиноятларнинг таснифланиши ўзгартирилди, ўта оғир жиноятлар жумласига киритилган жиноятлар рўйхати камайтирилди, содир этилган жиноятлар учун озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган муқобил жазо турлари, ярашув институти жорий этилди. Жиноий жазолар тизимини либераллаштиришга қаратилган бошқа бир қанча дастурий чора-тадбирлар қабул қилинди.

Жиноятга оид сиёсатда, ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги туб ўзгаришлар мамлакатда ижтимоий-сиёсий, криминоген вазиятга ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Ўлим жазосини қўллаш соҳасининг босқичма-босқич камайиб бораётганлиги Ўзбекистон Республикасида суд-ҳуқуқ тизимини, жиноий жазоларни либераллаштириш борасида амалга оширилаётган жараёнларнинг муҳим йўналиши бўлди. Мамлакат мустақилликка эришган пайтда жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ўлим жазосини назарда тутувчи 30 дан ортиқ моддалардан иборат эди. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йилги Жиноят кодексига бундай моддалар сони 13, 1998 йилда — 8, 2001 йилда эса 4 тагача камайтирилди. Ҳозирги вақтда, 2003 йилда жиноят қонунчилигини либераллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилгандан сўнг, фақат икки турдаги жиноят — жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш ва терроризм жиноятларини содир этганлик учун ўлим жазоси назарда тугилади.

Жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатларида ўлим жазоси тайинланиши мумкин бўлган жиноятлар сони жиноий жазога тортиладиган қилмишлар умумий сонининг бир фоизидан камроғини ташкил этади. Содир этилган жиноятнинг оғирлигидан қатъи назар қонун ҳужжатларида вояга етмаганларга, хотин-қизларга ва 60 ёшдан ошган шахсларга нисбатан ушбу турдаги жазони қўллаш тақиқланган.

Давлатимизнинг жиноятга оид сиёсати ўлим жазосини қўллашга нисбатан жаҳон тенденцияларига тўла мос келади ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида эълон қилинган инсонпарварлик ва одиллик тамойилларини изчил ифода этади.

Айни вақтда, мамлакатда амалга оширилаётган жамият ва давлат ҳаётини демократик жиҳатдан янада янгилаш, мамлакатни модернизация қилиш борасидаги ислохотларнинг моҳияти ва мазмуни, суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш бўйича олиб борилаётган ишларнинг натижалари жазо тури сифатида ўлим жазоси бекор қилинишини ҳамда уни умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси билан алмаштирилиши зарурлигини тақозо этмоқда.

Шу билан бирга, ушбу муҳим соҳадаги ислохотлар, ижтимоий муносабатларнинг ривожланиши ва инсонпарварлик руҳида олиб борилишини ҳамда инсонлар

онгида демократик кадриятлар тобора мустаҳкамланишини инobatга олган ҳолда изчиллик билан амалга ошириб борилиши лозим.

Ўлим жазосининг бекор қилиниши аҳоли орасида кенг тушунтириш ишлари олиб боришни, биринчи навбатда, мамлакатимизнинг ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидаги изчил ҳаракатларини асослаб беришни, жинoий жазони янада либераллаштириш, шу жумладан ўлим жазосини бекор қилиш заруратининг англаб етилишини кишилар онгида мустаҳкамлашни тақозо этади.

Ўлим жазоси умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш билан алмаштирилган шахсларни сақлаш учун мажмуа ва иншоотлар қуриш, зарур шарт-шарoитларни яратиш, ана шу муассасаларда ишлаш учун ходимларни тайёрлаш билан боғлиқ бир қатор ташкилий-тайёргарлик тадбирларини амалга ошириш лозим.

Жинoят, жинoят-процессуал, жинoят-ижроия қонун ҳужжатларини пухта ишлаб чиқиш ҳамда ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ушбу соҳадаги халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларни, ўлим жазосини бекор қилган ва ўлим жазоси ўрнига умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш жазосига ҳукм қилинган шахсларнинг жазолари ижро этилишини ташкил қилиш тажрибасига эга бўлган хорижий мамлакатларнинг тегишли қонун ҳужжатларини чуқур ўрганиб чиқишни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши муҳим вазифа ҳисобланади.

Инсоннинг яшаш ҳуқуқини эълон қилувчи ва мустаҳкамловчи халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принциплари ва нормаларидан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қоидаларидан келиб чиққан ҳолда, шунингдек жинoий жазоларни янада либераллаштириш борасида аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикасида 2008 йилнинг 1 январидан жинoий жазо тури сифатида ўлим жазоси бекор қилинсин ва унинг ўрнига умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси жорий этилсин.

Қуйидагилар белгилансин:

умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси Ўзбекистон Республикаси Олий суди, жинoят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоятлар, Тошкент шаҳар судлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди томонидан тайинланиши мумкин;

жинoят содир этганлик учун умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар жазони махсус тартибли жазо ижро этиладиган ихтисослаштирилган муассасаларда ўтайдилар.

2. Адлия вазирлиги, Олий суд, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати 2006 йилнинг 1 январигача Ўзбекистон Республикасининг Жинoят, Жинoят-процессуал ва Жинoят-ижроия кодексларига ўлим жазосини жинoий жазолар тизимидан чиқариб ташлаш ҳамда уни умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш билан алмаштиришга алоқадор ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида таклифлар тайёрласинлар, бунда қуйидагиларни назарда тутсинлар:

ҳозирги вақтда ўлим жазоси тайинлашга йўл қўядиган жинoятлар содир этган шахслар учун озодликдан маҳрум этишнинг аниқ муддатларини белгилаш ва асослаш;

бундай жинoятлар учун жазо тайинлаш, озодликдан маҳрум этиш муддатларини ҳисоблаш тартиби, шунингдек ўлим жазоси ўрнига жорий этиладиган жазоларни ижро этиш тартиби ва шартлари.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда умрбод

ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган маҳкумларни сақлаш учун зарур ихтисослаштирилган муассасалар иншоотлари мажмуасини куриш ва фойдаланишга тайёрлаш чоралари, шунингдек ушбу муассасаларни молиялаштириш тартиби, уларда ишлаш учун кадрлар тайёрлаш тўғрисида қарор қабул қилсин.

4. Адлия вазирлиги, Олий суд, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги билан биргаликда ўлим жазосини бекор қилиш масаласи бўйича аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишларини ташкил этишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқсин ва амалга оширсин.

5. Мазкур Фармон Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси муҳокамасига киритилсин.

6. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.А. Худайбергенов зиммаларига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 1 август,  
ПФ-3641-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

## **224** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи тузилмасини қисман ўзгартириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ ва Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи тузилмасини мақбуллаштириш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

Иқтисодиётдаги таркибий ислохотлар йиғма ахборот-таҳлил департаменти Иқтисодиёт ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари йиғма ахборот-таҳлил департаменти этиб;

Агросаноат ва сув хўжалиги комплекслари масалалари ахборот-таҳлил департаменти Қишлоқ ва сув хўжалиги, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда истеъмол товарлари масалалари ахборот-таҳлил департаменти этиб қайта ташкил қилинсин.

2. Истеъмол товарлари ва савдо комплекси масалалари ахборот-таҳлил департаменти;

Ташқи алоқалар масалалари ахборот-таҳлил департаменти тугатилсин.

3. Қуйидагилар:

Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи тузилмасини ташкил этишнинг янгиланган схемаси 1-иловага мувофиқ;

---

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й.*

Иқтисодиёт ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари йиғма ахборот-таҳлил департаменти тузилмаси ва ходимларининг сони 2-иловага\* мувофиқ;

Қишлоқ ва сув хўжалиги, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда истеъмол товарлари масалалари ахборот-таҳлил департаменти тузилмаси ва ходимларининг сони 3-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

4. Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири (Ш.М. Мирзиёев) Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбари (Р.В. Абдуқодиров) билан биргаликда:

қайта ташкил этилган Ахборот-таҳлил департаментлари ходимларининг штат сонини ушбу қарор билан тасдиқланган тузилмаларга мувофиқлаштирсин, уларни юқори малакали мутахассислар билан мустаҳкамласин;

бир ой муддатда қайта ташкил этилган Ахборот-таҳлил департаментлари бўйича Низомларни қайта кўриб чиқсин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 12 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи тузилмасини ташкил этиш тўғрисида»ги 475-сонли қарорига 1, 3, 4, 7 ва 10-иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбари (Р.В. Абдуқодиров) Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан биргаликда амалдаги қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартиришлар юзасидан бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

7. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**


Тошкент ш.,  
2005 йил 25 июль,  
ПҚ-131-сон

---

\* 2-3-иловалар рус тилидаги матнда берилган.



### Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи тузилмасини ташкил этиш схемаси



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

**225 Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ташқи иқтисодий ва савдо алоқалари, хорижий инвестицияларни жалб этиш соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2005 йил 21 июлдаги ПФ-3631-сон Фармони бажариш юзасидан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги фаолияти самарали ташкил этилишини таъминлаш мақсадида;

## 1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги тизимига кировчи ташкилотлар рўйхати 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги марказий аппаратининг тузилмаси 2-иловага мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг тузилмаси ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳар ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо бошқармаларининг намунавий тузилмаси 3 ва 4-иловаларга мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги тўғрисидаги низом 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги марказий аппарати ходимларининг чекланган умумий сони 205 нафар, шу жумладан бошқарув ходимлари сони 164 нафар этиб белгилансин.

Вазирга, зарурат бўлганда, ходимларнинг белгиланган чекланган сони доирасида Вазирлик марказий аппарати тузилмасига ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

3. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорларининг вазирликлар, идоралар, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари, муассасалар ва ташкилотлар, мулкчилик шаклларида қатъи назар, хўжалик юритувчи субъектлар ва уларнинг бирлашмалари, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурийдир.

4. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги «Ўзинтеримпэкс» давлат ташқи савдо акциядорлик компанияси, «Ўзмарказимпэкс» давлат ташқи савдо акциядорлик компанияси, «Ўзсаноатмашимпэкс» давлат-акциядорлик компанияси, «Марказсаноатэкспорт» давлат ташқи савдо акциядорлик компанияси, «Ўрта Осиё Транс» халқаро автотранспортда юк ташиш давлат-акциядорлик компанияси, «Ўзбекэкспертиза» очиқ акциядорлик жамияти, «Ўз-экспомарказ» республика савдо-кўرғазма маркази очиқ акциядорлик жамияти акцияларининг давлат пакетларини бошқаришга вакил қилинсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳузурида Ташқи иқтисодий фаолиятнинг ахборот таъминотини ташкил этиш ва ташқи бозорлар маркетинг тадқиқотлари ҳамда моддий рағбатлантириш жамғармаси, шунингдек унинг маблағларини шакллантириш манбалари сақлаб қолинсин.

6. Қуйидагилар:

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида» 2004 йил 28 августдаги 409-сон қарори;

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2002 йил 23 октябрдаги 368-сон қарори 7-бандининг 4-хатбоши ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

### **Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 26 июль,  
ПҚ-136-сон

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2005 йил 26 июлдаги ПҚ-136-сон қарорига  
1-ИЛОВА


### **Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги таркибига кирувчи ташкilotлар рўйхати**

1. Қорақалпоғистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги
2. Вилоятлар ва Тошкент шаҳар ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо бошқармалари
3. «Ўзбекэкспертиза» очик акциядорлик жамияти
4. «Ўзбектендерконсалтинг» агентлиги
5. «Ўзинкомцентр» Ўзбекистон Ташқи иқтисодий ахборот-тижорат маркази
6. «Ўзэкспомарказ» республика савдо-кўргазма маркази
7. «Интерсервис» хўжалик ҳисобидаги республика ташқи савдо бирлашмаси
8. «Интерқурилиш» хўжалик ҳисобидаги республика ташқи савдо фирмаси
9. «Халқаро ҳамкорлик маркази» АЖ
10. Ташқи иқтисодий фаолият соҳасида кадрлар малакасини ошириш маркази
11. «Ҳамкор» — «Деловой партнёр» газетаси

### **Мутасаддилик қилинадиган ихтисослаштирилган ташқи савдо ва транспорт компаниялари**


- «Ўзинтеримпэкс» давлат ташқи савдо акциядорлик компанияси
- «Ўзмарказимпэкс» давлат ташқи савдо акциядорлик компанияси
- «Ўзсаноатмашимпэкс» давлат-акциядорлик компанияси
- «Марказсаноатэкспорт» давлат ташқи савдо акциядорлик компанияси
- «Ўзмахсусимпэкс» давлат корхонаси
- «Ўрта Осие Транс» халқаро автотранспортда юк ташиш давлат-акциядорлик компанияси
- «Ўзташқитранс» давлат-акциядорлик компанияси

### Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги марказий аппаратининг тузилмаси



Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2005 йил 26 июлдаги ПҚ-136-сон қарорига  
3-ИЛОВА


**Қорақалпоғистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар,  
инвестициялар ва савдо вазирлигининг тузилмаси**



Ходимларнинг чекланган умумий сони — 11 киши,  
шу жумладан:  
бошқарув ходимлари — 9 киши;  
хизмат кўрсатувчи ходимлар — 2 киши.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2005 йил 26 июлдаги ПҚ-136-сон қарорига  
4-ИЛОВА

**Вилоятлар ва Тошкент шаҳар ташқи иқтисодий алоқалар,  
инвестициялар ва савдо бошқармаларининг намунавий  
тузилмаси**



Ходимларнинг чекланган умумий сони — 5 кишидан,  
шу жумладан:  
бошқарув ходимлари — 5 кишидан.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2005 йил 26 июлдаги ПҚ-136-сон қарорига  
5-ИЛОВА

## **Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги тўғрисида НИЗОМ**

### **I. Умумий қоидалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги (кейинги ўринларда Вазирлик деб юритилади) ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиш соҳасидаги давлат бошқаруви ваколатли органи ҳисобланади ҳамда ўз фаолиятида Вазирлар Маҳкамасига ҳисоб беради.

2. Вазирлик тизимига Қорақалпоғистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо бошқармалари, ихтисослаштирилган хўжалик ҳисобидаги ташкилотлар, хорижий давлатлардаги Вазирликка идоравий мансуб ташкилотлар ҳисобланадиган хўжалик ҳисобидаги ихтисослаштирилган ташкилотлар, савдо ва иқтисодий ваколатхоналар киради.

Худудий бўлинмалар икки томонлама бўйсундилар ҳамда Вазирликка ва тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларига ҳисоб берадилар.

3. Вазирлик ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига ва бошқа ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикасининг бошқа норматив ҳужжатларига, шунингдек мазкур Низомга амал қилади.

4. Вазирлик ўз фаолиятини давлат бошқарувининг бошқа органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

5. Вазирликни ва унинг худудий бўлинмаларини моддий-техник таъминлаш, шунингдек Вазирлик тизими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ажратиладиган маблағлар доирасида давлат бюджети маблағлари, ўзига қарашли ташкилотлар ажратмалари, шунингдек қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилади.

6. Вазирлик юридик шахс ҳисобланади, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳрга эга бўлади.

### **II. Вазирликнинг вазифалари ва функциялари**

7. Қуйидагилар Вазирликнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

ташқи иқтисодий фаолият соҳасида ягона давлат сиёсати ўтказилишини, экспортни рағбатлантиришни, хорижий инвестицияларни жалб этишни, ташқи савдо-ни эркинлаштиришни, ташқи савдо алоқаларини кенгайтириш ва мустаҳкамлашни таъминлаш;

товарлар (сармоялар, хизматлар) жаҳон бозорларининг комплекс маркетинг тадқиқотларини амалга ошириш, ташқи ва ички сотиш бозорларининг истиқболли-

лиги ва самарадорлигини ҳисобга олган ҳолда уларнинг ҳолати ва ривожлантириш истиқболларини чуқур таҳлил қилиш, хорижий шериклар билан узоқ муддатли, барқарор савдо-иқтисодий муносабатлар ўрнатилишига йўналтирилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

иқтисодиётнинг рақобатбардошлилигини ривожлантириш ва ошириш ҳамда унинг жаҳон иқтисодиёти тизимига интеграциялашуви бўйича амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, республиканинг экспорт салоҳиятини ривожлантириш дастурлари амалга оширилишига кўмаклашиш, мамлакатимиз ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлар, халқаро иқтисодиёт ва молия институтлари, бошқа халқаро ҳуқуқ субъектлари билан ўзаро фойда кўриш асосида савдо-иқтисодий ва молиявий ҳамкорлигини ривожлантиришни таъминлаш;

кулай инвестиция муҳитини шакллантиришга ва республика иқтисодиётига хорижий инвестициялар жалб этилишига кўмаклашиш, инвестиция лойиҳалари амалга оширилиши мониторингини олиб бориш, хорижий инвесторларни зарур ахборотлар билан қўллаб-қувватлаш.

8. Вазирлик ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни амалга оширади;

а) ташқи иқтисодий фаолият соҳасида ягона давлат сиёсати ўтказилишини, экспортни рағбатлантиришни, хорижий инвестицияларни жалб этишни, ташқи савдони эркинлаштиришни, ташқи савдо алоқаларини кенгайтириш ва мустаҳкамлашни таъминлаш соҳасида:

давлат бошқарув органларининг ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиш соҳасидаги ишларини мувофиқлаштиради;

Ўзбекистон Республикасини ташқи иқтисодий ривожлантиришнинг асосий йўналишларини ишлаб чиқишда, ташқи савдо, валюта балансининг асосий индикаторлари параметрларини шакллантиришда ҳамда мамлакатнинг валюта, божхона-тариф ва солиқ сиёсатини такомиллаштиришда қатнашади;

тенг шериклик ва камситмаслик принципларига асосланган ташқи иқтисодий фаолиятни эркин ва тенг ҳуқуқли амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратишда қатнашади;

товарлар, шу жумладан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, тўқимачилик товарлари, фуқаро авиатехникаси билан халқаро савдо қилиш, хизматлар кўрсатиш, интеллектуал мулк объектлари билан халқаро савдо қилиш, давлат харидларини, юклар жўнатишдан олдинги инспекцияни амалга ошириш, ташқи савдода санитария, фитосанитария ва техник чора-тадбирларнинг қўлланиши соҳасида давлат сиёсати ўтказилиши билан боғлиқ тадбирларни мувофиқлаштиради;

тизимли таҳлилни амалга оширади ва манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда инвестиция муҳитини яхшилашга ва иқтисодиётнинг устувор тармоқларига хорижий инвестициялар жалб этишни фаоллаштиришга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқади;

иқтисодиётни ва экспорт салоҳиятини ривожлантиришни таъминлайдиган инвестицияларни жалб этиш соҳасида халқаро молия институтлари ва иқтисодий ташкилотлар билан ҳамкорликнинг устувор йўналишларини танлаш бўйича белгиланган тартибда таклифлар киритади;

хорижий инвесторлар билан ишлаш ва хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича давлат органлари фаолиятини мувофиқлаштиради;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда махсус иқтисодий зоналар бўйича давлат сиёсатини шакллантириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади;

Ўз ваколатлари доирасида ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги қонунларни шарҳлайди ва улар бўйича тушунтиришлар беради;

Ўзбекистоннинг ташқи савдоси инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирларини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

минтақавий иқтисодий интеграцияни амалга оширишга доир таклифлар ишлаб чиқади;

ташқи савдони эркинлаштириш, ташқи савдо алоқаларини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

Ўзбекистон Республикасида ва чет элда вазирликлар ва идоралар, хўжалик юритувчи субъектлар билан биргаликда халқаро савдо-саноат кўрғазмалари, ярмаркалар, форумлар, тақдимотлар, конференциялар ва шу каби тадбирларни ташкил этади ҳамда ўтказиши, реклама-ахборот ишларини амалга оширади;

ташқи иқтисодий алоқалар, чет элда қисқа муддатли ва узоқ муддатли ўқув стажировкалари ва семинарлари, Вазирликнинг ўқув марказида Вазирлик тизими ходимлари ҳамда бошқа вазирликлар, идоралар, ташкилотлар ва хўжалик юритувчи субъектларнинг мутахассислари учун ўқитишдан ўтганлиги тўғрисида сертификат берган ҳолда ўқитиш муаммолари бўйича илмий-тадқиқотлар ўтказилишини ташкил этади;

б) товарлар (сармоялар, хизматлар) жаҳон бозорларининг комплекс маркетинг тадқиқотларини амалга ошириш, ташқи ва ички сотиш бозорларининг истиқболлиги ва самарадорлигини ҳисобга олган ҳолда уларнинг ҳолати ва ривожлантириш истиқболларини чуқур таҳлил қилиш, хорижий шериклар билан узоқ муддатли, барқарор савдо-иқтисодий муносабатлар ўрнатилишига йўналтирилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш соҳасида:

Ўзбекистон Республикаси хўжалик юритувчи субъектларининг хорижий шериклар билан узоқ муддатли, барқарор шериклик муносабатларини йўлга қўйиш мақсадида товарлар (сармоялар, хизматлар) жаҳон бозорларини тадқиқ этади;

ташқи иқтисодий алоқалар, товарлар билан халқаро савдо қилишнинг аҳволини, хорижий давлатлардаги иқтисодий вазиятни таҳлил қилади, конъюнктурани ўрганади ва шу асосда жаҳон товарлар ва хизматлар бозори ривожланиши тенденцияларини прогнозлаштиради;

ташқи ва ички сотиш бозорларининг ҳолатини ва уларни ривожлантириш прогнозини уларнинг истиқболлиги ва самарадорлигини ҳисобга олган ҳолда чуқур таҳлил қилади;

республика хўжалик юритувчи субъектларининг ташқи бозорларга кириб бориши учун қулай шарт-шароитларни таъминлашга доир комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади, ташқи иқтисодий ҳамкорликнинг ҳар хил шакллари кенгайтирилишига кўмаклашади;

Ўзбекистон Республикаси раҳбариятини ва Вазирлар Маҳкамасини ташқи иқтисодий алоқалар масалалари бўйича зарур ахборотлар билан таъминлашни амалга оширади;

қисқа, ўрта ва узоқ муддатли даврда мамлакат асосий экспорт товарларининг жаҳон бозоридаги аҳволини тадқиқ этади ва сценарийли ривожланишини ишлаб чиқади;

Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган товарларини сотиш бозорларини диверсификация қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

ташқи иқтисодий фаолият субъектларини ҳуқуқий, нарх, валюта, молия, кредит масалалари, ташқи бозорларнинг экспортга етказиб бериладиган маҳсулот сифатига, техник тавсифларига қўядиган талаблари бўйича методик, ахборот ва маслаҳат билан таъминлашни амалга оширади;



ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишда, хорижий шерикларни излашда ва уларнинг ишончлилиги ва амалий репутациясини ўрганишда, хорижий шериклар билан узоқ муддатли, барқарор савдо алоқалари ўрнатишда мамлакатнинг хўжалик юритувчи субъектларига кўмаклашади;

корхоналарда маркетинг хизматларини ташкил этиш ва уларнинг фаолият кўрсатишида методик ва амалий ёрдам кўрсатади;

ташқи савдо инфратузилмасининг электрон савдо жаҳон тизимига интеграцияси, Интернетнинг глобал тармоғида миллий ишлаб чиқарувчилар ва экспорт қилувчиларнинг мавжуд бўлишини кучайтириш, Ўзбекистон Республикасининг Ташқи иқтисодий фаолият ахборот марказини ташкил этиш бўйича дастурлар ва комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқади;

электрон тижорат соҳасида савдо сиёсатини шакллантиришда қатнашади, давлат бошқарув органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ташқи иқтисодий фаолиятда электрон савдо соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштиради;

в) иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ривожлантириш ва ошириш ҳамда унинг жаҳон иқтисодиёти тизимига интеграциялашуви бўйича амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, республиканинг экспорт салоҳиятини ривожлантириш дастурлари амалга оширилишига кўмаклашиш, мамлакатимиз ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш соҳасида:

хорижий давлатлар бозорларини маркетинг тадқиқ этиш асосида, товарларнинг янги турларини, уларни кейинчалик экспорт қилиш учун ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга доир таклифлар ишлаб чиқади;

импортнинг ўрнини тўлдириш ва маҳаллий хом ашё негизида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш масалалари бўйича таклифлар киритади, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва кўрсатиладиган хизматлар сифатини ошириш концепциялари ва дастурларини ишлаб чиқишда қатнашади;

ишлаб чиқарувчиларнинг ҳар хил гуруҳлари, энг аввало кооперация алоқаларини ривожлантиришни талаб этадиган техник жиҳатдан мураккаб маҳсулотларни ишлаб чиқарувчиларнинг иқтисодий манфаатлари келишиб олинишини таъминлайди;

экспорт салоҳиятни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

ташқи сотиш бозорлари эҳтиёжлари ва талабларини ўрганади, экспорт стратегиясини, шунингдек экспорт номенклатурасини кенгайтириш ва ҳажмини кўпайтириш, экспортни молиялаштириш механизмини такомиллаштириш, миллий товар ишлаб чиқарувчиларнинг ҳам анъанавий экспорт номенклатураси билан савдо қилиш шарт-шароитларини мақбуллаштириш ва янги воситаларни жорий этиш ҳисобига, ҳам ноанъанавий экспорт маҳсулотлари (ишлар ва хизматлар)нинг бошқа турларини киритиш ва экспорт номенклатураси диверсификацияси ҳисобига халқаро бозорларга чиқиши бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади;

экспортнинг ҳар хил механизмлари ва схемаларини, ташқи бозорларнинг талабларини ва маҳаллий моддий-хом ашё ресурсларидан энг юқори даражада фойдаланиш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқариш жараёнини мақбуллаштиришга доир тавсифларни ишлаб чиқади;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда транспорт коммуникациялари, ташқи савдо юқларини ташишни мақбуллаштириш, республиканинг комму-

никация тизимларини халқаро транспорт коммуникациялари тизимига интеграциялаш мақсадида янги транспорт йўналишлари ва йўлакларини ишлаб чиқиш соҳасида ташқи иқтисодий сиёсат масалалари бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

маркетинг тадқиқотларини амалга оширади ҳамда миллий экспортнинг бутун номенклатураси бўйича маркетинг ва таҳлилий шарҳлар тайёрлайди;

экспорт салоҳиятини кенгайтириш, мамлакатнинг экспорт сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш мақсадли дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш билан боғлиқ тадбирларни мувофиқлаштиради ҳамда экспорт қилувчи корхоналарни иқтисодий рағбатлантиришга доир таклифлар киритади;

экспорт қилинадиган товарлар миқдори ва сифатини эксперт баҳолаш тизимини такомиллаштиришга доир таклифларни ишлаб чиқади ва белгиланган тартибда киритади;

республика корхоналари, шу жумладан кичик бизнес корхоналари томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни экспортга сотишни ташкил этишда қатнашади, хорижий бозорларнинг маркетинг тадқиқотларини амалга оширишда корхоналарга кўмаклашади;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан тақдим этиладиган ахборотлар асосида экспорт ва импорт мониторингини амалга оширади ҳамда экспорт ва импорт прогнозлари бажарилишини таҳлил қилади, экспорт ва импорт суръатлари, нисбати ва самарадорлигини натура ва нарх ифодасида прогнозлаштиради, уларга тузатиш киритишга доир таклифлар ишлаб чиқади;

экспортга йўналтирилган маҳсулотлар, шунингдек экспорт маҳсулотларининг тармоқ ишлаб чиқарувчилари ва экспорт қилувчилар бўйича маълумотлар базасини шакллантиради ва юритади;

энг муҳим товарларни, шу жумладан пахта толаси, рангли металллар ва бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳамда экспортга етказиб бериш балансларини ишлаб чиқишда қатнашади;

товарларнинг келиб чиқишини сертификациялаш, юридик шахслар томонидан, шу жумладан ўз эҳтиёжлари учун хорижий инвесторлар томонидан олиб келинадиган маҳсулотларни сертификациялаш, мамлакатда ишлаб чиқарилган, экспортга етказиб бериладиган маҳсулотларни сертификациялашни, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган, четдан олиб келинадиган технология асбоб-ускуналари, эҳтиёт қисмлар, материаллар ва компонентларни маҳаллийлаштириладиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришда технология жараёнида фойдаланиладиганлар тоифасига киритиш тўғрисида хулосалар беришни мустақил амалга оширади ёки бу борадаги ваколатларни ўзгаларга беради;

ташқи иқтисодий фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш, экспорт-импортни лицензиялаш, экспорт ва импорт контрактлар экспертизаси, бошқа савдо-иқтисодий шартномаларни рўйхатга ва ҳисобга олиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга оширади;

Вазирлар Маҳкамасига товарлар экспорти ва импорти юзасидан миқдорий чеклашлар жорий этиш тўғрисида, товарларнинг айрим турлари экспорти ва/ёки импортига давлат монополиясини ўрнатиш тўғрисида, шунингдек товарларни четдан олиб кириш ва четга олиб чиқишга нисбатан ҳимоя чоралари, компенсация, антидемпинг чоралари ва бошқа чораларни қўлланиш тартиби тўғрисида таклифлар киритади;

ҳимоя чораларини, антидемпинг ва компенсация божларини жорий этишдан олдин, белгиланган тартибда текширувлар ўтказиши;

ихтисослаштирилган ташқи савдо ва транспорт компаниялари фаолиятини мувофиқлаштиради;

ихтисослаштирилган ташқи савдо компаниялари томонидан республика ишлаб чиқарувчиларининг товарлари экспорти прогнози бажарилиши мониторингини амалга оширади;

ихтисослаштирилган ташқи савдо компаниялари томонидан ўз маблағлари ва жалб этилган маблағлар ҳисобига ташқи савдо инфратузилмаси объектлари, ташқи иқтисодий ҳамкорликнинг истиқболли йўналишларида қўшма корхоналар ташкил этилишини, юклаб ортишдан олдинги инспекция, сифат сертификацияси тизимини ривожлантириш дастурида иштирок этишни мувофиқлаштиради;

Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий манфаатларини чет элда белгиланган тартибда ифодалайди ва ҳимоя қилади, Ўзбекистон Республикаси вакилларининг халқаро ва хорижий ташкилотлар томонидан ўтказиладиган тадбирларда иштирок этишига қўмаклашади;

Ўзбекистон Республикасига нисбатан ишбилармонлик амалиётини чеклашга йўл қўядиган ёки республиканинг хўжалик юритувчи субъектлари олдидаги мажбуриятларни ҳалол бажармаган хорижий давлатлар компаниялари рўйхатини юритади, ушбу рўйхатнинг мазмунини юзасидан ташқи иқтисодий фаолият субъектларига маслаҳатлар беради;

давлат бюджети маблағлари, давлат ташқи қарзлари ёки ҳукумат кафолатлари ҳисобига молиялаштириладиган контрактлар бўйича тижорат, валюта ва тўлов шартлари ва ташқи савдо нархлари устидан, шунингдек уларни экспорт ва (ёки) импорт қилишга доир қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий сиёсат чоралари қўриладиган товарларнинг айрим турларига нисбатан назоратни амалга оширади;

халқаро иқтисодий низоларни ҳал этишга доир таклифлар киритади, хорижий мамлакатларда хўжалик низоларини судгача бўлган тартибда тартибга солишда Ўзбекистон Республикасининг хўжалик юритувчи субъектларига, шунингдек Ўзбекистон Республикасида хорижий юридик ва жисмоний шахсларга белгиланган тартибда ёрдам беради;

Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали хавfli юклар, ҳарбий техника, ҳарбий мол-мулк, портловчи моддалар ва буюмларни транзит бўйича ташишда белгиланган тартибда хулосалар беради ва назоратни амалга оширади;

аниқланган ҳолатларда товарларни Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудида ёки унинг ташқарисида қайта ишлаш жараёнининг техник-иқтисодий асосларини келишади;

товарларни божхона ҳудудидан ташқарида қайта ишлаш Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий манфаатларига зарар етказмаслиги тўғрисидаги хулосани белгиланган тартибда беради;

экспорт фаолиятини рағбатлантиришнинг халқаро амалиётини ўрганиш ва республиканинг амалдаги қонунчилигини таҳлил қилиш асосида Вазирлар Маҳкамасига экспорт салоҳиятини ривожлантириш соҳасидаги қонунчиликни янада такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритади;

г) Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлар, халқаро иқтисодиёт ва молия институтлари, бошқа халқаро ҳуқуқ субъектлари билан ўзаро фойда қўриш асосида савдо-иқтисодий ва молиявий ҳамкорлигини ривожлантиришни таъминлаш соҳасида:

Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлар, халқаро ва ҳукумат ташкилотлари билан ташқи иқтисодий ҳамкорлиги устувор йўналишларини шакллантиришга доир таклифлар ишлаб чиқади;

ташқи иқтисодий фаолият масалалари, шу жумладан савдо-иқтисодий, инвес-

тиция, молия, солиқ, транспорт-коммуникация, илмий-техник ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари лойиҳаларини хорижий мамлакатлар ҳамда халқаро ташкилотлар билан келишиб олади ва Вазирлар Маҳкамасига киритади;

Вазирлар Маҳкамасига чет элда Ўзбекистон Республикасининг савдо ваколатхоналарини очиш ва ёпиш тўғрисида таклифлар киритади;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг топшириғига кўра музокаралар ўтказиши ва халқаро шартномалар тузади, шунингдек бошқа давлатларнинг ташқи иқтисодий органлари, фирмалари, компаниялари ва корхоналари ҳамда халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик тўғрисида битимлар тузади;

ташқи иқтисодий ҳамкорлик соҳасида Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари бўйича томонларнинг мажбуриятлари бажарилиши устидан мониторингни амалга оширади;

хорижий давлатлар ва халқаро молия институтларининг техникавий, мурувват, бегараз ёрдамлари ва бошқа ёрдамларини олиш жараёнини мувофиқлаштиради;

Савдо ва тариф бош битими/Жаҳон савдо ташкилоти билан ишлаш бўйича идоралараро комиссия котибияти функциясини бажаради, мамлакатнинг Савдо ва тариф бош битими/Жаҳон савдо ташкилотига кириши, шу жумладан қонун ҳужжатларини Савдо ва тариф бош битими/Жаҳон савдо ташкилотининг нормалари ва қоидаларига мослаштириш бўйича тадбирларни амалга ошириш юзасидан вазирликлар ва идораларнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси делегацияларининг хорижий давлатларга давлат ташрифлари билан боғлиқ тадбирларни ахборот-таҳлил, шартномавий-ҳуқуқий, ташкилий жиҳатдан таъминлашда қатнашади;

хорижий давлатлар билан савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссиялар (қўмиталар, кенгашлар)нинг Ўзбекистон бўйича котибияти функцияларини бажаради;

ташқи иқтисодий ҳамкорлик масалалари бўйича хорижий делегацияларни қабул қилиш ва уларнинг Ўзбекистон Республикасида бўлиши, шу жумладан кутиб олиш ва кузатишларни ташкил этиш, делегация аъзоларига визалар олиш ва визалар муддатини узайтириш, уларни меҳмонхоналарга жойлаштириш, уларга транспорт хизмати кўрсатиш, музокаралар, бизнес-семинарлар, конференциялар, Ўзбекистон Республикаси бўйлаб сафарларни ташкил этиш билан боғлиқ чора-тадбирлар комплексини амалга оширади;

Ташқи ишлар вазирлиги билан келишган ҳолда ўз вакилларини Ўзбекистон Республикасининг чет эллардаги элчихоналари ҳузуридаги иқтисодий маслаҳатчилар сифатида юборади, улар фаолиятини мувофиқлаштиради;

д) қулай инвестиция муҳитини шакллантиришга ва республика иқтисодиётига хорижий инвестициялар жалб этилишига кўмаклашиш, инвестиция лойиҳалари амалга оширилиши мониторингини олиб бориш, хорижий инвесторларни зарур ахборотлар билан қўллаб-қувватлаш соҳасида:

тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқимларини таҳлил қилади, уларни жалб этиш ва рағбатлантириш бўйича жаҳон тажрибасини ўрганади ва умумлаштиради;

хорижий инвестицияларни жалб этиш соҳасида норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлайди;

иқтисодиёт тармоқлари ва минтақаларни ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқишда, кўрсатиб ўтилган дастурларни амалга ошириш учун хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳажми ҳамда параметрларини ҳисоблаб чиқишда қатнашади;

стратегик муҳим инвестиция дастурларини ва устувор лойиҳаларни амалга

ошириш учун тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни, ташқи кредитларни жалб этади, корхоналар ва ташкилотлар томонидан тақдим этиладиган ахборотлар асосида улардан самарали фойдаланиш мониторингини юритади;

ўз ваколатлари доирасида хорижий давлат, банк ва тижорат кредитларини жалб этиш, валюта маблағларидан оқилона фойдаланилишини назорат қилиш ва ҳукумат кафолатлари билан таъминланган кредитларнинг қайтарилишини таъминлаш, уларнинг ҳисобини юритиш ишларида ўз ваколатлари доирасида қатнашади, шунингдек идоровий мансуб ташқи иқтисодий ташкилотларга кредитлар ҳисобига операцияларни амалга оширишни топширади ҳамда кредитлар ҳисобига тузиладиган контрактлар амалга оширилишининг Вазирлар Маҳкамаси томонидан Вазирликка юкланган лойиҳалар бўйича уларни тақдим этиш шартларига мувофиқлиги устидан тезкор назоратни таъминлайди;

иқтисодиёт тармоқлари ва республика минтақалари бўйича жалб этиладиган инвестицияларни мақбул жойлаштириш юзасидан таклифлар тайёрлайди;

халқаро молия тузилмалари, хорижий молия ва суғурта институтлари ҳамда донор-мамлакатларни республика учун муҳим аҳамиятга эга бўлган инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда иштирок этишга жалб этиш бўйича улар билан таклифларни, истиқболли ва жорий дастурларни ўрганadi, умумлаштиради ва таклифлар тайёрлайди;

инвестиция лойиҳаларини тайёрлаш, амалга ошириш ва уларнинг самарадорлигини баҳолаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда қатнашади, Вазирлар Маҳкамасига инвестиция жараёни самарадорлигини ошириш ва устувор инвестиция лойиҳалари портфелини янгилаш бўйича аниқ таклифлар киритади;

устувор инвестиция лойиҳалари портфелини шакллантиришда қатнашади, уларни узоқ муддатли прогнозлар, иқтисодий ривожлантириш устуворликлари ва таркибий қайта ўзгартиришлар, шунингдек Ҳукумат томонидан белгиланган ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш йўналишлари асосида халқаро молиявий тузилмалар, хорижий молия ва суғурта институтлари ҳамда донор-мамлакатлар билан амалга ошириш чора-тадбирларини ишлаб чиқади;

тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш учун иқтисодиётнинг устувор секторлари рўйхатини ва энг муҳим ишлаб чиқаришларни аниқлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқади, йирик корхоналарни хусусийлаштириш бўйича танловлар ташкил этишда қатнашади;

инвестициялар лойиҳалари амалга оширилиши мониторингини, шу жумладан инвестиция шартномалари шартларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади;

белгиланган ҳолларда инвестиция лойиҳаларининг техник-иқтисодий асослашлари экспертизасини ўтказиши;

Ўзбекистон Республикасидан ташқарида хўжалик юритувчи субъектларнинг уларга тадбиркорлик объектларида моддий ва номоддий бойликлар ва ҳуқуқлар бериш ҳамда чет элдаги бошқа фаолият билан боғлиқ бўлган инвестиция фаолиятини тартибга солувчи чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади;

ташқи иқтисодий фаолият субъектларини хорижий инвестицияларни жалб этиш масалаларида ахборотлар билан таъминлайди;

потенциал хорижий инвесторларни республикадаги мавжуд потенциал инвестиция имкониятлари ва амалга ошириладиган лойиҳалар, мамлакат қонунчилиги ҳақидаги ахборотлар билан таъминлайди;

ўзаро қизиқиш уйғотувчи масалаларни муҳокама қилиш учун республикада ва чет элда халқаро конференциялар, семинарлар ва бизнес-форумларни мунтазам ўтқа-

зишни назарда тутган ҳолда потенциал инвесторлар ва донор-мамлакатлар билан доимий алоқалар ўрнатиш ҳамда бу алоқаларни қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ тадбирларни мувофиқлаштиради;

потенциал хорижий инвесторларни, шу жумладан хорижий давлатлардаги Ўзбекистон Республикаси элчихоналаридаги савдо-иқтисодий маслаҳатчилар, ихтисослаштирилган ахборот ресурслари (Интернет, нашрлар ва бошқалар) орқали хабардор қилиш учун миллий хўжалик юритувчи субъектларнинг лойиҳаларнинг асосий параметрлари ва зарур инвестицияларнинг назарда тутилаётган хажмлари тўғрисидаги ахборотларни ўз ичига олувчи инвестиция таклифлари бўйича маълумотлар базасини шакллантиради;

Савдо ва тариф бош битими/Жаҳон савдо ташкилоти принципларига мувофиқ юклар жўнатишдан олдинги инспекция бўйича фаолиятнинг ташкил этилишини мувофиқлаштиради.

### III. Вазирликнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

9. Вазирлик ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Вазирликка юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш билан боғлиқ таклифларни белгиланган тартибда киритиш, қарорлар, норматив ҳужжатлар лойиҳаларини келишиш;

хорижий давлатларнинг органлари, чет элдаги халқаро ва бошқа ташкилотлар, фирмалар, компаниялар ва корхоналар, хорижий давлатларнинг элчихоналари ва миссиялари, Ўзбекистон Республикасидаги халқаро ташкилотлар ва хорижий фирмалар, компаниялар ва корхоналар билан тўғридан-тўғри алоқаларни амалга ошириш;

хорижий давлатлар билан белгиланган тартибда техник ва иқтисодий ахборотларни айирбошлашни амалга ошириш ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ вазирликлар, идоралар ва ташқи иқтисодий фаолият субъектларидан ахборотларни сўраб олиш;

ташқи иқтисодий алоқалар, шу жумладан транспорт ва транспорт йўлақлари соҳасидаги масалалар бўйича тегишли ваколатли органлар, хўжалик юритувчи субъектлардан статистик маълумотлар, таклифлар, хулосаларни, ташқи савдо асосий индикаторлари параметрларини ишлаб чиқиш ва уларнинг бажарилишини текшириш учун зарур бўлган, шунингдек транспорт коммуникациялари соҳасида ташқи иқтисодий сиёсатнинг стратегик масалалари бўйича таклифларни ўрганиш ва ишлаб чиқиш мақсадларида шу жумладан идоравий статистика материалларини ва бошқа ахборотнома материалларни белгиланган тартибда олиш, шунингдек юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш билан боғлиқ ёзишмаларни юритиш;

тегишли вазирликлар, идоралар, давлат ташкилотлари, маҳаллий ҳокимият ва давлат бошқаруви органлари, шунингдек корхоналар масъул шахсларининг ташқи иқтисодий сиёсатни амалга ошириш, ташқи бозорда республика манфаатларига риоя қилиниши, республиканинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш масалалари ҳамда ташқи иқтисодий алоқаларга оид бошқа масалалар бўйича ҳисоботларини эшитиш;

ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишнинг белгиланган тартибини бузаётган хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ҳолларда чоралар кўриш;

Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий алоқалари муаммолари бўйича мувофиқлаштирувчи, илмий-техник ва бошқа кенгашлар, идоралараро эксперт

комиссиялари тузиш, махсус кенгашлар чақириш, шунингдек маслаҳатлар олиш, ушбу муаммоларни ўрганиш ва ҳал қилиш учун ҳам республикадан, ҳам хориждан олимлар, мутахассислар ва экспертларни шартнома асосида жалб қилиш;

ўз қурилиш моддий-техника базасини ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш;

Вазирлик ва унга қарашли бўлинмалар томонидан республикада ва хорижда турли хизматлар кўрсатиш ва фаолиятдан олинмаган ўз ихтиёрида қоладиган бюджетдан ташқари маблағлардан ўз моддий-техника базасини ривожлантириш ва ижтимоий мақсадлар учун фойдаланиш;

Вазирликнинг ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирларини амалга ошириш;

ходимларнинг лавозим маошларига шахсий қўшимчалар, шунингдек хорижий тилларни билиши ва узоқ муддат хизмат қилганлиги учун устамалар тўлаш;

Вазирликнинг ва Вазирлик розилиги билан ўзига қарашли ташкилотларнинг расмий таклифига кўра Ўзбекистонга келган хорижий делегацияларнинг республика ҳудудида яшаши ва транспорт харажатларига ҳақ тўлаш;

ташқи иқтисодий алоқалар инфратузилмасини ривожлантириш манфаатларини кўзлаб ҳам республика ҳудудида, ҳам хорижда объектларни, шу жумладан хорижий фирмалар иштирокида, қуриш ва реконструкция қилишни ташкил этиш;

Вазирлик тизимида бюджет маблағларидан оқилона фойдаланилишини мунтазам назорат қилиш, ўзига қарашли ташкилотларнинг тижорат, молия ва хўжалик фаолиятини текшириш ва тафтиш қилиш;

Вазирлик қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

10. Вазирлик ўз ваколатлари доирасида вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилишга ҳақлидир.

Вазирлик, зарур ҳолларда, бошқа вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар билан қўшма қарорлар ва бошқа ҳужжатлар чиқаришга ҳақлидир.

11. Вазирлик ўзига юкланган вазифалар самарали бажарилиши учун жавоб беради.

#### **IV. Вазирлик фаолиятини ташкил этиш**

12. Вазирликка қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган вазир бошчилик қилади.

Вазирнинг тўрт нафар ўринбосари, шу жумладан бир нафар биринчи ўринбосари бўлади,

13. Вазир:

Вазирлик фаолиятига яккабошчилик асосида умумий раҳбарликни амалга оширади ҳамда Вазирликка юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

Вазирлик марказий аппарати ходимларининг белгиланган умумий сони доирасида марказий аппарат тузилмасига ўзгартиришлар киритади, унинг штатлар жадвалини, шунингдек харажатлар сметасини тасдиқлайди;

Вазирлик марказий аппарати, ҳудудий бўлинмалар ходимларини белгиланган тартибда лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод қилади.

Вазирлик марказий аппарати бўлинмалари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо бошқармалари, Қорақалпоғистон

Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги тўғрисидаги низомларни белгиланган тартибда тасдиқлайди;

Вазир қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

14. Вазирликда Вазир (ҳайъат раиси), вазир ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири (лавозимига кўра), Вазирликнинг, идоравий мансуб ташкилотларнинг бошқа раҳбар ходимларидан 11 кишидан иборат таркибда ҳайъат ташкил этилади.

Ҳайъатнинг шахсий таркиби Вазирликнинг тақдимномасига кўра Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Ҳайъат мажлисларига, зарур ҳолларда, республика ҳуқуқни муҳофаза қилиш, молия органлари ва бошқа вазирликлар, идоралар, ташкилотларнинг ўз ваколатлари доирасида Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий алоқаларини бошқаришда қатнашувчи вакиллари таклиф қилиниши мумкин.

15. Ҳайъат ўзининг мунтазам равишда ўтказиладиган мажлисларида;

Вазирлик марказий аппарати таркибий бўлинмалари, Қорақалпоғистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо бошқармалари, ўзига қарашли компаниялар, фирмалар, марказлар ва ташкилотлар, савдо ваколатхоналари, Ўзбекистон Республикаси элчихоналари ҳузуридаги иқтисодий маслаҳатчилар фаолияти билан боғлиқ;

Вазирлик аппарати бўлинмалари раҳбарларини, Қорақалпоғистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазинини ва вазир ўринбосарини, ўзига қарашли ташкилотлар раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарларини, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг чет эллардаги элчихоналари ҳузуридаги иқтисодий маслаҳатчиларни белгиланган тартибда тасдиқлаш билан боғлиқ;

Ҳукумат топшириқларини бажариш ва Вазирлик фаолияти прогнозлари билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқади.

Ҳайъат Вазирлик ваколатига тегишли бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқишга ҳақлидир.

Ҳайъат унинг мажлисида аъзоларининг ярмидан кўпи иштирок этганда ваколатли ҳисобланади,

Кўриб чиқиладиган масалалар бўйича қарорлар оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади. Ҳайъат қарорлари вазирнинг буйруқлари билан ҳаётга татбиқ этилади.

Ҳайъат аъзолари билан ҳайъат раиси ўртасида келишмовчиликлар келиб чиққан тақдирда, вазир ўз қарорини амалга оширади. Келиб чиққан келишмовчиликлар тўғрисида вазир Вазирлар Маҳкамасига ахборот беради.

16. Вазирлик белгиланган тартибда Вазирлик тизимини, шу жумладан ўзига қарашли ташкилотлар тизимини сафарбарлик юзасидан тайёрлашга доир тадбирларни амалга оширади.

17. Вазирликни қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

**226 Иқтисодий тадқиқотларни ташкил қилишни такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида**

Илмий тадқиқотларни ташкил қилиш тизимини такомиллаштириш ва ўтказилаётган иқтисодий тадқиқотларнинг амалий йўналишини кучайтириш, уларни иқтисодиётни ислоҳ қилиш ҳамда эркинлаштиришнинг асосий устувор йўналишлари ва мақсадли вазифаларини амалга оширишга йўналтириш, мамлакатни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришни прогноз қилишнинг мустаҳкам илмий-методологик базасини яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ва Марказий банкининг тугатилаётган Марказлар — Иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги Самарали иқтисодий сиёсат маркази, Молия вазирлиги ҳузуридаги Солиқ-бюджет сиёсати маркази, Марказий банк ҳузуридаги Пул-кредит сиёсати маркази, Банк-молия тизими ривожланишини прогнозлаш ва эркинлаштириш институти негизида Ижтимоий-иқтисодий тадқиқотлар маркази (бундан буён матнда — Марказ деб юритилади) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Марказ ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Иқтисодиёт ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари йиғма ахборот-таҳлил департаментига ҳисобот беради.

2. Қуйидагилар Марказ фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари этиб белгилансин:

табиий, минерал-ҳом ашё, ёқилғи-энергетика ва ер-сув ресурсларини узоқ муддатли истиқболда ривожлантириш ва улардан оқилона фойдаланиш бўйича чуқур таҳлил қилиш, таклифлар ишлаб чиқиш ва прогнозларни шакллантириш;

макроиқтисодий параметрлар ва пропорцияларни тизимли таҳлил қилиш, кўп вариантли узоқ ва ўрта муддатли макроиқтисодий прогнозларни шакллантириш, йиғма қиймат баланслари тизимини ишлаб чиқиш, уларнинг амалга оширилиши мониторингини олиб бориш, макроиқтисодий барқарорлик ва изчил иқтисодий ўсишни таъминлаш бўйича таклифлар тайёрлаш;

молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш, иқтисодиётда тўлов ва ҳисоб-китоблар механизмини такомиллаштириш, турли даражадаги бюджетлар ўртасида ўзаро муносабатларни мақбуллаштириш, солиқ маъмуриятчилигининг илғор усулларини амалиётга жорий этиш жараёнларини таҳлил этиш ва таклифлар ишлаб чиқиш, шунингдек пул муомаласини мустаҳкамлаш, солиқ, бюджет ва кредит сиёсатини, инфляцияни жиловлаш механизмини такомиллаштириш, миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш масалалари;

тармоқ ва ҳудудий пропорцияларни чуқур таҳлил этиш, шу асосда иқтисодиётдаги таркибий ўзгартиришлар ва уларни белгиловчи омиллар, рақобат муҳитини ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, инвестиция сиёсатининг устувор йўналишларини асослаб бериш, қулай инвестиция муҳитини шакллантириш ва хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича тавсиялар тайёрлаш;

оила истеъмол бюджетини белгиловчи омилларни тадқиқ этиш, даромадлар ва харажатлар, реал иш ҳақи манбаларини шакллантириш ҳамда аҳоли фаровонлигини ошириш соҳасида ижтимоий ва иқтисодий сиёсатни ишлаб чиқиш борасида чуқур асосланган таклифлар тайёрлаш;

демографик жараёнларни тадқиқ қилиш, оқилона бандликни ва минтақалар

ижтимоий инфратузилмасини ривожлантиришни таъминлайдиган чора-тадбирларни асослаш;

халқаро ҳисоб ва ҳисобот тизимини жорий этиш, миллий ҳисобварақлар тизимини такомиллаштириш бўйича жаҳон тажрибасини ўрганиш ва таклифлар ишлаб чиқиш.

3. Қўйидагилар белгилансин:

Марказ тадқиқотларининг 2-бандда кўрсатилган энг муҳим функционал йўналишлари бўйича шакллантириладиган лойиҳалар Марказнинг асосий таркибий бўлинмаларини ташкил этади;

тадқиқот лойиҳаларига илмий ишларда тажрибага эга бўлган юқори малакали мутахассислардан танлов асосида тайинланадиган лойиҳа раҳбарлари бошчилик қилади;

Илмий кенгаш қарорига биноан лойиҳаларнинг раҳбарлари ва ижрочилари билан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига мувофиқ бир йилга меҳнат шартномаси (контрактлар) тузилади, уларда лойиҳа темаси, мақсади, вазифалари ва уни амалга оширишнинг асосий босқичлари аниқ кўрсатилади;

лойиҳа раҳбарларининг ҳисоботлари Илмий кенгаш мажлисларида мунтазам тинглаб борилади, кенгаш йил якунларига кўра ўтказилган тадқиқотларнинг натижалари ва сифатига баҳо беради ҳамда лойиҳа доирасида тадқиқотларни давом эттириш ёки уни ёпиш тўғрисида қарор қабул қилади;

Марказ ходимларига давлат бошқаруви органлари ходимлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш, мукофотлаш ва моддий ёрдам кўрсатиш шартлари жорий этилади.

4. Қўйидагилар:

умумий чекланган ходимлар сони 166 нафар, шу жумладан илмий ходимлар сони 130 нафар бўлган Ижтимоий-иқтисодий тадқиқотлар марказининг тузилмаси 1-иловага\* мувофиқ;

Ижтимоий-иқтисодий тадқиқотлар маркази тўғрисидаги низом 2-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

Марказ директориغا Иқтисодиёт ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари йиғма ахборот-таҳлил департаменти билан келишилган ҳолда зарурат туғилганда Марказнинг тасдиқланган тузилмасига ходимларнинг чекланган сони доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

Белгилансинки, Марказ директори Иқтисодиёт ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари йиғма ахборот-таҳлил департаментининг тақдимномаси бўйича Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тасдиқланади.

5. Марказга қўйидаги ҳуқуқлар берилсин:

тадқиқотларга тармоқ экспертлари сифатида контракт асосида давлат бошқаруви органлари, идоралар, банкларнинг мутахассисларини, тадқиқот марказлари ходимларини, олий ўқув юртлари, шу жумладан чет эл олий ўқув юртларининг олимлари ва ўқитувчиларини жалб этиш;

бошқа илмий тадқиқот ташкилотлари, жамғармалар, университетлар, шу жумладан халқаро ва хорижий ташкилотлар, жамғармалар, университетлар билан қўшма тадқиқотлар ўтказишга шартномалар тузиш;

ноширлик фаолиятини амалга ошириш, иқтисодиётни ривожлантириш муаммолари бўйича ахборот-таҳлилий шарҳ ва маълумотномалар чоп этиш;

Марказ зиммасига юкланган вазифалар доирасида марказий иқтисодий орган-

---

\* 1-2-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

лар, вазирликлар, идоралар, банклар ва бошқа ташкилотлардан зарур норматив, статистик ва таҳлилий ахборотларни талаб қилиб олиш.

6. Қўйидагилар Марказни молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

Фан ва технологиялар маркази ҳамда йирик илмий ва инвестиция лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш бўйича Кенгаш томонидан ўтказиб туриладиган грант танловлари натижаларига кўра ажратиладиган маблағлар;

мақсадли бюджет маблағлари, вазирликлар, идоралар ва банкларнинг буюртманомалари бўйича тадқиқотлар ўтказишга улар томонидан ажратиладиган маблағлар;

халқаро молия институтлари ва донор ташкилотларнинг грантлари;

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари доирасида Марказнинг ўз фаолиятдан оладиган даромадлари.

Марказ даромадлари солиққа тортиш объекти эмаслиги белгилаб қўйилсин.

7. Марказ:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Олий Мажлис материаллари, Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари, вазирликлар ҳамда идораларнинг норматив ва йўриқнома ҳужжатлари юборилиши шарт бўлган ташкилотлар рўйхатига;

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, Давлат мулки қўмитасининг статистик ахборотномалари юборилиши шарт бўлган рўйхатга киритилсин.

8. Марказ:

Иқтисодиёт ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари йиғма ахборот-таҳлил департаменти, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда икки ҳафта муддатда Марказнинг лавозимлар рўйхатини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин;

бир ой муддатда Марказ бўлинмалари республикада амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг моҳиятини чуқур англайдиган юқори малакали, тажрибали мутахассислар билан контракт асосида тўлдирилишини таъминласин.

9. Белгилансинки, Ижтимоий-иқтисодий тадқиқотлар маркази Иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги Самарали иқтисодий сиёсат маркази, Молия вазирлиги ҳузуридаги Солиқ-бюджет сиёсати маркази, Марказий банк ҳузуридаги Пул-кредит сиёсати маркази, Банк-молия тизими ривожланишини прогноزلаш ва эркинлаштириш институтининг шартномалари ҳамда мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий ворис ҳисобланади.

10. Марказ қўйидаги манзилда жойлаштирилсин: Тошкент шаҳри, А. Қаямов кўчаси, 2, мазкур бино Ўзбекистон Республикаси Марказий банки балансидан Марказ балансига бепул ўтказилади, ва Фуломов кўчаси, 1.

11. Қўйидагилар:

Вазирлар Маҳкамасининг «Иқтисодий тадқиқотларни ташкил қилишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2000 йил 29 ноябрдаги 464-сонли қарори;

Вазирлар Маҳкамасининг «Банк-молия соҳасидаги тадқиқотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 18 ноябрдаги 398-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

12. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари В.А. Голишев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 2 август,  
ПҚ-143-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

**227** **Банклардаги депозит ҳисобварақлардан нақд пул тўловларини узлуксиз таъминлаш кафолатлари тўғрисида**

Тижорат банклари ва уларнинг филиаллари аҳоли ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг маблағларини депозитларга жалб этиб, уларни айланмага қўйиб ва шу ҳисобдан банк даромад олиб, амалда омонатчилар ҳисобига манфаат кўриб, айни вақтда ўзларининг омонатчилар олдидаги тўғдан-тўғри мажбуриятларини аниқ ба-жармасдан, уларнинг қонуний талаблари ва эҳтиёжларига бефарқ қараётганликлари, бунинг устига омонатчиларнинг буюртмаларини қондириш чоғида ўз мавқеини суиистеъмол қилиб, уларнинг манфаатларини писанд қилмасликлари мутлақо йўл қўйиб бўлмайдиган ҳолатлар деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг вилоят ва шаҳар бўлимлари фаолиятида ҳам худди шундай ҳолатлар мавжуддир.

Шуни назарда тутиш керакки, бундай муносабат банкларга нисбатан ишончга путур етказмоқда, омонатчиларнинг асосли норозилигига сабаб бўлмоқда, аҳоли, тадбиркорлар ва бизнесменларни, хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш маблағларини тижорат банкларидаги депозитларга қўйишни чеклаб, уларни жалб этишни рағбатлантирмайди, нақд пулнинг банкдан ташқари айланмасини қисқартиришга ёрдам бермайди, бутун пул муомаласи тизимини беқарорлаштириб мамлакатга катта иқтисодий зиён етказмоқда.

Кўрсатиб ўтилган камчиликларни батамом тугатиш, нақд пул муомаласини янада мустаҳкамлаш, нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини қисқартириш, хўжалик юритувчи субъектларнинг банклардаги депозит ҳисобварақларидан нақд пуллар банклар томонидан узлуксиз бериб борилишини таъминлаш мақсадида:

1. Тижорат банклари томонидан аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини банклардаги депозит ҳисобварақларга жалб этишни рағбатлантириш ҳамда биринчи талаб бўйича уларнинг ҳисобварақларидан нақд пуллар чекловсиз берилишини амалга ошириш бўйича олиб борилаётган ишлар қониқарсиз деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тижорат банклари ходимларининг бюрократик, сансалорлик, лоқайдлик ва таъмагирлик ҳолларини жуда қисқа муддатларда тугатиш учун қонунда ва амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда унга берилган барча таъсир кўрсатиш механизмлари ва воситаларидан кенг фойдалансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, тижорат банклари 2005 йилнинг 1 сентябригача аҳоли, хўжалик юритувчи субъектлар, жисмоний ва юридик шахсларга уларнинг талаби бўйича нақд пуллар узлуксиз берилишини таъминлаш мақсадида банклардаги депозит ҳисобварақларда бўлган пул маблағларини бериш тартиби ва амалдаги низомни қайта кўриб чиқиш борасида зарур чоралар кўрсин.

Аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларга депозит ҳисобварақлардан нақд пуллар узлуксиз берилиши тижорат банкларининг чорак, ярим йиллик ва йиллик иш якунларини сарҳисоб қилишда улар фаолияти самарадорлиги ва ишончлилигини баҳолашнинг энг муҳим мезонларидан бири деб ҳисоблансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва тижорат банкларининг, иш якунларини кўриб чиқиш вақтида, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларга банкларнинг депозит ҳисобварақларидан нақд пулларни кечиктирмай тўлаш борасида ўрнатилган тартиб бир неча марта (ойига уч мартадан кўпроқ) бузилган тақдирда тижорат банклари ҳудудий бўлимлари ва филиалларининг раҳбарлари эгаллаб турган лавозимидан озод қилиниши лозимлиги тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.

Нақд пул маблағлари узлуксиз бериб борилишини таъминлаш учун тижорат банкларининг раҳбарлари ҳамда мансабдор шахсларини рағбатлантириш ва жавобгарлигини ошириш тартиби тўғрисидаги низом иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки нақд пул маблағлари беришни мунтазам кечиктириш ҳоллари мавжуд бўлганида тижорат банкларига нисбатан қаттиқ жавобгарлик чоралари, ҳатто банк операцияларини амалга ошириш ҳуқуқини берадиган лицензияни қайтариб олиш чораларини қўлласин.

5. Нақд пуллар узлуксиз тўланишини таъминлаш мақсадида:

тижорат банклари ўз бўлинмаларида нақд пул маблағларига бўлган талаб тезкорлик билан тўлдирилишини ва миқдорларнинг буюртмалари қондирилишини таъминлайдиган нақд пул захирасини яратсин;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки нақд пулларнинг минтақавий захира жамғармаларини ташкил қилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки:

тижорат банкларини уларнинг Марказий банкдаги вакиллик ҳисобварақларидаги маблағлар доирасида, зарур ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг ҳисоб-китоб-касса марказларидаги захира жамғармаларидан фойдаланган ҳолда нақд пул маблағлари билан чекланмаган миқдорда таъминлаб турсин;

нақд пулга бўлган талабни узлуксиз таъминлашни назарда тутиб, республика минтақалари ўртасида нақд пул маблағларини тезкор қайта тақсимлашни амалга оширсин;

тижорат банклари билан биргаликда тижорат банкларининг филиалларидаги нақд пул захиралари ҳажмининг энг кам миқдорини тасдиқласин ҳамда мажбурий захиралар бўйича талабларни ҳисоб-китоб қилиш чоғида умуман банк бўйича амалдаги захиралар суммасини ҳисобга олсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, тижорат банклари:

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ўз тузилмаларида нақд пул маблағлари берилиши мониторинги бўйича махсус бўлинмалар ташкил қилсин;

нақд пулни қонуний беришдан бош тортиш ҳоллари қайд этилиши ва назорат қилиниши юзасидан индикаторлар ишлаб чиқсин ва шулар асосида тегишли ойлик ҳисоботни жорий этсин.

Қуйидагилар мазкур бўлинмаларнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

кундалик нақд пул маблағлари келиб тушиши устидан доимий мониторингни амалга ошириш, шунингдек нақд пул ҳисоб-китобларининг ҳолатини таҳлил қилиш, нақд маблағларни тўлаш ҳолати, уларни беришни кечиктириш ҳоллари мавжудлиги тўғрисида ҳар ойлик ҳисоботларни тақдим этиш;

нақд пул захиралари ҳолати ва улардан фойдаланишни тезкорлик билан бошқариш, шунингдек бўш нақд маблағлар етарли ҳажмда бўлишини таъминлаш мақсадида улардан оқилона фойдаланиш;

банк мижозларининг нақд пул маблағларини чекловсиз ва узлуксиз бериш масалалари бўйича мурожаат ва шикоятларини кўриб чиқиш ҳамда улар юзасидан зудлик билан чоралар кўриш, тижорат банкларининг бўлимлари ва филиалларида ушбу масалалар юзасидан текширишлар ўтказиш;

тижорат банклари мансабдор шахсларининг аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг депозит ҳисобварақларидан нақд пуллар узлуксиз берилишига оид талаблар бажарилишини таъминлаш борасидаги фаолияти натижаларига кўра уларни рағбатлантириш ёки жавобгарлик чоралари қўллаш бўйича таклифлар тайёрлаш.

Нақд пулларни бериш масалаларига тезкорлик билан эътибор қаратиш учун ҳар бир минтақада мижозларнинг аризаларини, шу жумладан «ишонч телефони» орқали мурожаатини кўриб чиқиш ва келиб тушаётган мурожаатлар дарҳол текширилиши ташкил қилинсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг депозит ҳисобварақларидан нақд пул сўзсиз ва чекловсиз тўланишини таъминлаш борасидаги ишларнинг аҳолини ҳар чоракда умумлаштириб, Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига ахборот бериб борсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси:

банкдан ташқари айланмани чеклаш бўйича қабул қилинган қарорларнинг амалга оширилиши, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан товарлар сотиш, иш ва хизмат кўрсатишдан тушадиган нақд пул тушумларини банк кассаларига тўлиқ топширилиши устидан назоратни кучайтирсин;

банк кассаларига топширилган нақд-савдо тушуми билан чакана товар обороти ва пулли хизматларни амалдаги ҳажмлари ўртасида мутаносиблик бўлиши, шунингдек чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари назорат-касса машиналари ва ҳисоб-китоб терминалларидан мажбурий фойдаланиш устидан қаттиқ назорат ўрнатсин. Пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда тўловни қабул қилишдан ҳуқуққа зид тарзда бош тортиш фактлари аниқланган ҳолларда айбдор шахсларга нисбатан қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарлик чораси кўрилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Марказий банк ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан амалдаги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазкур қарорнинг қоидаларига мувофиқлаштирилишини таъминласин.

11. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг

Бош вазири Ш.М. Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг  
Раиси Ф.М. Муллажонов зиммаларига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 5 август,  
ПҚ-147-сон

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### **228** Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчиларига турар жойни ижарага олганлик (ижарада турганлик) учун ҳар ойлик пул компенсацияси тўлаш тартиби тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчиларини ижтимоий муҳофаза қилишни таъминлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2005 йил 30 июндаги ПҚ-112-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчиларига турар жойни ижарага олганлик (ижарада турганлик) учун ҳар ойлик пул компенсацияси тўлаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 25 июль,  
169-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2005 йил 25 июлдаги 169-сон қарорига  
ИЛОВА

### **Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчиларига турар жойни ижарага олганлик (ижарада турганлик) учун ҳар ойлик пул компенсацияси тўлаш тартиби тўғрисида НИЗОМ**

1. Турар жойни ижарага олганлик (ижарада турганлик) учун пул компенсацияси контракт бўйича хизмат қилаётган, Ўзбекистон Республикаси вазирликлари ва идоралари йўналиши бўйича турар жой билан таъминланмаган оддий аскар, сержант ва офицерлар таркибига кирувчи шахсларга амалдаги сарф-харажатлар доирасида (коммунал хизматлар ҳақи бундан мустасно):

Тошкент шаҳрида — энг кам ойлик иш ҳақининг тўрт бараваригача миқдорда;

Нукус шаҳрида ва вилоятлар марказларида — энг кам ойлик иш ҳақининг уч бараваригача миқдорда;



Ўзбекистон Республикасининг бошқа шаҳарлари, туманлар марказлари ва аҳоли пунктларида — энг кам ойлик иш ҳақининг икки бараваригача миқдорда тўланади.

Оила аъзолари уч киши ва ундан ортиқ бўлган тақдирда (ҳарбий хизматчининг ўзини ҳисобламаган ҳолда) ушбу пул компенсацияси миқдорлари 50 фоизга оширилади. Бунда ҳарбий хизматчининг ҳарбий хизматни ўташ жойига келган оила аъзолари: хотини (эри), уларнинг болалари ва ота-оналари, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ ижарага олувчининг оила аъзолари деб эътироф этилган бошқа шахслар ҳисобга олинади.

Амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ олдинги яшаш жойида уй-жой майдонини бронь қилган ва бронь қилинган уй-жой майдонига уй-жой майдони билан таъминланмаган бошқа ҳарбий хизматчиларни жойлаштирган, ёхуд уй-жой майдонини ушбу мақсадлар учун Ўзбекистон Республикасининг тегишли вазирликлари ва идораларининг квартира органларига берган ҳарбий хизматчиларга ҳам пул компенсацияси мана шу миқдорларда тўланади.

2. Ҳарбий хизматчиларга пул компенсацияси тўлаш турар жой ижарага олинган (ижарада турган) кундан бошлаб ҳарбий хизматни ўташ жойига келгандан кейин амалга оширилади ва ҳарбий хизматчига белгиланган тартибда турар жой майдони берилган кундан бошлаб (шу жумладан белгиланган тартибда расмийлаштирилган уй-жой майдонининг олди-сотди далолатномалари асосида) ёки ҳарбий хизматчи қисмнинг шахсий таркиби рўйхатидан чиқарилган кундан бошлаб тўхтатилади.

Ҳарбий хизматчига турар жой майдони берилган тақдирда ҳарбий қисмнинг уй-жой комиссияси ҳарбий қисмнинг молия органига пул компенсациясини тўлашни тўхтатиш учун асос ҳисобланган ҳужжатнинг нусхасини тақдим этади.

Ота-оналари, эри (хотини)нинг ота-оналари уй-жой майдонида бирга яшаётган ҳарбий хизматчиларга пул компенсацияси тўланмайди.

3. Ҳарбий хизматчилар пул компенсациясини олиш учун вақтинча яшаш жойини ва коммунал хизматлар қийматисиз турар жойни ижарага олганлик (ижарада турганлик) учун амалдаги харажатлар суммасини кўрсатган ҳолда командирга (бошлиққа) рапорт берадилар.

Рапортга қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

ҳарбий хизматчининг шахсий таркиб рўйхатига киритилганлиги тўғрисида ҳарбий қисм командири буйруғидан кўчирма;

Ўзбекистон Республикаси вазирликлари ва идораларининг тегишли квартира органлари томонидан берилган олдинги хизмат жойи бўйича турар жой майдонини топширганлик (бронь қилганлик) тўғрисида белгиланган шаклдаги маълумотнома нусхаси;

оила бошлиғининг хизматни ўташ жойига келиши учун ҳарбий хизматчи билан келган ва бирга яшаётган оила аъзоларининг таркиби тўғрисида (туғилган саноиси кўрсатилган ҳолда) ҳарбий қисм штабининг (кадрлар органининг) маълумотномаси;

никоҳ тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси.

4. Биргаликда никоҳда бўлган ҳарбий хизматчиларга (хотинига, эрига) пул компенсацияси хизматни ўташ жойидан эри (хотини) турар жой майдони билан таъминланмаганлиги ва пул компенсацияси олмаслиги ҳақидаги маълумотнома бўлган тақдирда ҳарбий хизматни ўташ жойи бўйича улардан бирига тўланади.

Ҳарбий хизматчи аёллар бола 2 ёшга тўлгандан кейин уни парвариш қилиш учун таътилга чиққанлари тақдирда пул компенсацияси бутун таътил даври учун тўланади.

5. Пул компенсацияси ҳарбий хизматчининг хизматни ўташ жойи бўйича молия органи томонидан ўтган ой учун тарқатиш ведомости бўйича тўланади, бир вақтнинг ўзида ҳарбий қисм командири (бошлигининг), корхона ва муассасанинг тўланиши керак бўлган пул компенсацияси суммаси ва тўлов қайси давр учун амалга оширилаётганлиги кўрсатилган буйруғи асосида жорий ой учун пул таъминоти тўланади.

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига хизмат сафарига юборилган ҳарбий хизматчиларга пул компенсацияси ушбу ҳарбий хизматчилар таъминотнинг бошқа турларига бириктирилган ҳарбий қисм, корхона ва муассасанинг молия органи томонидан тўланади. Мудофаа вазирлигининг корхоналар ва ташкилотлардаги ҳарбий ваколатхоналари ҳарбий хизматчиларига пул компенсациялари улар учун пул таъминоти тайинланган ҳарбий қисм, корхона ва муассасаларнинг молия органи томонидан тўланади.

Пул компенсациясини олувчи ҳар бир ҳарбий хизматчига алоҳида шахсий ҳисоб варағи юритилади, ҳарбий хизматчига тақдим этилган барча ҳужжатлар унга тиркаб қўйилади. Шахсий ҳисобварақлари ҳарбий қисмнинг молия органида тўловлар тамом бўлгунгача ва ҳарбий қисмнинг молия-ҳўжалик фаолияти ҳужжатлар билан тафтиш қилиниши жараёнида амалга оширилган харажатларнинг тўғрилиги текширилгунгача сақланади ҳамда сақлаш муддатлари тамом бўлгандан кейин белгиланган тартибда йўқ қилиниши керак.

6. Пул компенсацияси миқдорини белгилаш чоғида ҳисобга олинadиган оила таркиби ўзгарган тақдирда, бу ҳақда ҳарбий хизматчи рапорт беради, янги миқдорлардаги пул компенсацияси ушбу ўзгартиришлар белгиланган тартибда кучга киргандан бошлаб тўланади.

Ҳарбий хизматчининг айби билан ортиқча олинган пул компенсацияси суммаси ундан тўлиқ миқдорда ундириб олинади.

7. Пул компенсацияси тўлаш билан боғлиқ харажатлар:

а) смета-бюджет тартибида молиялаштириладиган ҳарбий қисмлар, ҳарбий-таълим муассасалари, корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларда — бюджет маблағлари ҳисобидан;

б) хўжалик ҳисобидаги вазирликлар ва идораларнинг ҳарбий қисмларида, муассасалари, корхоналари ва ташкилотларида — ўз маблағлари ҳисобидан тўланади.

8. Сарфланган пул маблағлари тўғрисидаги ҳисобот Молия вазирлиги билан келишув бўйича тегишли вазирлик ва идора томонидан тасдиқланadиган шакл бўйича ҳарбий қисмнинг молия органи томонидан йилнинг ҳар чорагида юқори турувчи молия органига (таъминловчи молиявий органга) тақдим этилади.

9. Пул компенсациясининг тўланиши тўғрилиги устидан назорат қилиш ҳарбий қисм командирига (бошлиғига), корхоналар, муассасаларга ва уй-жой комиссияси раисига юкланади.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI VAZIRLAR MAᖘKAMACINING QARORI

## **229 Урганч шаҳридаги ҳарбий касбларга ихтисослаштирилган мактаб-интернатни Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тасарруфига ўтказиш тўғрисида**

Ватан озодлиги ва юрт равнақи йўлида хизмат қиладиган баркамол ёш авлодни тарбиялаш, уларни ҳарбий касбларга йўналтириш ишларини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Хоразм вилояти ҳокимлиги ва Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг Урганч шаҳридаги Хоразм вилояти халқ таълими бошқармаси тасарруфидаги ҳарбий касбларга ихтисослаштирилган мактаб-интернатни бевосита Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тасарруфига ўтказиш тўғрисидаги тақлифига розилик берилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги (Т. Жўраев) Урганч шаҳридаги ҳарбий касбларга ихтисослаштирилган мактаб-интернатни белгиланган тартибда ўз тасарруфига қабул қилиб олсин ва уни Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Хоразм вилояти ҳудудидаги ҳарбий касбларга йўналтирилган таянч муассасага айлантириш ва унинг нуфузини ошириш чора-тадбирларини кўрсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (С. Раҳимов) мазкур таълим муассасасининг харажатларини қоплаш учун 2005 йилги республика бюджети ва Хоразм вилояти маҳаллий бюджети параметрларига тегишли ўзгартиришлар киритилишини таъминласин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2004 йил 29 августдаги 410-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 8-сон, 88-модда) 2-илованинг «Мутасаддилик қилинадиган ташкилотлар» устунидаги «Тошкент, Фарғона ва Самарқанддаги» сўзлари «Тошкент, Фарғона, Самарқанд ва Урганчдаги» сўзлари билан алмаштирилсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Қосимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 28 июль,  
175-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## 230 Тошкент тиббиёт академияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент тиббиёт академиясини ташкил этиш тўғрисида» 2005 йил 19 июлдаги ПФ–3629-сон Фармони бажариш юзасидан ҳамда юқори малакали тиббиёт кадрлари тайёрлашни ташкил этишни такомиллаштириш ва унинг сифатини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Тошкент тиббиёт академиясининг бошқарув ва хизмат кўрсатувчи ходимларининг чекланган сони 1006 нафар, шу жумладан бошқарув ходимлари 103 нафар бўлган ташкилий тузилмаси иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Тошкент тиббиёт академияси ректорига, зарурат бўлганда, Академия тузилмасига ходимларнинг белгиланган чекланган умумий сони доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

2. Қуйидагилар Академиянинг асосий вазифалари деб ҳисоблансин:

аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишни сифат жиҳатидан яхшилаш мақсадида юқори малакали тиббиёт кадрлари тайёрлашни таъминлаш ва соғлиқни сақлаш тизими тузилмасини такомиллаштиришда қатнашиш;

илғор таълим технологияларини кенг жорий этиш асосида ўқув жараёнини ташкил этишни янги мазмун билан тўлдириш;

бўлажак тиббиёт мутахассисларини ўқитишни улар даволаш амалиётининг аниқ кўникмаларини эгаллаб олиши билан биргалликда таъминлаш;

тиббиёт кадрлари тайёрлашнинг истиқболли йўналишларини белгилаш, атроф муҳитдаги экологик ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда врачлар фаолиятида профилактика йўналишини шакллантириш;

тиббиёт кадрлари тайёрлаш, уларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича республикадаги етакчи таълим муассасаси сифатида, шунингдек тиббиёт, соғлиқни сақлаш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш соҳасида илмий тадқиқотлар ўтказиш бўйича мамлакатнинг тиббиёт олий ўқув юр்தларини мувофиқлаштириш ва уларга методик раҳбарлик қилиш;

тиббиёт педагогика кадрларида ватанпарвар фуқаро туйғуларини, юксак профессионализм ва маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантирган ҳолда уларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш;

тиббиёт кадрлари тайёрлаш бўйича Ватанимиздаги ва хориждаги илғор тажрибани ҳисобга олиш ва тизимлаштириш ҳамда уни республиканинг олий тиббиёт таълими тизимига жорий этиш.

3. Биринчи Тошкент давлат тиббиёт институтининг Урганч филиали ва Иккинчи Тошкент давлат тиббиёт институтининг Фарғона филиали Тошкент тиббиёт академиясининг тегишли филиалларига қайта номлансин.

4. Белгилансинки, Тошкент тиббиёт академияси ҳамда тегишли равишда унинг Урганч ва Фарғона филиаллари:

Биринчи Тошкент давлат тиббиёт институти, Иккинчи Тошкент давлат тиббиёт институти, Биринчи Тошкент давлат тиббиёт институти Урганч филиали ва Иккинчи Тошкент давлат тиббиёт институти Фарғона филиалининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва тузилган шартномаларининг;

Биринчи Тошкент давлат тиббиёт институти, Иккинчи Тошкент давлат тиббиёт институти, Биринчи Тошкент давлат тиббиёт институти Урганч филиали ва

Иккинчи Тошкент давлат тиббиёт институти Фарғона филиалининг балансида бўлган мол-мулкнинг ҳуқуқий ворислари ҳисобланади.

5. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент тиббиёт академияси ректори бир ҳафта муддатда Академиянинг асосий вазифаларидан ва фаолияти йўналишларидан келиб чиқиб Илмий кенгашни шакллантирсин. Илмий кенгаш мамлакатда тиббиёт соҳасида тайёрланадиган мутахассислар ва олимларнинг даражаси ва сифатини ошириш ишида етакчи тузилма сифатида Академияни ташкил этиш ва шакллантириш жараёнида ректоратга муҳим таянч бўлиши керак.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

Тошкент тиббиёт академияси ва унинг филиаллари фаолияти жорий йилда Биринчи ва Иккинчи Тошкент давлат тиббиёт институтлари ва уларнинг филиалларига ажратилган бюджет маблағлари доирасида молиялаштирилишини таъминласин; тугатилаётган Биринчи ва Иккинчи Тошкент давлат тиббиёт институтлари ва уларнинг филиаллари профессор-ўқитувчилар таркибининг умумий сонини сақлаб қолсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Ф. Назиров) Тошкент тиббиёт академияси раҳбарияти билан биргаликда бир ой муддатда Академия уставини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

8. Қуйидагилар:

даволаш факультети ҳамда Олий ҳамширалик иши факультети тугатилган Иккинчи Тошкент давлат тиббиёт институти корпусларида;

стоматология, тиббий-профилактика ва тиббий-педагогика факультетлари собиқ Биринчи Тошкент давлат тиббиёт институти корпусларида жойлаштирилсин.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги (А. Тўхтаев) Тошкент тиббиёт академияси ҳудудлари ўртасида автобус йўналишини ташкил этсин. Йўналиш талабалар ётоқхоналарига туташиб кетган кўчалар бўйлаб ўтишини назарда тутилсин.

9. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Ф. Назиров), Тошкент тиббиёт академияси (Ш. Каримов):

қабул комиссиялари фаолиятида бирор-бир таъмагирлик ва порахўрлик ҳолларини, абитуриентларнинг Академияга таниш-билишчилик ва бошқа субъектив сабаблар билан киришини истисно этиш учун қўшимча чора-тадбирлар кўрсинлар;

клиник базаларнинг республика ва шаҳар даволаш-профилактика ва санитария муассасаларида жойлашишини ҳисобга олган ҳолда кафедраларнинг сони, таркиби ва жойлаштирилишини бир ой муддатда мақбуллаштирадилар, бунда уларнинг такорланиши ва параллел мавжуд бўлиши истисно этилсин;

Тошкент тиббиёт академияси ва унинг филиаллари профессор-ўқитувчилар таркибини белгиланган тартибда танлов асосида танлаб олсинлар.


10. Тошкент шаҳар, Форобий кўчаси, 2-уй Тошкент тиббиёт академиясининг юридик манзили этиб белгилансин.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Қосимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 29 июль,  
178-сон

**Тошкент тиббиёт академиясининг ташкилий тузилмаси**



Жами бошқарув ходимлари — 103 киши

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## **231** Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

Маҳсулот сотишнинг бозор тамойиллари ва механизмларини кенг жорий этиш, маҳаллий товар ишлаб чиқарувчилар маҳсулотларига нархларни шакллантириш бозор механизмини яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 31 мартдаги 165-сон қарори билан тасдиқланган Нархлар (тарифлар)ни шакллантириш ва уларнинг қўлланишини назорат қилиш тартиби 22-бандининг бешинчи хатбошидаги «қонун ҳужжатларида назарда тутилган монопол маҳсулотларнинг айрим турлари» сўзлари «монопол маҳсулотлар» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Товар-хом ашё биржалари фаолиятини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2004 йил 31 майдаги 251-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 5-сон, 50-модда) 5-бандининг тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 29 июль,  
179-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## **232** Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2005 йил 11 апрелдаги ПФ-3594-сон Фармонини бажариш юзасидан ва чет эллик инвесторларга қонун ҳужжатларида назарда тутилган кафолатлар берилишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 3-моддаси тўртинчи қисмида белгиланган кафолатларни қўллаш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилансинки, чет эллик инвесторга Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан қонун ҳужжатларида белгиланганга қўшимча кафолатлар ва ҳимоя чора-

---

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й.*

лари (имтиёзлар ва преференциялар) берилган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги орқали Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан чет эллик инвестор ўртасида инвестиция шартномаси тузилади ва шартнома кейинчалик Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Инвестиция шартномаларини тузиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари В.А. Голишев зиммасига юклансин.

### **Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 2 август,  
180-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2005 йил 2 августдаги 180-сон қарорига  
1-ИЛОВА

### **«Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 3-моддаси тўртинчи қисмида белгиланган кафолатларни қўллаш тартиби тўғрисида НИЗОМ**

1. Мазкур Низом «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида», «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2005 йил 11 апрелдаги ПФ-3594-сон Фармонида мувофиқ «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги Қонуннинг 3-моддаси тўртинчи қисми билан чет эллик инвесторларга ва уларнинг инвестицияларига берилган кафолатларни (кейинги ўринларда матнда кафолат деб юритилади) қўллаш тартибини белгилайди.

2. Кейинги қонун ҳужжатлари муносабати билан инвестициялаш шарт-шароитлари ёмонлашган тақдирда инвестициялаш пайтида амал қилган қонун ҳужжатларини ўн йил мобайнида қўллаш тўғрисидаги кафолат:

чет эллик инвесторга тўланадиган дивидендлар шаклида олинадиган даромадга солинадиган солиқ миқдори (ставкалар) кўпайиши;

чет эллик инвесторнинг чет элга ўтказиладиган даромади (фойдаси)ни репатриация қилиш тартиб-қоидасини мураккаблаштирадиган ёки унинг миқдорини камайтирадиган қўшимча талаблар жорий этилиши, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхона тўлов қобилиятига эга бўлмаганда ва банкротга учраганда ёки кредиторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, чет эллик инвестор — жисмоний шахс томонидан содир этилган жиноий қилмиш ёки маъмурий ҳуқуқни бузишлар, ёхуд суд ёки ҳакамлик қарорига мувофиқ бундай репатриацияни тўхтатиб туриш зарурияти ҳолларида камситмасдан қонун ҳужжатларини қўллаш шартларида чет эл-



лик инвесторнинг маблағларини репатриация қилиш давлат томонидан тўхтатиб қўйилган ҳоллар бундан мустасно;

инвестициялашни амалга ошириш ҳажмларига миқдорий чеклашлар ва инвестициялар миқдори бўйича, шу жумладан чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарда чет эл инвестицияларининг энг кам миқдорини кўпайтириш шаклидаги бошқа қўшимча чора-тадбирлар жорий этилиши;

республика корхоналарининг устав фондларида чет эллик инвесторнинг улушли қатнашиши бўйича чеклашлар жорий этилиши;

чет эллик инвесторларнинг визаларини расмийлаштириш ва муддатини узайтиришнинг қўшимча тартиб-қоидалари, шунингдек чет эл инвестицияларни амалга ошириш бўйича бошқа қўшимча талаблар жорий этилиши ҳолларида қўлланади.

3. «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддасига мувофиқ қўйидагилар чет эллик инвесторлар ҳисобланади:

чет давлатлар, чет давлатларнинг маъмурий ёки ҳудудий органлари;

давлатлар ўртасидаги битимлар ёки бошқа шартномаларга мувофиқ ташкил топган ёки халқаро оммавий ҳуқуқ субъектлари бўлган халқаро ташкилотлар;

чет давлатларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил топган ва фаолият кўрсатиб келаётган юридик шахслар, бошқа ҳар қандай ширкатлар, ташкилотлар ёки уюшмалар;

чет давлат фуқаролари бўлмиш жисмоний шахслар, фуқаролиги бўлмаган шахслар ва чет элларда доимий яшайдиган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари.

4. Кафолатнинг амал қилиши:

корхона ташкил этилганда — корхона давлат рўйхатидан ўтказилган санадан;

мол-мулк, улушлар, Ўзбекистон Республикаси резидентлари томонидан эмитация қилинган акциялар ва бошқа қимматли қоғозлар сотиб олинганда савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектларига, улар жойлашган ер участкалари билан турар жой биноларига мулкчилик ҳуқуқи, шунингдек ерга ва табиий ресурсларга эгалик қилиш ва улардан фойдаланиш ҳуқуқи (шу жумладан ижара асосида) мулкчилик ҳуқуқини ёки бошқа ашёвий ҳуқуқни мустаҳкамлайдиган ҳужжат кучга кирган санадан;

интеллектуал мулкка ҳуқуқлар қўшилганда, муаллифлик ҳуқуқлари, патентлар, товар белгилари, фойдали моделлар, саноат намуналари, фирма номлари ва ноухау, шунингдек амалий обрў (гудвилл) ҳам шу жумлага киради — интеллектуал мулкка ҳуқуқлар қўшилишини тасдиқловчи ҳужжат кучга кирган санадан;

концессиялар, шу жумладан табиий ресурсларни разведка қилиш, қазил, қазиб чиқариш ёхуд фойдаланишга концессиялар сотиб олинганда — концессия шартномаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган санадан;

инвестиция мажбуриятлари чет эллик инвестор Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги билан тузадиган инвестиция шартномасида бир вақтнинг ўзида мустаҳкамланадиган инвестициялашда — шартнома кучга кирган санадан;

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа шакллардаги инвестициялашда — чет эллик инвестор томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида инвестиция фаолияти амалга оширилишини тасдиқлайдиган ҳужжат кучга кирган санадан бошланади.

5. Мазкур Низомнинг 2-бандида санаб ўтилган инвестициялаш шартлари ёмонлашининг ҳар қандай турлари бошланган тақдирда чет эллик инвестор тегишли ваколатли органни кафолат қўлланиши тўғрисида хабардор қилади.

Юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказадиган давлат ташкилотлари, Ўзбе-

кистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ҳамда хизмат кўрсатувчи банклар чет эллик инвестор томонидан кафолат қўлланиши тўғрисида хабардор қилинадиган ваколатли органлар ҳисобланади.

6. Билдиришнома ёзма шаклда:

чет эллик инвесторга тўланадиган дивидендлар шаклида олинадиган даромадга солинадиган солиқ миқдори (ставкалар) кўпайган тақдирда — корхона рўйхатдан ўтказилган жой бўйича давлат солиқ хизмати органларига;

мазкур Низомда назарда тутилган ҳоллардан ташқари чет эллик инвесторнинг чет элга ўтказиладиган даромади (фойдаси)ни репатриация қилиш тартиб-қоида-сини мураккаблаштирадиган ёки унинг миқдорини камайтирадиган қўшимча талаблар жорий этилган тақдирда — хизмат кўрсатувчи банкка;

инвестицияларни амалга ошириш ҳажмларига миқдорий чеклашлар ва инвестициялар миқдори бўйича бошқа қўшимча талаблар, шу жумладан чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарда чет эл инвестицияларининг энг кам миқдорини кўпайтириш, республика корхоналарининг устав фондларида чет эллик инвесторларнинг улушли қатнашиши бўйича чеклашлар шаклидаги талаблар, шунингдек чет эл инвестицияларини амалга ошириш бўйича бошқа қўшимча талаблар жорий этилган тақдирда — юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказадиган тегишли давлат ташкилотларига;

чет эллик инвесторларнинг визаларини расмийлаштириш ва муддатини узайтиришнинг қўшимча тартиб-қоидалари жорий этилган тақдирда — Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига ва (ёки) Ички ишлар вазирлигига;

чет эллик инвесторга қонун ҳужжатларида белгиланганга қўшимча кафолатлар ва ҳимоя чоралари берадиган инвестиция шартномаси мавжуд бўлган тақдирда инвестиция шартномасида кўрсатилган инвестициялаш шартлари бўйича — Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигига юборилади (берилади).

Билдиришнома инвестор томонидан инвестициялаш шартларини ёмонлаштирадиган қонун ҳужжати қабул қилингандан кейин исталган вақтда юборилиши мумкин. Билдиришномада чет эллик инвестор инвестициялаш шартлари ёмонлашди деб ҳисоблайдиган ҳолатлар ва кафолат амал қилиши муддати мобайнида ўзи қўллаш ниятида бўлган инвестициялаш санасида амал қилган қонун ҳужжати кўрсатилади.

7. Чет эллик инвесторнинг билдиришномаси чет эллик инвесторга нисбатан ваколатли орган томонидан инвестициялаш санасида амал қилган қонун ҳужжати қўлланиши учун асос ҳисобланади. Билдиришнома, ваколатли органга юборилиши санасидан қатъи назар, инвестициялаш шартларининг ёмонлаштирадиган қонун ҳужжати кучга кирган пайтдан бошлаб амал қилади.

Ваколатли орган чет эллик инвесторнинг билдиришномасига розилик билдирмаган тақдирда «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги Қонуннинг 3-моддаси тўртинчи қисми ва мазкур Низом чет эллик инвесторга қўлланишининг қонунийлиги тўғрисидаги юридик хулоса учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига мурожаат қилиши мумкин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги мурожаат олинган пайтдан бошлаб икки ҳафта муддатда тегишли ваколатли органга асосланган хулоса юборади.

Ваколатли орган чет эллик инвесторга кафолат қўлланишининг ноқонунийлиги тўғрисидаги даъво билан судга мурожаат қилиши мумкин.

Чет эллик инвесторга кафолат қўлланиши ноқонунийлиги тўғрисида Адлия


вазирлигининг юридик хулосаси мавжуд бўлган тақдирда ваколатли орган давлат божи тўламасдан тегишли даъво билан судга мурожаат қилиши мумкин.

9. Ваколатли органнинг чет эллик инвестор билдиришномасига розилик билдирмаслиги, юридик хулоса учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига ва чет эллик инвесторга кафолат қўлланишининг ноқонунийлиги тўғрисидаги даъво билан судга мурожаат қилиши чет эллик инвесторга нисбатан кафолат қўлланишини тўхтатиб туриш учун асос ҳисобланмайди.

10. Мазкур Низомнинг амал қилиши Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ва халқаро шартномаларига мувофиқ белгиланадиган Ўзбекистон Республикасининг миллий хавфсизлиги манфаатларини химоя қилишни таъминлаш билан бевосита боғлиқ бўлган қонун ҳужжатлари қабул қилиниши, уларга қўшимчалар киритилиши ёхуд уларнинг бекор қилинишига татбиқ этилмайди.

«Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 3-моддаси тўртинчи қисмида белгиланган кафолатларни қўллаш тартиби ҳақидаги низомга  
ИЛОВА

### Кафолат қўлланиши ҳақида чет эллик инвестор томонидан хабар берилиши схемаси



*Чет эллик инвесторларга кафолат қўлланишининг қонунийлиги борасида баҳслашадиган органлар*

Адлия вазирлигига — чет эллик инвесторга кафолат қўлланиши қонунийлиги тўғрисидаги юридик хулоса учун

Судга — чет эллик инвесторга кафолат қўлланишининг ноқонунийлиги ҳақидаги даъво билан\*

*\* Чет эллик инвесторга кафолат қўлланишининг қонуний эмаслиги ҳақида Адлия вазирлигининг юридик хулосаси мавжуд бўлган тақдирда ваколатли орган давлат божси тўламасдан тегишли даъво билан судга мурожаат қилиши мумкин.*

Вазирлар Маҳкамасининг  
2005 йил 2 августдаги 180-сон қарорига  
2-ИЛОВА

**Инвестиция шартномаларини тузиш ва амалга ошириш  
тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

1. Ушбу Низом «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддасига мувофиқ чет эллик инвесторларга қонун ҳужжатларида белгиланганларга қўшимча кафолатлар ва ҳимоя чоралари (имтиёзлар ва преференциялар) беришда улар билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан инвестиция шартномалари тузиш тартибини белгилайди.

Чет эллик инвесторлар билан уларнинг қўшимча кафолатлар ва ҳимоя чоралари (имтиёзлар ва преференциялар) бериш билан боғлиқ бўлмаган инвестиция мажбуриятларини мустаҳкамлашга йўналтирилган шартномаларни тузиш ва амалга ошириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

2. Чет эллик инвесторларга кафолатлар ва ҳимоя чоралари (имтиёзлар ва преференциялар):

барқарор иқтисодий ўсишни, мамлакат иқтисодиётини прогрессив таркибий ўзгартиришларни таъминловчи устувор тармоқларни;

республиканинг ишлаб чиқариш ва экспорт салоҳиётини мустаҳкамлаш ва кенгайтиришни, республикани жаҳон ҳўжалик алоқаларига интеграциялашни таъминловчи устувор лойиҳаларни;

амалга оширилиши хом ашё ва материалларни қайта ишлашга, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишга, аҳолини иш билан таъминлашга йўналтирилган кичик тадбиркорлик соҳасидаги лойиҳаларни инвестициялашнинг ҳар бир аниқ ҳолатида берилади.

3. Қўшимча кафолатлар ва ҳимоя чоралари (имтиёзлар ва преференциялар) бериладиган чет эллик инвесторлар томонидан мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш мақсадида инвестор билан инвестиция шартномаси тузилади.

4. Инвестиция шартномаси инвестиция фаолияти субъектларининг инвестиция фаолияти объектларига нисбатан ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлигини белгилайди.

5. Инвестиция шартномаси Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги орқали Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ҳамда чет эллик инвестор (инвесторлар) ўртасида тузилади.

6. Инвестиция шартномаси Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан чет эллик инвесторга қонун ҳужжатларида белгиланганларга қўшимча кафолатлар ва ҳимоя чоралари (имтиёзлар ва преференциялар) берилган тақдирда мажбурий тартибда тузилади.

Бундай кафолатлар ва ҳимоя чоралари (имтиёзлар ва преференциялар) Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати кафолатлари беришни, махсус божхона, солиқ ва тўлов режими яратишни, лойиҳаларни амалга ошириш давлат мониторингини юриштишни, инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга қўмаклашишни, инвестиция дастурига киритишни ёки Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа чора-тадбирларни ўз ичига олиши мумкин.

7. Инвестиция шартномасида қуйидагилар кўрсатилиши керак:  
инвестициялар объекти ва ҳажми;

инвестиция шартномасининг амал қилиш муддати ва шартлари;

инвесторнинг, шу жумладан инвестициялаш ҳажми, ишлаб чиқаришнинг муайян ҳажмини таъминлаш, маҳсулот ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва сифатининг кафолатланган даражаси, ўзи ишлаб чиқарган товарлар экспорти ва кўрсатилган хизматлари ҳажми, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати кафолати остида жалб этиладиган кредитларнинг қайтарилишини таъминлаш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатларига, меҳнат қонунчилигига ва техника хавфсизлигига риоя қилиш, ишлаб чиқариш фаолиятининг бошқа соҳалари бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлари;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг, шу жумладан қонун ҳужжатларида белгиланганларга қўшимча кафолатлар ва ҳимоя чоралари бериш бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлари;

лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш, пудрат ишларига шартномалар тузиш муддатлари, молиялаштириш манбалари, лойиҳани амалга ошириш жадваллари, инвестиция лойиҳасининг амалга оширилишини техник назорат қилиш тартиби тўғрисидаги ахборотлар;

чет эллик инвестор томонидан унинг мажбуриятлари ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тақдим этиш тартиби ва муддатлари;

томонларнинг инвестиция шартномаси шартларига риоя қилмаганлиги учун жавобгарлиги;

ўзгартиришлар киритиш тартиби;

инвестиция шартномасининг амал қилишини тўхтатиш тартиби;

инвестиция шартномасидан келиб чиқадиган низоларни ҳал этиш тартиби ва кўриб чиқиш жойи.

Инвестиция шартномасида инвестиция лойиҳаси хусусиятига қараб бошқа шартлар, шу жумладан:

томонларнинг минтақанинг ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш бўйича ўзаро мажбуриятлари;

инвесторнинг шартномани бажариш натижасида ўзига тегишли маҳсулотни ва олинган фойдани (даромадларни) Ўзбекистон Республикасидан четга чиқариш ҳуқуқи;

чет эллик инвесторнинг Ўзбекистон Республикаси жисмоний шахслари бўлган ходимларни ёллаш ва ўқитиш бўйича мажбуриятлари, технологиялардан фойдаланиш шартлари, шунингдек инвесторнинг инвестиция лойиҳасини амалга ошириш тугаллангандан кейин ташкил этилган ташкилотнинг ходимларини ўқитиш бўйича мажбуриятлари ҳам бўлиши мумкин.

8. Чет эллик инвестор инвестиция шартномасини тайёрлаш учун Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигига қуйидагиларни тақдим этади:

инвестиция шартномасининг лойиҳаси;

қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ваколатли органларда экспертизадан ўтказилган техник-иқтисодий асослаш (техник-иқтисодий ҳисоблаш) асосида бажарилган асосий иқтисодий кўрсаткичлар;

инвестиция шартномаси лойиҳасининг ҳуқуқий экспертизаси юзасидан — Адлия вазирлигининг ҳулосаси;

чет эллик инвесторларга ва (ёки) ташкил этиладиган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхонага қонун ҳужжатларида белгиланганларга қўшимча равишда солиқ солиш бўйича имтиёзлар ва преференциялар бериш юзасидан — Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси ҳулосалари.

9. Зарурат бўлганда, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар,

инвестициялар ва савдо вазирлиги чет эллик инвестордан инвестиция шартномаси лойиҳасини баҳолаш билан боғлиқ бўлган қўшимча материалларни сўраб олиши мумкин.

10. Чет эллик инвестор томонидан тақдим этилган инвестиция шартномаси лойиҳаси ва бошқа материаллар инвестиция шартномаси лойиҳаси олинган кундан бошлаб ўн тўрт иш куни мобайнида ваколатли органлар томонидан кўриб чиқилади.

11. Зарурат бўлган тақдирда, инвестиция шартномаси қоидаларини келишиб олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда чет эллик инвестор (инвесторлар) ўртасида музокаралар ўтказилади.

12. Чет эллик инвестор ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан имзоланган инвестиция шартномаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига уни тасдиқлаш тўғрисида Ҳукумат қарорини қабул қилиш учун киритилади.

Агар инвестиция лойиҳасининг техник-иқтисодий асослаши (техник-иқтисодий ҳисоби) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланиши керак бўлса инвестиция шартномасини тасдиқлаш тўғрисидаги тегишли банд инвестиция лойиҳасининг техник-иқтисодий асослаши (техник-иқтисодий ҳисоби)ни тасдиқлаш ҳақидаги Ҳукумат қарори лойиҳасига киритилиши мумкин.

Агар инвестиция шартномасида солиқ ҳамда божхона имтиёзлари ва преференциялари бериш назарда тутилса бундай шартнома қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тасдиқланади.


13. Чет эллик инвестор билан инвестиция шартномаси уни тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан бошлаб кучга киради, агар ушбу қарорда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса.

14. Чет эллик инвестор инвестиция шартномасида белгиланган тартибда ва муддатларда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигига қабул қилинган мажбуриятларнинг бажарилиши тўғрисида ҳисоботлар тақдим этади. Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги инвестиция шартномасидан келиб чиқадиган мажбуриятларнинг чет эллик инвестор томонидан бажарилишини назорат қилади.

15. Ушбу Низомнинг амал қилиши у кучга киргандан кейин амалга оширилдиган инвестиция лойиҳаларига татбиқ этилади.

Инвестиция шартномаларини  
тузиш ва амалга ошириш тартиби  
тўғрисидаги низомга  
ИЛОВА

**Инвестиция шартномасини тузиш ва амалга ошириш схемаси**





ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## **233** Лотереялар, тотализаторлар ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинлар ўтказишни ташкил этишни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Лотереялар, тотализаторлар ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинлар ўтказишни ташкил этишни янада такомиллаштириш, шунингдек уларнинг қатнашчилари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилди**:

1. Лотереялар, тотализаторлар ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинлар ташкил этиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи юридик шахслар устав фонднинг энг кам миқдори 200 млн сўм миқдорига белгилансин, шундан камида 50 фоизи пул маблағлари билан шакллантирилади.

Лотереялар, тотализаторлар ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинлар ташкил этиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи юридик шахслар устав фонднинг шакллантириш учун кредитга, гаров остида олинган маблағлардан ҳамда бошқа жалб қилинган маблағлардан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

2. Белгилаб қўйилсинки, мазкур қарор қабул қилингунга қадар лотереялар, тотализаторлар ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш бўйича фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқи учун лицензия олган юридик шахслар, ушбу қарор қабул қилинган кундан бошлаб бир йил мобайнида ўз устав фонди миқдорини мазкур қарорнинг 1-банди билан белгиланган энг кам миқдорга мувофиқлаштириши шарт.

3. Ушбу қарор қабул қилинган кундан бошлаб бир йил ўтгандан кейин устав фонди миқдори белгиланган энг кам талабларга мувофиқ бўлмаган юридик шахслар, лотереялар, тотализаторлар ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш бўйича фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлмайди.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси устав фонднинг мазкур қарор талабларига мувофиқ шакллантирмаган, шунингдек белгиланган тартибда лицензия олмаган юридик шахслар томонидан лотереялар, тотализаторлар ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш бўйича фаолият амалга оширилишига йўл қўймаслик чора-тадбирларини кўрсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари В.А. Голишев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 2 август,  
182-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2005 йил 2 августдаги 182-сон қарорига  
ИЛОВА

### **Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Пул-буюм лотереялари ўтказишни ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 15 ноябрдаги 396-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 11-сон, 70-модда) 5-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 16 июлдаги 314-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 7-сон, 62-модда) билан тасдиқланган Лотереялар, тотализатор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинлар ташкил этиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низом 6-банди «б» кичик бандининг иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«лицензиат устав фондининг шакллантирилган миқдори лотереялар, тотализаторлар ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи юридик шахслар учун 200 млн сўмдан кам бўлмаслиги керак, шундан эллик фоизи пул маблағлари билан шакллантирилади. Бунда лотереялар, тотализаторлар ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш бўйича фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқи учун лицензия олиш тўғрисида ариза берилган вақтда лицензия талабгорининг устав фонди кўрсатиб ўтилган энг кам миқдорда тўлиқ шакллантирилган бўлиши керак. Лотереялар, тотализаторлар ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш бўйича фаолиятни амалга оширадиган юридик шахслар устав фондини шакллантириш учун кредитга, гаров остида олинган маблағлардан ҳамда бошқа жалб қилинган маблағлардан фойдаланишга йўл қўйилмайди».

#### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### **234 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ахборот-таҳлил департаментлари тўғрисидаги низом- ларни тасдиқлаш ҳақида**

«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи тузилмасини қисман ўзгартириш тўғрисида» 2005 йил 25 июлдаги ПҚ-131-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Иқтисодиёт ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари йиғма ахборот-таҳлил департаменти тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Қишлоқ ва сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда

истеъмол товарлари масалалари ахборот-таҳлил департаменти тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ахборот-таҳлил департаментлари тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида» 2004 йил 1 декабрдаги 561-сон қарори 1-бандининг иккинчи, учинчи, олтинчи ва тўққизинчи хатбоши, шунингдек ушбу қарорга 1, 2, 5 ва 8-иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари В.А. Голишев ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбари Р.В. Абдуқодиров зиммасига юклансин.

### **Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 3 август,  
183-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2005 йил 3 августдаги 183-сон қарорига  
1-ИЛОВА

## **Иқтисодиёт ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари йиғма ахборот-таҳлил департаменти тўғрисида НИЗОМ**

### **I. Умумий қоидалар**

1. Иқтисодиёт ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари йиғма ахборот-таҳлил департаменти (кейинги ўринларда Йиғма департамент деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 25 июлдаги ПҚ-131-сон қарорига мувофиқ ташкил этилган ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати аппаратининг таркибий бўлинмаси ҳисобланади.

2. Йиғма департаментнинг фаолияти:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасини, унинг Президиумини, шунингдек Вазирлар Маҳкамаси аппаратини умуман мамлакат иқтисодиётида ҳамда минтақаларида бозор ислохотлари ва таркибий ислохотлар, шунингдек ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш масалалари бўйича ахборот-таҳлилий таъминлашга;

макроиқтисодий, тармоқ ва ижтимоий ривожлантириш дастурлари стратегиясини ишлаб чиқишда, макроиқтисодий ва таркибий сиёсат самарадорлигини ошириш юзасидан таклифлар тайёрлашда марказий иқтисодий идоралар, бошқарувнинг тармоқ органлари ва Вазирлар Маҳкамаси аппарати департаментларининг прогноз-таҳлил фаолиятини мувофиқлаштиришга;

иқтисодий ислохотлар натижаларини таҳлил қилиш ва умумлаштириш, иқтисодий ривожлантириш стратегияси ва дастурларини ишлаб чиқиш, маъмурий ислохотларнинг амалга оширилишини, кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, унинг мамлакат минтақаларида роли ва аҳамиятини оширишнинг аҳволини таҳлил қилиш масалаларида Вазирлар Маҳкамаси аппарати департаментлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилишга;

давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлар, халқаро иқтисодий ташкилотлари ва молия институтлари билан ташқи иқтисодий алоқаларини, Марказий Осиё, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари ва Шанхай ҳамкорлик ташкилоти билан ҳамкорлигини ривожлантириш, экспорт салоҳиятини кенгайтириш, ташқи иқтисодий алоқалар соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ва шартномавий-ҳуқуқий базани янада ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича фаолиятини мувофиқлаштиришга йўналтирилган.

3. Йиғма департамент ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари ва бошқа ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, шунингдек мазкур Низомга амал қилади.

4. Йиғма департамент ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири раҳбарлигида амалга оширади.

Йиғма департамент ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тегишли ўринбосарига, ташкилий масалалар ва ижро интизоми масалалари бўйича эса — Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбарига бўйсунди.

5. Йиғма департамент ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг бошқа таркибий бўлинмалари, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

6. Вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузурида ташкил этилган ахборот-таҳлил гуруҳлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳузурида ташкил этилган ахборот-таҳлил бошқармаси тегишли равишда вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимларига ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисига, шунингдек Йиғма департаментга ҳисоб беради.

Йиғма департамент ўзига ҳисоб берадиган Ижтимоий-иқтисодий тадқиқотлар маркази фаолиятига раҳбарлик қилади ва уни мувофиқлаштиради.

7. Ахборот-таҳлил гуруҳлари раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳузуридаги ахборот-таҳлил бошқармаси бошлиғи, шунингдек кўрсатиб ўтилган ҳудудий бўлинмалар мутахассислари лавозимга тегишли равишда вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси томонидан Йиғма департамент мудирини билан келишилган ҳолда тайинланади.

## II. Йиғма департаментнинг вазифалари ва функциялари

8. Қуйидагилар Йиғма департаментнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

*а) макроиқтисодий ривожлантириш ва ислоҳотларни амалга ошириш соҳасида:*

марказий иқтисодий идоралар, давлат ва ҳўжалик бошқаруви бошқа органлари, шунингдек Вазирлар Маҳкамаси Аппарати департаментларининг ахборот-таҳлилий фаолиятини мувофиқлаштириш асосида мамлакатда иқтисодий, ижтимоий, таркибий ва институционал ислоҳотларнинг амалга оширилишини мунтазам ва комплекс ўрганишни ташкил этиш;

иқтисодиётдаги, шу жумладан маълумотларнинг тегишли базаларини яратиш ва уларни таҳлил қилиш асосида макроиқтисодий аҳволнинг ва таркибий сифат ўзгаришлари мониторингини тизимини яратиш;

Ҳукуматнинг давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари ҳамда Вазирлар Маҳкамаси Аппарати департаментлари томонидан тайёрланадиган муҳим иқтисодий, ижтимоий муаммолар, институционал ва таркибий ислохотлар бўйича мақсадли дастурлари ва қарорлари лойиҳаларини эксперт баҳолаш;

макроиқтисодий барқарорликни, иқтисодий ўсишнинг юкори суръатларини, мамлакат аҳолисини иш билан банд этиш ва уларнинг турмуш даражасини оширишни таъминлашнинг стратегик вазифаларини бажаришга йўналтирилган иқтисодий, ижтимоий ва таркибий сиёсатнинг самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

мақолалар, оммавий ахборот воситалари орқали жамоатчиликни макроиқтисодий ва ижтимоий вазият тўғрисида хабардор қилиш мақсадида ахборот-таҳлилий материалларни тайёрлашни ва тарқатишни, халқаро молия ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар билан биргаликдаги ишларни ташкил этиш;

давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари томонидан материал ва қиймат балансларини ишлаб чиқишни мувофиқлаштириш; Вазирлар Маҳкамасининг тармоқ департаментлари томонидан тақдим этиладиган уларнинг тасарруфларидаги тармоқлар бўйича иқтисодиёт тармоқларида банд бўлган аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўйича келишилган мониторинг кўрсаткичларини умумлаштириш;

*б) ҳудудларни ривожлантириш соҳасида:*

марказий иқтисодиёт идораларини ва уларнинг ҳудудий бўлинмаларини, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларини жалб этган ҳолда мамлакат минтақаларида иқтисодий, ижтимоий, таркибий ва маъмурий ислохотларнинг амалга оширилишини мунтазам ва комплекс ўрганишни ташкил этиш;

минтақаларда, шу жумладан маълумотларнинг тегишли базаларини яратиш ва уларни таҳлил қилиш асосида макроиқтисодий аҳволнинг, ижтимоий вазиятнинг, ижтимоий муҳофазанинг, аҳолини иш билан таъминлашнинг ва таркибий иқтисодий ислохотлар мониторингини олиб бориш тизимини яратиш;

давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари ҳамда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан тайёрланадиган ҳудудларнинг муҳим иқтисодий ва ижтимоий муаммолари бўйича мақсадли ҳудудий дастурлари ва Ҳукумат қарорлари лойиҳаларини эксперт баҳолаш;

ҳар бир минтақада аҳолини иш билан банд этиш, уларнинг даромадларини кўпайтириш ва турмуш даражасини оширишни таъминлашга йўналтирилган иқтисодий, ижтимоий ва таркибий сиёсатнинг самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

*в) ташқи иқтисодий алоқалар соҳасида:*

Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлар, халқаро иқтисодиёт ва молия ташкилотлари билан ташқи иқтисодий алоқаларини ривожлантиришни мувофиқлаштириш;

давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг экспорт ҳажмларини янада кўпайтириш, унинг таркибини такомиллаштириш ва жуғрофиясини кенгайтириш, ташқи савдо балансини мақбуллаштириш бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш;

товарлар (ишлар, хизматлар) экспортининг ҳар йилги прогнозини, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурларини шакллантиришни ва уларнинг бажарилишини таъминлашни мувофиқлаштириш;

Марказий Осиё, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари ва Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, шунингдек минтақавий иқтисодий ташкилотлар билан икки томонлама ва кўп томонлама ҳамкорлик доирасида давлатлараро иқтисодий муносабатларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирлари амалга оширилишини мувофиқлаштириш;

ташқи иқтисодий алоқалар соҳасида норматив-ҳуқуқий ҳамда шартномавий-ҳуқуқий базани янада ривожлантириш ва такомиллаштириш ишларини мувофиқлаштириш.

9. Йиғма департамент ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

мамлакатни ва минтақаларни макроиқтисодий ҳамда ижтимоий ривожлантириш, таркибий ислохотларни амалга ошириш, ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш масалалари бўйича маълумотлар тизимлаштирилган базасининг яратилишини, юритилишини ва мунтазам янгилаб борилишини таъминлайди;

ўзи мутасаддилик қиладиган соҳага қирадиган масалалар бўйича ахборотларни умумлаштиради ва таҳлил қилади, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, Бош вазирнинг тегишли ўринбосари учун, шунингдек уларни Вазирлар Маҳкамаси томонидан кўриб чиқиш учун тегишли маълумотномалар, таҳлилий материаллар ва таклифлар тайёрлайди;

минтақаларда ишларнинг иқтисодий ва ижтимоий аҳволини, иқтисодий, таркибий ва маъмурий ислохотлар, ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ҳукуматнинг қарорлари бажарилишини, шу жумладан жойига борган ҳолда, ўрганади, ўрганиш натижалари бўйича Вазирлар Маҳкамаси раҳбариятига ахборот бериш учун тегишли таҳлилий материаллар ва таклифлар тайёрлайди;

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари, Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбарининг топшириқлари ижросини назорат қилади;

Вазирлар Маҳкамасига киритилган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари ҳамда бошқа ҳужжатлар лойиҳалари экспертизасини амалга оширади ва уларни ишлаб чиқади ҳамда улар юзасидан зарур таҳлилий ва маълумотнома материаллар тайёрлайди;

Вазирлар Маҳкамасининг республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари бўйича мажлисларини тайёрлаш билан боғлиқ материалларни ишлаб чиқиш ва қарорларни расмийлаштиришда қатнашади, шунингдек мазкур материаллар тўғрисида Бош вазирнинг тегишли ўринбосарига, Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбарига ахборот беради, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли мажлис қарорларининг бажарилиши устидан назоратни таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, унинг тегишли ўринбосари томонидан ўтказиладиган йиғилишларга материаллар тайёрлашда ва уларда қабул қилинадиган қарорларни расмийлаштиришда қатнашади;

материалларнинг комплекслиги ҳамда уларни ишлаб чиқиш ва тайёрлашнинг сифати, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари топшириқлари лойиҳаларининг давлат ва хўжалик бошқарувининг манфаатдор органлари, Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг бошқа таркибий бўлинмалари билан келишилиши учун жавоб беради; Йиғма департамент ваколатига кирувчи масалалар бўйича қонун лойиҳалари ишлаб чиқилишини ва

белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига тақдим этилишини ташкил этади;

ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ мутасаддилик қилинадиган давлат ва хўжалик бошқаруви органлари фаолиятини, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳузуридаги ахборот-таҳлил бошқармаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги ахборот-таҳлил гуруҳлари фаолиятини мувофиқлаштиради;

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг тегишли ўринбосари бошчилик қиладиган тегишли ҳукумат комиссиялари ва идоралараро комиссиялар, кенгашлар ва ташкилий қўмиталар иши самарадорлигини таъминлайди, улар томонидан қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини мувофиқлаштиради ва назорат қилади;

фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқади ва уларда қўйилган масалаларни ҳал этиш бўйича таклифлар тайёрлайди, кўриб чиқиш ва чора-тадбирлар кўриш учун ушбу мурожаатларни давлат ва хўжалик бошқаруви тегишли органларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига юборади, уларнинг ўз вақтида кўриб чиқилишини назорат қилади, фуқароларни шахсан қабул қилишни амалга оширади;

аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишни кучайтириш бўйича мақсадли дастурларнинг, мазкур масала бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунларининг, Президент фармонлари, қарорлари ва фармойишларининг, Ҳукумат қарорларининг амалга оширилишини уйғунлаштириш ва натижаларини умумлаштиришни таъминлайди; аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишни такомиллаштиришга йўналтирилган механизмларни ишлаб чиқиш бўйича таклифларни умумлаштиради; фуқароларнинг пенсия таъминоти, ёрдамга муҳтож оилаларни ва аҳолининг айрим қатламларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, аҳолини иш билан таъминлаш ҳамда ишсизларни ижтимоий муҳофаза қилиш бўйича ахборот-таҳлилий материалларни республика минтақалари, шунингдек иқтисодиёт соҳалари бўйича умумлаштиради;

ўзига юкланган бошқа функцияларни белгиланган тартибда амалга оширади.

### III. Йиғма департаментнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

10. Йиғма департамент ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Вазирлар Маҳкамасида кўриб чиқиладиган масалаларни таҳлил қилиш ва тайёрлаш учун зарур бўлган материаллар ва маълумотларни Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг бошқа таркибий бўлинмаларидан, давлат ва хўжалик бошқаруви органларидан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан, бошқа органлар ва ташкилотлардан белгиланган тартибда олиш ва сўраш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ахборот-таҳлилий ва прогнозлаш фаолиятини, Вазирлар Маҳкамаси департаментларининг макроиқтисодий ривожлантириш, ижтимоий, таркибий ва институционал ислохотлар, иқтисодиёт тармоқларини, секторларини ва минтақаларни иқтисодий ривожлантириш стратегияси ва дастурларини ишлаб чиқиш, шунингдек ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш масалалари бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар раҳбарлари ҳамда вакиллари иштирокида йиғилишлар ўтказиш;

марказий иқтисодиёт органлари, уларнинг илмий-тадқиқот марказлари ва институтлари ходимларини, маҳаллий ва хорижий экспертларни жалб этган ҳолда ах-

борот ва таҳлилий тадқиқотлар ўтказиш учун вақтинчалик эксперт таҳлил гуруҳлари ташкил этиш;

халқаро конференциялар, конгресслар, симпозиумлар, семинарлар ва кенгашлар ишида, шунингдек иқтисодий, ижтимоий, институционал ва таркибий ислохотлар, ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш муаммоларининг ахборот-таҳлилий тадқиқотлари бўйича халқаро лойиҳаларда қатнашиш;

Ўзбекистон Республикаси вазирликлари ва идоралари, шунингдек халқаро, хорижий, молия ва иқтисодиёт ташкилотлари, хорижий ҳукумат муассасалари билан ташқи иқтисодий ҳамкорлик масалалари бўйича мустақил ёзишмаларни юриштиш;

мутасаддилик қилинадиган вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар, хўжалик бошқаруви органларининг коллегиал органлари мажлисларида, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг, Бош вазир тегишли ўринбосарининг топшириғига биноан эса давлат бошқа органларининг, нодавлат нотижорат ва бошқа ташкилотларнинг Ўйғма департамент тасарруфидаги соҳага кирувчи масалалар бўйича ўтказиладиган мажлисларида ва йиғилишларида қатнашиш;

хорижий давлатлар ҳукуматлари, халқаро хорижий молия ва иқтисодиёт ташкилотлари, ноҳукумат ташкилотлар, хорижий фирмалар ва компаниялар вакиллари билан ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш масалалари бўйича музокаралар ўтказиш ва уларда қатнашиш;

зарурат бўлганда Вазирлар Маҳкамасида кўриб чиқиладиган масалаларни ишлаб чиқиш учун давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, илмий муассасалар ва бошқа ташкилотларнинг раҳбарлари ва вакилларини белгиланган тартибда жалб этиш;

зарурат бўлганда «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Иш тартиби талаблари бузилган ҳолда тушган ҳужжатларни қайтариб юбориш.

Ўйғма департаментнинг зарур материаллар, маълумотларни тақдим этиш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини пухта ишлаб чиқиш бўйича талаблари, агар Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг, унинг ўринбосарларининг ва Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбарининг топшириқларида бошқа бажариш муддатлари белгиланмаган бўлса, Ўйғма департамент белгилаган муддатларда бажарилиши керак.

#### 11. Ўйғма департамент:

ўзига юкланган вазифаларнинг зарур даражада ва самарали бажарилиши учун;

Вазирлар Маҳкамасига киритилган таклифлар ва масалаларни эксперт жиҳатидан сифатли ишлаб чиқишнинг ташкил этилиши учун;

Ўзбекистон Республикаси қонунларининг, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари ва бошқа ҳужжатларининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларининг, Ҳукумат қарорлари, фармойишларининг, Вазирлар Маҳкамаси раҳбарияти топшириқларининг мутасаддилик қилинадиган идоралар томонидан ўз вақтида ва сифатли бажарилиши таъминланиши учун;

Вазирлар Маҳкамасининг «Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 1999 йил 12 январдаги 12-сон қарорига мувофиқ ижро интизومي таъминланиши учун жавоб беради.



#### IV. Йиғма департаментнинг тузилмаси

12. Йиғма департаментнинг тузилмасига Йиғма департамент мудир, Йиғма департамент мудирининг макроиқтисодий ривожлантириш ва ислох қилиш масалалари бўйича ўринбосари, Йиғма департамент мудирининг ҳудудларни ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари, Йиғма департамент мудирининг ташқи иқтисодий алоқалар масалалари бўйича ўринбосари, макроиқтисодий ривожлантириш ва ислох қилиш, ҳудудларни, ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш масалалари бўйича бош ва етакчи мутахассислар, етакчи мутахассис (юрист), шунингдек инспектор қиради.

Йиғма департамент тузилмаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

13. Йиғма департамент ишларига мудир раҳбарлик қилади.

14. Йиғма департамент мудир, мудир ўринбосарлари ва мутахассислари белгиланган тартибда лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

#### V. Йиғма департамент фаолиятини ташкил этиш

15. Йиғма департамент ишлари «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Вазирлар Маҳкамасининг Иш тартибига, ушбу Низомга, Вазирлар Маҳкамаси Аппаратида иш юритиш бўйича йўриқномага, Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг, унинг тегишли ўринбосарининг топшириқларига, Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбарининг буйруқлари ва топшириқларига мувофиқ, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг иш режалари, Йиғма департаментнинг чораклик иш режалари, мудир, унинг ўринбосарлари ва мутахассисларнинг шахсий иш режалари асосида ташкил этилади. Йиғма департаментнинг чораклик иш режалари, мудирнинг ва унинг ўринбосарлари шахсий иш режалари Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбари билан келишилади ва Бош вазирнинг тегишли ўринбосари томонидан тасдиқланади.

Мутахассисларнинг шахсий иш режалари Бош вазирнинг тегишли ўринбосари билан келишилади ва Йиғма департамент мудир томонидан тасдиқланади.

16. Йиғма департамент мудир:

Йиғма департаментга бевосита раҳбарликни амалга оширади, ўз ўринбосарлари, мутахассислар ишларини ташкил қилади ҳамда Йиғма департаментга юкланган вазифалар, функцияларнинг бажарилиши ва ижро интизомининг аҳволи учун шахсан жавоб беради;

Вазирлар Маҳкамасига киритилган Йиғма департамент мутасаддилик қиладиган соҳага кирувчи масалалар бўйича ҳужжатлар лойиҳаларини ва бошқа ҳужжатларни кўриб чиқади, мазкур лойиҳаларга розилик беради ҳамда улар юзасидан экспорт хулосаларни имзолайди;

Вазирлар Маҳкамасининг ва унинг Президиумининг мажлисларида, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, унинг ўринбосарлари ўтказадиган йиғилишларда, Ҳукумат комиссиялари ва идоралараро комиссиялар, кенгашлар ва ташкилий қўмиталар мажлисларида, Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбари томонидан Йиғма департамент мутасаддилик қиладиган соҳага кирувчи масалалар бўйича ўтказиладиган йиғилишларда қатнашади;

Вазирлар Маҳкамасига давлат ҳокимияти органларидан, бошқа органлар ва ташкилотлардан тушган, Вазирлар Маҳкамасининг қарорини талаб қилмайдиган

ҳужжатларни давлат ва ҳўжалик бошқаруви тегишли органларига кўриб чиқиш учун юборади;

ўз ўринбосарлари ва Йиғма департамент мутахассислари ўртасида вазифаларни тақсимлайди ва тасдиқлаш учун Бош вазирнинг тегишли ўринбосарига киритади;

Вазирлар Маҳкамаси Аппаратида амалда бўлган йўриқномага мувофиқ ишларнинг юритилишини таъминлайди;

чиқувчи хат-хабарларни имзолайди;

Йиғма департамент ишларини такомиллаштириш, мутахассисларнинг иш ва касб малакасини ошириш тадбирларини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

Йиғма департамент мудирининг ўринбосарлари ва мутахассисларининг лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш, уларнинг малакасини ошириш, уларни рағбатлантириш ҳамда уларга танбех бериш тўғрисидаги Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг Раҳбари билан келишилган таклифларни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тегишли ўринбосарига тақдим этади.

17. Йиғма департамент мудирининг вақтинчалик бўлмаган тақдирда унинг вазифасини Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тегишли ўринбосари томонидан белгиланадиган Йиғма департамент мудирининг ўринбосарларидан бири бажаради.

18. Йиғма департамент мудирининг ўринбосари:

тегишли мутахассисларга бевосита раҳбарлик қилади ҳамда ўзига биркитилган масалалар бўйича Йиғма департаментга юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши ва ўзига бўйсунувчи мутахассислар ижро интизомининг ахволи учун шахсан жавоб беради;

ўзига биркитилган масалалар бўйича материалларнинг ва ҳужжатлар лойиҳаларининг сифатли ва ўз вақтида тайёрланишини ташкил қилади, топшириқларнинг бажарилиши устидан назоратни таъминлайди;

тегишли масалалар бўйича туркумланган маълумотлар базаси яратилиши ва юритилиши, уларнинг мунтазам равишда янгилаб борилиши устидан назоратни амалга оширади;

материаллар тўғрисида Йиғма департамент мудирига, шунингдек белгиланган тартибда Бош вазирнинг тегишли ўринбосарига, Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбарига ахборот беради;

ислохотларни чуқурлаштириш, янада ривожлантириш, шунингдек тегишли соҳалардаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича таклифларнинг ишлаб чиқишлини ташкил қилади ва уларни Йиғма департамент мудирига тақдим этади;

Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Президиуми мажлисларида, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, унинг ўринбосарлари ўтказадиган йиғилишларда, Ҳукумат комиссиялари ҳамда идоралараро комиссиялар, кенгашлар ва ташкилий қўмиталар мажлисларида, ўзи мутасаддилик қиладиган соҳага қирадиган масалалар бўйича Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбари ўтказадиган йиғилишларда белгиланган тартибда қатнашади;

давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар раҳбарлари ва вакиллари, олимлар ва мутахассислар билан Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Президиуми мажлисларида, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари ўтказадиган йиғилишларда кўриб чиқишга материаллар тайёрлаш учун ўзига биркитилган масалалар бўйича йиғилишлар ўтказди, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонунларининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларининг, Ҳукумат қарорларининг лойиҳаларини уларни тайёрлаш мақсадида муҳокама қилади;

Йиғма департамент мудирини топширишига биноан чиқувчи хат-хабарларни имзолайди;

Йиғма департамент мудирини тегишли мутахассислар ўртасида вазифаларни тақсимлаш бўйича таклифлар киритади;

Йиғма департамент мудирини мутахассисларни лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш, уларнинг малакасини ошириш, уларни рағбатлантириш ҳамда уларга танбەх бериш тўғрисида таклифлар тақдим этади.

19. Йиғма департаментнинг бош мутахассиси:

ўзига биркитилган масалалар бўйича материалларни ва ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлайди, материалларнинг ўз вақтида тайёрланиши, сифатли ишлаб чиқиши ҳамда топшириқларнинг бажарилиши устидан назоратнинг таъминланиши учун шахсан жавоб беради;

ишлаб чиқиладиган қарорлар лойиҳаларини амалга оширишнинг ижтимоий-иқтисодий оқибатларини эксперт баҳолашни амалга оширади;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ва унинг ўринбосарларининг ўзига биркитилган масалалар бўйича топшириқлари бажарилишини назорат қилади; тегишли масалалар бўйича туркумланган маълумотлар базаси яратилишини ва юритилишини, унинг мунтазам равишда янгилаб борилишини ташкил қилади;

материаллар тўғрисида Йиғма департамент мудирини, унинг ўринбосарига, шунингдек белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тегишли ўринбосарига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбарига ахборот беради;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, бошқа ташкилотлар томонидан тақдим этилган материалларни ўрганаяди, ўзига биркитилган масалалар бўйича ахборотларни умумлаштиради, зарур таҳлилий материалларни, прогнозлар ва эксперт хулосаларни тайёрлайди;

ислохотларни чуқурлаштириш, янада ривожлантириш, шунингдек ўзига биркитилган масалалар бўйича мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан таклифларни ишлаб чиқади ва Йиғма департамент мудирини ўринбосарига тақдим этади;

ўзига биркитилган масалалар бўйича ўтказиладиган Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Президиуми мажлисларида, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирини ва унинг ўринбосарлари ўтказадиган йиғилишларда, Ҳукумат комиссиялари ва идоралараро комиссиялар ҳамда кенгашлар мажлисларида, Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбари ўтказадиган йиғилишларда белгиланган тартибда қатнашади;

Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Президиуми мажлисларида, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирини ва унинг ўринбосарлари ўтказадиган йиғилишларда кўриб чиқишга материаллар тайёрлаш учун, шунингдек тайёрланаётган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ҳукумат қарорлари лойиҳаларини уларни тайёрлаш мақсадида муҳокама қилиш учун ўзига биркитилган масалалар бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар вакиллари, олимлар ва мутахассислар билан йиғилишлар ўтказаяди; тегишли масалалар бўйича етакчи мутахассиснинг фаолиятини назорат қилади.

20. Йиғма департаментнинг етакчи мутахассиси:

материаллар ва ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлайди, Йиғма департамент му-

дири, унинг тегишли ўринбосари ва бош мутахассиснинг ўзига биркитилган масалалар бўйича топшириқларини бажаради, материалларнинг ўз вақтида тайёрланишини, сифатли ишлаб чиқилиши ҳамда топшириқларнинг бажарилиши устидан назоратнинг таъминланиши учун шахсан жавоб беради;

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарларининг ўзига биркитилган масалалар бўйича топшириқлари бажарилишининг ахволи тўғрисидаги ахборотларни тўплаш ва умумлаштиришни амалга оширади;

ўзига биркитилган соҳа бўйича туркумланган маълумотлар базасини шакллантиради, унинг тўлдирилишини ва мунтазам равишда янгилаб борилишини таъминлайди;

материалларни Йиғма департамент мудирига, унинг ўринбосарига ва бош мутахассисга, шунингдек белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тегишли ўринбосарига, Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбарига тақдим этади;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, бошқа ташкилотлар томонидан тақдим этилган материалларни ўрганади, ўзига биркитилган масалалар бўйича ахборотларни умумлаштиради, зарур маълумотномаларни ва таҳлилий материалларни тайёрлайди;

ўзига биркитилган масалалар бўйича ўтказиладиган Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Президиуми мажлисларида, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари ўтказадиган йиғилишларда, Ҳукумат комиссиялари ва идоралараро комиссиялар ҳамда кенгашлар мажлисларида, Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбари ўтказадиган йиғилишларда белгиланган тартибда қатнашади;

Йиғма департамент мудирининг ўринбосари ва бош мутахассис билан келишган ҳолда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар вакиллари, олимлар ва мутахассислар билан Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ҳукумат қарорларининг ишлаб чиқиладиган лойиҳаларини уларни тайёрлаш мақсадида муҳокама қилади.

21. Йиғма департаментнинг етакчи мутахассиси (юрист):

ташқи иқтисодий алоқалар соҳасида норматив ҳужжатлар лойиҳалари ишлаб чиқилиши, келишилишини ташкил этади, уларнинг амалдаги қонун ҳужжатларига ва Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларига мувофиқлигини юридик экспертизадан ўтказиши;

ташқи иқтисодий алоқалар соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа ҳужжатлар лойиҳалари бўйича юридик хулосаларни Йиғма департамент мудирининг ташқи иқтисодий алоқалар масалалари бўйича ўринбосарига ва Йиғма департамент мудирига кўриб чиқиш учун киритади;

ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантиришни ҳуқуқий таъминлайди;

ташқи иқтисодий фаолият тўғрисидаги қонун ҳужжатлари тўғри қўлланилишини таъминлашга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда қатнашади;

хорижий давлатлар ҳукуматлари, фирмалар, компаниялар ва ҳукуматга қаршли бўлмаган ташкилотлар, халқаро ташкилотларнинг вакиллари билан ташқи иқти-

содий алоқаларни ҳуқуқий таъминлаш масалалари бўйича олиб бориладиган музокараларда қатнашади;

ташқи иқтисодий фаолиятни ҳуқуқий таъминлаш масалалари бўйича мамлакатимиз юридик ва жисмоний шахслари ҳамда хорижий юридик ва жисмоний шахслар билан кенгашлар ва маслаҳатлашувларни белгиланган тартибда ташкил этади ва ўтказиши;

ташқи иқтисодий алоқалар соҳасида халқаро шартномаларни тайёрлаш жараёнини мувофиқлаштиришда қатнашади;

энг муҳим ташқи иқтисодий шартномалар (битимлар, контрактлар, протоколлар ва шу кабилар)ни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиши;

материалларнинг ишланиши сифати, топшириқлар бажарилиши назорат қилиниши таъминлаш ва ўзига юкланган функцияларнинг бажарилиши учун жавоб беради;

ўз ваколатига кирадиган масалалар бўйича қонун лойиҳалари ишлаб чиқилишини ва белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига тақдим этилишини ташкил қилади;

ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги қонун ҳужжатлари бўйича шарҳлар ва тушунтиришлар лойиҳаларини тайёрлайди.

22. Инспектор Йиғма департаментда иш юритишни амалга оширади, ҳужжатларнинг ўтишини назорат қилади, ҳужжатлар йиғмажилдларининг тайёрланишини ва архивда сақлашга ўз вақтида берилишини таъминлайди, ўзига юкланган бошқа функцияларни бажаради.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2005 йил 3 августдаги 183-сон қарорига  
2-ИЛОВА

**Қишлоқ ва сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда истеъмол товарлари масалалари ахборот-таҳлил департаменти тўғрисида  
НИЗОМ**

**І. Умумий қоидалар**

1. Қишлоқ ва сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда истеъмол товарлари масалалари ахборот-таҳлил департаменти (кейинги ўринларда Департамент деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 25 июлдаги ПҚ-131-сон қарорига мувофиқ ташкил этилган ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати Аппаратининг таркибий бўлинмаси ҳисобланади.

2. Департаментнинг фаолияти Вазирлар Маҳкамасини, унинг Президиумини, шунингдек Вазирлар Маҳкамаси Аппаратини қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш ва фермерликни ривожлантириш; сув хўжалиги ва сув хўжалиги қурилиши; ердан оқилона фойдаланиш ва атроф муҳит муҳофазаси; қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш тармоқларини ривожлантириш; енгил саноатни ривожлантириш, озиқ-овқат ҳамда ноозик-овқат истеъмол товарларини ишлаб чиқариш ва сотиш; савдо ва пулли хизматлар кўрсатиш соҳаси масалалари бўйича ахборот ва таҳлилий материаллар билан таъминлашга йўналтирилган.

3. Департамент ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари ва бошқа

ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, шунингдек мазкур Низомга амал қилади.

4. Департамент ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири раҳбарлигида амалга оширади.

Департамент ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирига, ташкилий масалалар ва ижро интизоми масалалари бўйича эса — Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбарига бўйсунди.

5. Департамент ўз фаолиятини Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг бошқа таркибий бўлинмалари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

## II. Департаментнинг вазифалари ва функциялари

6. Қуйидагилар Департаментнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

*а) қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш ва фермерликни ривожлантириш соҳасида:*

қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларнинг амалга оширилишини тизимли ва комплекс ўрганишни ташкил этиш;

фермерлик ҳаракати мониторингини таъминлаш ва унинг ривожланишини таҳлил этиш;

қишлоқда ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмаси объектлари шакллантирилиши мониторингини ташкил этиш;

қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари бажарилишини ташкил этиш;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг қисқа муддатли ва узоқ муддатли прогнозлари ва дастурлари ишлаб чиқилишини ташкил этиш;

аграр секторда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, шартнома муносабатлари негизидаги ижара муносабатлари ва хўжалик юритиш тизимларини кенг ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчисининг манфаатлари ишончли таъминланишига қаратилган иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиш ишларини мувофиқлаштириш;

қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши соҳасида хорижий мамлакатлар билан ҳамкорликни кенгайтириш бўйича чора-тадбирлар комплексини ташкил этиш, аграр секторга хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш учун норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

аграр секторда монополиядан чиқариш жараёнларини чуқурлаштириш, рақобат учун шарт-шароитлар яратишга доир таклифлар ишлаб чиқиш;

қишлоқ хўжалигини бошқариш тизимини такомиллаштириш, замонавий агротехнологияларни ва қишлоқ хўжалиги экинларини навлар бўйича жойлаштириш ишларини ташкил этиш;

селекция ва уруғчилик, наслчилик ишлари, ветеринария, ўсимликлар карантини, чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик маҳсулотлари хавфсизлиги соҳасида давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлаш;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни молиялаштириш тизимини такомиллаштиришни таҳлил қилиш ва унга доир таклифлар тайёрлаш;

бозор принциплари ва механизмлари асосида қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига хизмат кўрсатувчи тармоқлар, бўғинлар ва тузилмаларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш;

*б) сув хўжалиги ва сув хўжалиги қурилиши соҳасида:*

сув хўжалиги комплексида ислохотларнинг амалга оширилишини тизимли ва комплекс ўрганишни ташкил этиш;

сув хўжалигида иқтисодий ислохотлар мониторингини таъминлаш ва уларнинг амалга оширилишини таҳлил қилиш, сув хўжалигини бошқариш шакллари, усуллари ва тузилмасини такомиллаштиришга доир таклифлар ишлаб чиқиш;

сув хўжалиги ва сув хўжалиги қурилиши масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари бажарилишини ташкил этиш;

илгаридан суғориб келинаётган ерларнинг мелиоратив ҳолатини таҳлил қилиш ва уни яхшилаш ҳамда янги ерлар ўзлаштиришга йўналтирилган таклифлар тайёрлаш;

сув хўжалиги тизими фаолияти масалаларида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа органлар ва ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш;

ирригация тизимларини бошқаришнинг ҳавза принципини ва барча даражаларда сувдан фойдаланишнинг бозор принципларини жорий этиш асосида сув ресурсларини давлат томонидан бошқариш бўйича комплекс чора-тадбирларни ташкил этиш;

*в) ердан оқилона фойдаланиш ва атроф муҳит муҳофазаси соҳасида:*

ердан фойдаланиш ва атроф муҳит муҳофазаси соҳасида ислохотлар амалга оширилишини тизимли ва комплекс ўрганишни ташкил этиш;

ер ресурслари, экологик вазият мониторингини таъминлаш ва ер ресурсларидан оқилона фойдаланилишини таҳлил қилиш, табиатни муҳофаза қилиш ишларини ташкил этиш;

ердан оқилона фойдаланиш ва атроф муҳит муҳофазаси бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари бажарилишини ташкил этиш;

ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва ер муносабатларини тартибга солиш бўйича давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлаш, ер тузиш ва ер мониторинги, тупроқни сақлаш, унинг унумдорлигини ошириш ва тиклашни ташкил этиш, ердан фойдаланишда бозор принциплари ва механизмларини кенг жорий этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

атроф муҳит муҳофазаси соҳасида давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлаш, атроф муҳит муҳофазасининг норматив ва ахборот базасини янгилаш ва такомиллаштириш ишларини ташкил этиш,

давлат ер кадастри, давлат картография-геодезия кадастри, бинолар ва иншоотларнинг давлат кадастри, шунингдек Давлат кадастрларининг ягона тизимини жорий этиш ишларини мувофиқлаштириш;

ер ресурслари ва бошқа табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, республикада экологик вазиятни яхшилаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш ишларини мувофиқлаштириш;

ўрмонлардан фойдаланиш, уларни қўриқлаш ва муҳофаза қилиш, ўрмон хўжали-

гини ривожлантириш масалаларини таҳлил қилиш ва улар бўйича таклифлар тайёрлаш;

*г) қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш тармоқларини ривожлантириш соҳасида:*

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш тармоқларида ислохотлар амалга оширилишини тизимли ва комплекс ўрганишни ташкил этиш;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари фаолияти, шунингдек уларнинг ривожланиши мониторинги олиб борилишини ва таҳлил қилишини таъминлаш;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш тармоқларида бошқарув тизимини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш, бозор принциплари ва механизмларини кенг жорий этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарида замонавий технологияларни жорий этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарининг экспорт салоҳиятини ривожлантириш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

*д) енгил саноатни ривожлантириш соҳасида:*

енгил саноат товарлари ишлаб чиқариш соҳасида иқтисодий ислохотлар амалга оширилишини тизимли ва комплекс ўрганишни ташкил этиш;

енгил саноат товарлари билан тўлдириш, енгил саноат товарлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва унинг истеъмоли сифат ўзгаришлари ва тенденцияларини баҳолаш масалалари бўйича мониторинг олиб борилишини таъминлаш ва ички истеъмол бозорини таҳлил қилиш;

енгил саноат товарлари ишлаб чиқариш ва сотиш соҳасида ислохотларни чуқурлаштириш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари бажарилишини ташкил этиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг енгил саноат товарлари ишлаб чиқариш ва сотиш масалалари бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш;

иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ва енгил саноатни ривожлантириш бўйича вазифалар комплекс ҳал этилишини ташкил этиш;

енгил саноат товарлари ишлаб чиқариш ва сотиш соҳасида бошқарув тузилмасини такомиллаштириш, тармоққа чет эл инвестициялари ва технологияларини жалб этиш учун шарт-шароитлар яратиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

жаҳон стандартларига жавоб берадиган енгил саноат товарлари ишлаб чиқариш, тармоқ корхоналарининг экспорт салоҳиятини ривожлантириш, импортнинг ўрнини тўлдирадиган товарлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

*е) озиқ-овқат товарларини ишлаб чиқариш ва сотиш соҳасида:*

озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқариш соҳасида ислохотларнинг амалга оширилишини тизимли ва комплекс ўрганишни ташкил этиш, ички истеъмол бозорини озиқ-овқат товарлари билан тўлдириш масалалари мониторингини таъминлаш ҳамда таҳлил этиш, озиқ-овқат товарларини ишлаб чиқариш ва истеъмол қилишдаги сифат ўзгаришларини ва уни ривожлантириш тенденцияларини баҳолаш;

озиқ-овқат товарларини ишлаб чиқариш ва сотиш соҳасида ислохотларни чуқурлаштириш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунларини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларини, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини бажаришни ташкил этиш;



давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг озиқ-овқат товарларини ишлаб чиқариш ва сотиш масалалари бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш;

иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ва озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқариш соҳасини ривожлантиришга доир вазифаларнинг комплекс ҳал этилишини ташкил қилиш;

озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқариш ва сотиш соҳасида бошқарув тузилмасини такомиллаштириш, тармоққа хорижий инвестициялар ва технологияларни жалб этиш учун шарт-шароитлар яратиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

озиқ-овқат маҳсулотлари сифати ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича ишларни мувофиқлаштириш;

жаҳон стандартларига жавоб берадиган озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, тармоқ корхоналарининг экспорт салоҳиятини ривожлантириш, импорт ўрнини тўлдирадиган товарлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

*ж) ноозик-овқат истеъмол товарларини ишлаб чиқариш ва сотиш соҳасида:*

ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш соҳасида ислохотларнинг амалга оширилишини тизимли ва комплекс ўрганишни ташкил этиш;

ички истеъмол бозорини ноозик-овқат товарлари билан тўлдириш масалалари мониторингини таъминлаш ҳамда таҳлил этиш, ноозик-овқат товарларини ишлаб чиқариш ва истеъмол қилишдаги сифат ўзгаришларини ва уни ривожлантириш тенденцияларини баҳолаш;

ноозик-овқат истеъмол товарларини ишлаб чиқариш ва сотиш соҳасида ислохотларни чуқурлаштириш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунларини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларини, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини бажаришни ташкил қилиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ноозик-овқат товарларини ишлаб чиқариш ва сотиш масалалари бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш;

иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ва ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш соҳасини ривожлантиришга доир вазифаларнинг комплекс ҳал этилишини ташкил қилиш;

ноозик-овқат товарларини ишлаб чиқариш ва сотиш соҳасида бошқарув тузилмасини такомиллаштириш, тармоққа хорижий инвестициялар ва технологияларни жалб этиш учун шарт-шароитлар яратиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

жаҳон стандартларига жавоб берадиган ноозик-овқат товарлари ишлаб чиқариш, тармоқ корхоналарининг экспорт салоҳиятини ривожлантириш, импорт ўрнини тўлдирадиган товарлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

*з) савдо ва пулли хизматларни ривожлантириш соҳасида:*

савдо ва пулли хизматлар кўрсатиш соҳасида ислохотларнинг амалга оширилишини тизимли ва комплекс ўрганишни ташкил этиш;

савдо ва пулли хизматлар кўрсатиш соҳаси фаолияти мониторингини таъминлаш ҳамда таҳлил этиш, савдо ва пулли хизмат кўрсатиш соҳасидаги сифат ўзгаришларини ва уни ривожлантириш тенденцияларини баҳолаш;

савдо ва пулли хизматлар кўрсатиш соҳасида ислохотларни чуқурлаштириш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунларини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларини, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини бажаришни ташкил этиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг савдо ва пулли хизматлар кўрсатиш масалалари бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш;

бозорлар фаолиятини, ярмаркалар ва кўргазмаларнинг истеъмол товарлари, аҳолини истеъмол товарлари ва пулли хизматлар билан таъминлаш бўйича маркетинг тадқиқотлари борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш;

чакана ва улгуржи савдоларни, пулли хизматлар кўрсатиш соҳасини ташкил этиш тизимини такомиллаштириш, савдо ва хизматлар кўрсатишни ташкил этишнинг янги шакллари ва методларини кенг жорий этиш, хусусий ва кичик тадбиркорликни ривожлантириш, шунингдек савдо ва хизматлар кўрсатишнинг норматив-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

савдо ва пулли хизматлар кўрсатиш соҳаси учун кадрлар тайёрлашни ташкил этиш тизимини ўрганиш ва таҳлил қилиш, мазкур соҳаларни малакали кадрлар билан таъминлаш бўйича таклифлар тайёрлаш.

7. Департамент ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

ўз ваколатига кирадиган масалалар бўйича ахборотларни тўплайди ва умумлаштиради;

иқтисодиётнинг тегишли тармоқларида ва ҳудудларда ишларнинг аҳволини ўрганади ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари учун тегишли материалларни тайёрлайди;

тегишли тармоқлар ривожланиши, ислохотларни чуқурлаштириш дастурлари, шунингдек тегишли тармоқлар ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни кучайтириш ва янада такомиллаштириш дастурлари шакллантирилиши ва амалга оширилиши устидан мониторинг олиб боради;

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари, Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбарининг топшириқлари ижросини назорат қилади;

тегишли тармоқлар бўйича тизимлаштирилган маълумотлар базаси яратилиши ва юритилишини, уларнинг мунтазам равишда янгиланишини таъминлайди;

Вазирлар Маҳкамасининг кўриб чиқиши учун таҳлилий, маълумотнома материаллар ва бошқа материалларни, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари топшириқлари лойиҳаларини тайёрлайди;

Вазирлар Маҳкамасига киритилган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари ҳамда бошқа ҳужжатлар, шу жумладан аҳолининг ижтимоий муҳофазаланганлигини кучайтириш бўйича мақсадли дастурлар лойиҳалари экспертизасини амалга оширади ва уларни ишлаб чиқади, улар юзасидан зарур таҳлилий ва маълумотнома материаллар тайёрлайди;

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари томонидан ўтказиладиган йиғилишларга материаллар тайёрлашда ва уларда қабул қилинадиган қарорларни расмийлаштиришда қатнашади;

материалларнинг комплекслиги ҳамда уларни ишлаб чиқиш ва тайёрлашнинг сифати, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарларининг топшириқлари лойиҳаларининг давлат ва хўжалик бошқаруви тегишли органлари,

Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг бошқа таркибий бўлинмалари билан келишилиши учун жавоб беради;

Департамент ваколатига кирувчи масалалар бўйича қонун лойиҳалари ишлаб чиқилишини ва уларнинг белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига тақдим этилишини ташкил қилади;

ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ давлат ва хўжалик бошқарувининг мутасаддилик қилинадиган органлари фаолиятини мувофиқлаштиради;

ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича ҳукуматлараро битимларни тайёрлашда қатнашади;

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари бошчилик қиладиган тегишли Ҳукумат комиссиялари ва идоралараро комиссиялар, кенгашлар ва ташкилий қўмиталар иши самарадорлигини таъминлайди, улар томонидан қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини мувофиқлаштиради ва назорат қиладди;

фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқади ва уларда қўйилган масалаларни ҳал этиш бўйича таклифлар тайёрлайди, кўриб чиқиш ва чора-тадбирлар кўриш учун ушбу мурожаатларни тегишли давлат ва хўжалик бошқаруви органларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига юборади, уларнинг ўз вақтида кўриб чиқилишини назорат қиладди, кўрсатиб ўтилган мурожаатлар билан ахборот-таҳлил ишларини амалга оширади, фуқароларни қабул қилишни амалга оширади;

ўзига юкланган бошқа функцияларни белгиланган тартибда амалга оширади.

### III. Департаментнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

8. Департамент ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Вазирлар Маҳкамасида кўриб чиқиладиган масалаларни таҳлил қилиш ва тайёрлаш учун зарур бўлган материаллар ва маълумотларни Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг бошқа таркибий бўлинмаларидан, давлат ва хўжалик бошқаруви органларидан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан, бошқа органлар ва ташкилотлардан белгиланган тартибда олиш ва сўраш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар раҳбарлари ҳамда вакиллари иштирокида йиғилишлар ўтказиш;

мутасаддилик қилинадиган вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар, хўжалик бошқаруви органларининг коллегиал органлари мажлисларида, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг топшириғига биноан эса — давлат бошқа органларининг, нодавлат нотижорат ва бошқа ташкилотларнинг Департамент ваколатига кирувчи масалалар бўйича ўтказиладиган мажлислари ва йиғилишларида қатнашиш;

зарурат бўлганда Вазирлар Маҳкамасида кўриб чиқиладиган масалаларни ишлаб чиқиш учун давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, илмий муассасалар ва бошқа ташкилотларнинг раҳбарлари ва вакилларини белгиланган тартибда жалб этиш, тегишли масалалар бўйича вақтинчалик ишчи гуруҳлар ташкил этиш;

зарурат бўлганда «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва Вазирлар Маҳкамасининг Иш тартиби таълаблари бузилган ҳолда тушган ҳужжатларни қайтариб юбориш.

Департаментнинг зарур материаллар, маълумотларни тақдим этиш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини пухта ишлаб чиқиш бўйича талаблари, агар Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг, унинг ўринбосарларининг ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбарининг топшириқларида бошқа бажариш муддатлари белгиланмаган бўлса, Департамент белгилаган муддатларда бажарилиши керак.

9. Департамент:

ўзига юкланган вазифаларнинг зарур даражада ва самарали бажарилиши учун;

Вазирлар Маҳкамасига киритилган таклифлар ва масалаларни эксперт жиҳатидан сифатли ишлаб чиқишнинг ташкил этилиши учун;

Ўзбекистон Республикаси қонунларининг, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари ва бошқа ҳужжатларининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларининг, Ҳукумат қарорлари, фармойишларининг, Вазирлар Маҳкамаси раҳбарияти топшириқларининг мутасаддилик қилинадиган идоралар томонидан ўз вақтида ва сифатли бажарилиши таъминланиши учун;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 1999 йил 12 январдаги 12-сон қарорига мувофиқ ижро интизومي мустаҳкамланиши учун жавоб беради.

#### **IV. Департаментнинг тузилмаси**

10. Департаментнинг тузилмасига Департамент мудир, Департамент мудирининг ўринбосари, қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш ва фермерликни ривожлантириш; сув хўжалиги ва сув хўжалиги қурилиши; ердан оқилона фойдаланиш ва атроф муҳит муҳофазаси; қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш тармоқларини ривожлантириш; енгил саноатни ривожлантириш, озик-овқат товарлари ишлаб чиқариш ва сотиш, ноозик-овқат товарлари ишлаб чиқариш ва сотиш, савдо ва пулли хизматлар кўрсатишни ривожлантириш масалалари бўйича бош ва етакчи мутахассислар, шунингдек инспектор қиради.

Департамент тузилмаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

11. Департамент ишларига мудир раҳбарлик қилади.

12. Департамент мудир, мудир ўринбосари ва мутахассислари белгиланган тартибда лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

#### **V. Департамент фаолиятини ташкил этиш**

13. Департамент ишлари «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Иш тартибига, ушбу Низомга, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппаратида иш юритиш бўйича йўриқномага, Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг, унинг ўринбосарларининг топшириқларига, Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбарининг буйруқлари ва топшириқларига мувофиқ, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг иш режалари, Департаментнинг чораклик иш режалари, мудир, унинг ўринбосари ва мутахассисларнинг шахсий иш режалари асосида ташкил этилади.

Департаментнинг чораклик иш режалари, мудир ва унинг ўринбосарининг

шахсий иш режаси Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбари билан келишилади ва Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири томонидан тасдиқланади.

Мутахассисларнинг шахсий иш режалари Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири билан келишилади ва Департамент мудирининг томонидан тасдиқланади.

14. Департамент мудирининг:

Департаментга бевосита раҳбарликни амалга оширади, мутахассислар ишларини ташкил қилади ҳамда Департаментга юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши ва ижро интизомининг ахволи учун шахсан жавоб беради;

Вазирлар Маҳкамасига киритилган Департамент мутасаддилик қиладиган соҳага тегишли масалалар бўйича ҳужжатлар лойиҳаларини ва бошқа ҳужжатларни кўриб чиқади, мазкур лойиҳаларга розилик беради ҳамда улар юзасидан эксперт хулосаларни имзолайди;

Вазирлар Маҳкамасининг ва унинг Президиумининг мажлисларида, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, унинг ўринбосарлари ўтказадиган йиғилишларда, Ҳукумат комиссиялари ва идоралараро комиссиялар, кенгашлар ва ташкилий қўмиталар мажлисларида, Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбари томонидан Департамент мутасаддилик қиладиган соҳага кирувчи масалалар бўйича ўтказиладиган йиғилишларда қатнашади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига давлат ҳокимияти органларидан, бошқа органлар ва ташкилотлардан тушган, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорини талаб қилмайдиган ҳужжатларни давлат ва ҳўжалик бошқаруви тегишли органларига кўриб чиқиш учун юборади;

Департамент мудирининг ўринбосари ва мутахассислари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

Вазирлар Маҳкамаси Аппаратида амалда бўлган Йўриқномага мувофиқ ишларнинг юритилишини таъминлайди;

Департаментдан чиқувчи хат-хабарларни имзолайди;

Департамент ишларини такомиллаштириш, ходимларнинг иш малакасини ошириш тадбирларини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

Департамент мутахассисларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш, уларнинг малакасини ошириш, уларни рағбатлантириш ҳамда уларга танбех бериш тўғрисидаги Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбари билан келишилган таклифларни Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирига тақдим этади.

15. Департамент мудирининг вақтинчалик бўлмаган тақдирда унинг вазифасини Департамент мудирининг ўринбосари ёки Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири томонидан белгиланадиган Департаментнинг бош мутахассисларидан бири бажаради.

16. Департамент мудирининг ўринбосари:

тегишли мутахассисларга бевосита раҳбарликни амалга оширади ҳамда енгил саноатни ривожлантириш, озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва пулли хизматлар соҳасини ривожлантириш бўйича Департаментга юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

ўзига биркитилган масалалар бўйича материаллар ва ҳужжатлар лойиҳаларининг сифатли ва ўз вақтида тайёрланишини ташкил этади, топшириқларнинг бажарилиши устидан назоратни таъминлайди;

тегишли тармоқлар бўйича маълумотларнинг турқумланган базаси яратилишини ва юритилишини, уларнинг мунтазам равишда янгилаб борилишини назорат қилади;

материаллар тўғрисида Департамент мудирига, шунингдек белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирига, унинг ўринбосарларига, Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг Раҳбарига ахборот беради;

ислохотларни чуқурлаштириш, янада ривожлантириш, шунингдек енгил саноатни, озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ва сотишни, савдо ва пулли хизмат соҳасини ривожлантириш масалалари бўйича мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади ва Департамент мудирига тақдим этади;

ўзи юритадиган соҳага кирадиган масалалар бўйича ўтказиладиган Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Президиуми мажлисларида, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари ўтказадиган йиғилишларда, Ҳукумат комиссиялари ва идоралараро комиссиялар ҳамда кенгашлар мажлисларида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг Раҳбари ўтказадиган йиғилишларда белгиланган тартибда қатнашади;

Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Президиуми мажлисларида, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари ўтказадиган йиғилишларда кўриб чиқишга материаллар тайёрлаш учун, шунингдек тайёрланаётган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ҳукумат қарорлари лойиҳаларини уларни тайёрлаш мақсадида муҳокама қилиш учун ўзига биркитилган масалалар бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар раҳбарлари ва вакиллари, олимлар ва мутахассислар билан йиғилишлар ўтказида;

Департамент мудирининг топшириғига кўра чиқувчи хат-хабарларни имзолайди; Департамент мудирига тегишли мутахассислар ўртасида вазифаларни тақсимлаш бўйича таклифлар киритади;

Департамент мудирига мутахассисларни лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш, уларнинг малакасини ошириш, уларни рағбатлантириш ҳамда уларга танбех бериш тўғрисида таклифлар тақдим этади.

#### 17. Департаментнинг бош мутахассиси:

ўзига биркитилган масалалар бўйича материалларни ва ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлайди, материалларнинг ўз вақтида тайёрланиши, сифатли ишлаб чиқиши ҳамда топшириқларнинг бажарилиши устидан назоратнинг таъминланиши учун шахсан жавоб беради;

ишлаб чиқиладиган қарорлар лойиҳаларини амалга оширишнинг ижтимоий-иқтисодий оқибатларини эксперт баҳолашни амалга оширади;

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарларининг ўзига биркитилган масалалар бўйича топшириқларининг давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан бажарилишини назорат қилади;

тегишли тармоқ бўйича маълумотларнинг туркумланган базаси яратилишини ва юритилишини, унинг мунтазам равишда янгилаб борилишини ташкил қилади;

материаллар тўғрисида Департамент мудирига, унинг ўринбосарига, шунингдек белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирига ва унинг ўринбосарларига, Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг Раҳбарига ахборот беради;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, бошқа ташкилотлар томонидан тақдим этилган материалларни ўрганади, ўзига биркитилган масалалар бўйича ахборотларни умумлаштиради, зарур таҳлилий материалларни, прогнозлар ва эксперт хулосаларни тайёрлайди;

ислохотларни чуқурлаштириш, янада ривожлантириш, шунингдек иқтисодиётнинг тегиши тармоқларидаги ва ҳудудларидаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича таклифларни ишлаб чиқади ва Департамент мудирига, унинг ўринбосарига тақдим этади;

ўзига биркитилган масалалар бўйича ўтказиладиган Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Президиуми мажлисларида, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари ўтказадиган йиғилишларда, Ҳукумат комиссиялари ва идоралараро комиссиялар ҳамда кенгашлар мажлисларида, Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг Раҳбари ўтказадиган йиғилишларда белгиланган тартибда қатнашади;

Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Президиуми мажлисларида, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари ўтказадиган йиғилишларда кўриб чиқишга материаллар тайёрлаш учун, шунингдек ишлаб чиқиладиган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ҳукумат қарорлари лойиҳаларини уларни тайёрлаш мақсадида муҳокама қилиш учун ўзига биркитилган масалалар бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар вакиллари, олимлар ва мутахассислар билан йиғилишлар ўтказилади;

тегишли масалалар бўйича етакчи мутахассиснинг фаолиятини назорат қилади.

18. Департаментнинг етакчи мутахассиси:

материаллар ва ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлайди, Департамент мудирининг ўринбосари ва бош мутахассиснинг ўзига биркитилган масалалар бўйича топшириқларини бажаради, материалларнинг ўз вақтида тайёрланишини, сифатли ишлаб чиқилиши ҳамда топшириқларнинг бажарилиши устидан назоратнинг таъминланиши учун шахсан жавоб беради;

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ва унинг ўринбосарларининг ўзига биркитилган масалалар бўйича топшириқлари бажарилишининг аҳволи тўғрисидаги ахборотларни тўплаш ва умумлаштиришни амалга оширади;

тегишли тармоқ бўйича маълумотларнинг турқумланган базасини шакллантиради, унинг тўлдирилишини ва мунтазам равишда янгилаб борилишини таъминлайди;

материалларни Департамент мудирига, унинг ўринбосарига ва бош мутахассисга, шунингдек белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирига ва унинг ўринбосарларига, Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг Раҳбарига тақдим этади;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, бошқа ташкилотлар томонидан тақдим этилган материалларни ўрганади, ўзига биркитилган масалалар бўйича ахборотларни умумлаштиради, зарур маълумотномаларни ва таҳлилий материалларни тайёрлайди;

ўзига биркитилган масалалар бўйича ўтказиладиган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Президиуми мажлисларида, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари ўтказадиган йиғилишларда, Ҳукумат комиссиялари ва идоралараро комиссиялар ҳамда кенгашлар мажлисларида, Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг Раҳбари ўтказадиган йиғилишларда белгиланган тартибда қатнашади;

бош мутахассис билан келишган ҳолда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар вакиллари, олимлар ва мутахассислар билан Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ҳукумат қарорларининг ишлаб чиқиладиган лойиҳаларини уларни тайёрлаш мақсадида муҳокама қилади.

19. Инспектор Департаментда иш юритишни амалга оширади, ҳужжатларнинг ўтишини назорат қилади, ҳужжатлар йиғмажилдларининг тайёрланишини ва архивда сақлашга ўз вақтида берилишини таъминлайди, ўзига юкланган бошқа функцияларни бажаради.

#### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### **235 Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ҳузуридаги Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва корхоналарни таркибий ўзгартириш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2005 йил 2 майдаги ПҚ-66-сон қарорини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ҳузуридаги Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва корхоналарни таркибий ўзгартириш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

Иқтисодий ночор корхоналар қўмитаси ҳузуридаги Корхоналар санацияси жамғармаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Ижтимоий ривожланиш ва ходимларни моддий рағбатлантириш жамғармаси маблағлари қолдиғи Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ҳузуридаги Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва корхоналарни таркибий ўзгартириш жамғармасига ўтказилади ҳамда унинг маблағлари ҳисобланади;

Жамғармага тушадиган даромадлар солиққа тортиш объекти ҳисобланмайди.

3. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин ҳамда баъзи қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари В.А. Голишев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 4 август,  
185-сон



Вазирлар Маҳкамасининг  
2005 йил 4 августдаги 185-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ҳузуридаги  
Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва корхоналарни таркибий  
ўзгартириш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва  
улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2005 йил 2 майдаги ПҚ–66-сон қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ҳузуридаги Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва корхоналарни таркибий ўзгартириш жамғармаси (кейинги ўринларда Жамғарма деб аталади) маблағларини шакллантириш, тўлдириб бориш ва улардан фойдаланиш тартибини белгилайди.

**I. Жамғарма маблағларини шакллантириш тартиби**

Жамғарма маблағлари:

хўжалик юритувчи субъектларга монополияга қарши қонун ҳужжатлари, табиий монополиялар, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда солинадиган жарималар суммасининг 6 фоизи;

мулкида давлат улуши бўлган корхоналар молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги материаллар тақдим этилмаганлиги ёхуд ўз вақтида тақдим этилмаганлиги учун Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мансабдор шахслардан ундириладиган жарималар;

давлат мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдан тушадиган маблағлар суммасининг 2 фоизи;

кредиторлар талаблари қондирилган тақдирда, банкрот корхоналар мол-мулкни сотишдан, мол-мулкни сотиш ва баҳолаш қиймати ўртасидаги тафовут ҳисобига тушадиган маблағларнинг бир қисми;

Жамғарма маблағларини тижорат банкларидаги депозит ҳисоб рақамларига жойлаштиришдан олинган даромадлар;

маблағларнинг қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалари ҳисобига шакллантирилади.

2. Ушбу Низомнинг 1-бандида кўрсатиб ўтилган маблағлар Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ҳамда унинг ҳудудий органларининг бюджетдан ташқари махсус ҳисоб рақамида жамланади.

**II. Жамғарма маблағларидан фойдаланиш тартиби ва йўналишлари**

3. Жамғарма маблағларини сарфлаш бюджетдан ташқари махсус ҳисоб рақ-

мидан, даромадлар ва харажатларнинг тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигида рўйхатдан ўтказилган сметасига мувофиқ амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раиси ёки унинг вазифаларини бажарувчи шахс Жамғарма маблағларини тасарруф этувчи ҳисобланади.

4. Жамғарма маблағларининг жорий йилда фойдаланилмаган қолдиғи келгуси йилга ўтади ва олиб қўйилмайди.

5. Жамғарма маблағлари:

а) монополист корхоналарни таркибий ўзгартириш дастурларини, шунингдек бозор истиқболларига эга бўлган паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган ва иқтисодий ночор корхоналарни, сарфланган маблағлар санация муддати тугагандан кейин қайтарилган ҳолда, молиявий соғломлаштириш дастурларини ишлаб чиқиш;

б) монополист корхоналарни ҳамда иқтисодий ночор корхоналарни таркибий ўзгартириш ва ихчамлаштириш учун жалб этилган консультантлар хизматларига ҳақ тўлаш;

в) кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, суд бошқарувчилари учун норматив-ҳуқуқий, махсус адабиётларни тайёрлаш ва нашр этиш, шунингдек тадбиркорларнинг банкротлик, истеъмоличилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларига оид ҳуқуқий маданиятини ошириш мақсадида амалий семинарлар ўтказиш;

г) республика минтақаларида бизнес-инкубаторлар, технопарклар, бизнес-таълим тузилмаларини ривожлантиришга молиявий қўмаклашиш, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси томонидан Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш Республика мувофиқлаштирувчи кенгаши билан келишган ҳолда тижорат банкларида очиладиган кредит линиялари орқали тадбиркорлик субъектларини микрокредитлаш;

д) кичик тадбиркорликни ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш;

ж) тугатиш бошқарувчилари буюртманомалари бўйича банкрот корхоналарга баҳолаш, кадастр ва аудиторлик ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган хизматларга, банкрот корхоналар мол-мулки сотилгандан кейин маблағларни қайтариш шарти билан, ҳақ тўлаш;

з) суд бошқарувчиларини, шунингдек суд бошқарувчилигига номзодларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш;

и) тадбиркорлар, ҳунармандлар ва фермерлар ўртасида ҳар йили ўтказиладиган республика танловларини молиявий қўллаб-қувватлаш;

к) монополияга қарши сиёсат, рақобат муҳитини қўллаб-қувватлаш, истеъмоличилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш масалалари бўйича шартнома асосида тадқиқотлар ўтказиш;

л) Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ҳамда унинг ҳудудий органлари ходимларининг касбий билимларини ошириш мақсадида семинарлар ўтказиш;

м) монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш органларини моддий-техник таъминлаш, ижтимоий ривожлантириш, уларнинг ходимларини моддий рағбатлантириш ва уларга моддий ёрдам кўрсатиш;

н) Монополиядан чиқариш рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси томонидан оммавий ахборот воситаларида жойлаштириладиган реклама хизматлари ва эълонлар учун ҳақ тўлаш;

о) Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорларига мувофиқ бошқа мақсадлар учун фойдаланилади.

6. Жамғарма маблағларини қўшимча ходимлар таъминотига сарфлаш тақиқланади, Ҳукуматнинг айрим қарорларида рухсат этилган ҳоллар бундан мустасно.

### **III. Жамғарма даромадлари ва харажатлари сметасини тузиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби**

7. Навбатдаги йил учун даромадларни аниқлашда Жамғарма маблағларининг йил бошидаги қолдиғи ҳамда амалдаги қонун ҳужжатларидаги ўзгаришлар ҳисобга олинган ҳолда кейинги 2 йилдаги тушумлар миқдори ўзгаришидан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқилган йил мобайнидаги прогнозлаштирилаётган тушумлар ҳажми ҳисобга олинади.

8. Сметанинг харажатлар қисми давлат бюджети харажатларининг амалдаги классификациясига мувофиқ моддалар бўйича харажатларнинг тўлиқ изоҳи ва улар юзасидан ҳисоб-китоблар илова қилинган ҳолда харажатлар гуруҳлари бўйича тузилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорларига кўра Жамғарма маблағлари ҳисобига қўшимча ходимлар сони таъминланган тақдирда кўрсатиб ўтилган ходимларга Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси томонидан тасдиқланган штат жадвали сметага илова қилинади.

9. Жамғарма даромадлари ва харажатларининг йиғма сметаси (шу жумладан йил мобайнида киритиладиган ўзгартиришлар) Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш Республика мувофиқлаштирувчи кенгаши ҳамда Корхоналар банкротлиги ва санацияси масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси билан келишган ҳолда Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси томонидан тузилади ва тасдиқланади ҳамда рўйхатдан ўтказиш учун харажатларнинг бюджет сметаси билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим этилади.

Бунда:

тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, шу жумладан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун норматив-ҳуқуқий ва махсус адабиётларни тайёрлаш ва нашр этиш тадбирларига йўналтириладиган маблағлар миқдори Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш Республика мувофиқлаштирувчи кенгаши билан келишган ҳолда белгиланади;

банкротлик, корхоналарни таркибий ўзгартириш ва санациялаш масалалари бўйича тадбирларга йўналтириладиган маблағлар миқдори Корхоналар банкротлиги ва санацияси масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси билан келишган ҳолда белгиланади;

ходимларни моддий-техник таъминлаш, улар меҳнатига ҳақ тўлаш, уларни моддий рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоя қилиш, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси органларининг жорий харажатларини қоплашга йўналтириладиган маблағлар миқдори монополияга қарши қонун ҳужжатлари, табиий монополиялар, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги учун Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси томонидан хўжалик юритувчи субъектларга солинадиган жарималар тушуми суммасидан, шунингдек Жамғармага бошқа манбалардан тушадиган маблағларнинг 15 фоизидан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

10. Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш Рес-

публика мувофиқлаштирувчи кенгаши ҳамда Корхоналар банкротлиги ва санацияси масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси қарорларига мувофиқ Жамғарма маблағларини ажратиш Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси томонидан мустақил равишда, тасдиқланган смета доирасида амалга оширилади.

11. Жамғарма даромадлари ва харажатлари сметасини рўйхатдан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан амалдаги қонун ҳужжатларида бюджет маблағлари учун белгиланган тартибда ва муддатларда амалга оширилади.

#### **IV. Ҳисоб, ҳисобот ва назорат**

12. Жамғарма бўйича маблағлар тушуми ва ҳаракати ҳисоби Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси марказий аппаратида ҳамда унинг ҳудудий органларида бюджетдан ташқари бошқа жамғармалар, шу жумладан бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармасидан алоҳида юритилади.

Жамғармага маблағлар тушиши ва уларнинг сарфланиши тўғрисидаги ҳисобот Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига бюджет ташкилотлари учун белгиланган тартибда ва муддатларда тақдим этилади.

13. Жамғарма маблағларидан тўғри ва мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси томонидан амалга оширилади.

14. Жамғарма маблағларидан белгиланган мақсаддан ташқари фойдаланиш ҳоллари аниқланган тақдирда ана шундай фойдаланилган барча сумма, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тегишли чоралар қўлланган ҳолда, давлат бюджети даромадига олиб қўйилади.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2005 йил 4 августдаги 185-сон қарорига  
2-ИЛОВА

#### **Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган ҳамда ўзгартириш ва қўшимчалар киритиладиган қарорлари рўйхати**

Қуйидагилар:

Вазирлар Маҳкамасининг «Корхоналарнинг банкротлиги тўғрисидаги қонунчиликни амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар ҳақида» 1999 йил 26 июлдаги 362-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 7-сон, 42-модда) 7-бандининг тўртинчи хатбоши ва қарорга 3-илова (Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси ҳузуридаги Корхоналарни санациялаш жамғармаси тўғрисида низом);

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида» 2001 йил 6 апрелдаги 162-сон қарорига 3-илованинг 27-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 4-сон, 2-модда);

Вазирлар Маҳкамасининг «Амалга ошириладиган иқтисодий ночор корхоналарни

таркибий ўзгартириш ва молиявий соғломлаштириш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 18 апрелдаги 188-сон қарорига 2-илова (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 4-сон, 31-модда);

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» 2004 йил 19 январдаги 31-сон қарорига иловадаги 1-банднинг «г» ва «ж» кичик бандлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштиришдан тушган маблағларни ҳисобга олиш, тақсимлаш ва улардан фойдаланишни назорат қилиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида» 1998 йил 22 августдаги 362-сон қарори билан тасдиқланган Давлат мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштиришдан тушган маблағларни ҳисобга олиш, тақсимлаш ва улардан фойдаланишни назорат қилиш тартибининг 3-бандида:

бешинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«1 фоизи — Давлат мулкни сотишда тендер савдоларини ўтказиш Давлат комиссияси қарорига кўра хусусийлаштириш ва дастурларни ахборот билан таъминлашга доир Давлат дастурини амалга ошириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси харажатларига»;

қуйидаги мазмундаги олтинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«2 фоизи — Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ҳузуридаги Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва корхоналарни таркибий ўзгартириш жамғармасини шакллантиришга»;

олтинчи ва еттинчи хатбоши тегишли равишда еттинчи ва саккизинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Вазирликлар ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига ажратмаларни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 25 октябрдаги 499-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 10-сон, 100-модда) 2-илованинг 17-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

Т/р	Вазирликлар ва идораларнинг номи	Шакллантириш манбаи	Ажратмалар миқдори (фоизларда)
	1	2	3
17	Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси	монополияга қарши қонун ҳужжатлари, табиий монополиялар, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлиги учун хўжалик субъектларига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда солинадиган жарималар суммаси	6
		Мулкида давлат улуши бўлган корхоналарнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги материалларни тақдим этмаганлиги ёхуд ўз вақтида тақдим этмаганлиги учун Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мансабдор шахслардан ундириладиган жарималар суммаси	100
		давлат мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдан тушадиган маблағлар	2
		кредиторлар талаблари қондирилган тақдирда, банкрот корхоналар мулкнинг сотиш ва баҳолаш қиймати ўртасидаги тафовут ҳисобига, ушбу мулкни сотишдан тушадиган маблағлар	100

**БЕШИНЧИ БЎЛИМ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**237 Уруғлик донни қабул қилиш, тайёрлаш, дорилаш,  
тарқатиш ва сифатини назорат қилиш тартиби тўғрисида йўриқномани тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил  
29 июлда 1499-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2005 йил 8 августдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 26-майдаги 03-1-58-сонли йиғилиш баёнининг 10-банди топшириғи ижросини таъминлаш мақсадида, **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган ва тегишли вазирлик ва идоралар билан келишилган «Уруғлик донни қабул қилиш, тайёрлаш, дорилаш, тарқатиш ва сифатини назорат қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома» иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтганидан кейин амалга киритилсин.

3. Ишлар (Абдуалимов), Ғаллачиликни ривожлантириш (Хусайнов) бошқармалари мазкур буйруқ Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг ўн кунлик муддатда Йўриқномани чоп этилишини ва манфаатдор шахсларга етказилишини таъминласинлар.

4. Мазкур буйруқ кучга кирган кундан бошлаб «Мулкчилик шаклидан қатъи назар, дон махсулотлари соҳасидаги корхоналарда уруғлик дон қабул қилиш, жойлаш, тайёрлаш ва сақлаш тартиби тўғрисидаги йўриқнома»ни тасдиқлаш ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2000 йил 6-июндаги 160-сонли буйруғи ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин (2000 йил 20 июнь, рўйхат рақами 935).

5. Ушбу буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари А. Жўраев зиммасига юклатилсин.

**Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири С. ИСМОИЛОВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 20 июль,  
160-сон

---

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й.*

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув  
хўжалиги вазирининг 2005 йил 20 июлдаги  
160-сонли бўйруғи билан  
ТАСДИҚЛАНГАН

## Уруғлик донни қабул қилиш, тайёрлаш, дорилаш, тарқатиш ва сифатини назорат қилиш тартиби тўғрисидаги ЙЎРИҚНОМА

Мазкур Йўриқнома Ўзбекистон Республикасининг «Уруғчилик тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 26 майдаги 03-1-58-сонли йиғилиш баёнига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Ушбу Йўриқнома уруғлик донни қабул қилиш, тайёрлаш, дорилаш, тарқатиш ва сифатини назорат қилиш тартибини белгилайди.

### I. Умумий қоидалар

Ушбу Йўриқномада қўлланиладиган тушунчалар:

**уруғлик** — ўсимликнинг нав ва дурагайларни сақлаб қолиш, такрор етиштириш учун ишлатиладиган ботаник донлари ёки бошқа қисмлари;

**сертификатланган (репродукцион) уруғликлар** — фонд уруғликларини ва уларнинг кейинги репродукцияларини кўпайтиришдан олинадиган уруғликлар;

**дурагай уруғликлар** — туркумдошларни чатиштиришдан олинадиган уруғликлар;

**генетик сифат (нав сифати)** — муайян нав уруғликнинг генетик (нав) жиҳатидан қанчалик тоза эканлигини билдирувчи кўрсаткичлар мажмуи;

**экинбоплик хусусияти** — уруғликларнинг экишга қанчалик яроқли эканлигини билдирувчи кўрсаткичлар мажмуи;

**уруғлик туркуми** — бир турдаги (муайян экин, нав, репродукция, тоифа, генетик (нав) тозаликдаги, муайян йил ҳосилидан олинган, келиб чиқиши бир), хужжат билан тасдиқланган махсус жамланган уруғликнинг бир хил миқдори;

**апробация қилиш** — ўсимликларнинг генетик (нав) жиҳатидан қанчалик тоза эканлигини, касалликларга, зараркунандаларга чидамлилиги ва экишга мўлжалланган уруғликнинг умумий ҳолатини аниқлаш мақсадида далада ўтказиладиган тадқиқот;

### II. Уруғлик донни қабул қилиш ва жойлаштириш

#### 1 §. Уруғлик донни қабул қилишга тайёргарлик кўриш

1. Навли ва дурагай уруғлик дон келиб тушиши бошлангунига қадар корхона қуйидагиларни амалга ошириши лозим:

а) келиб тушиши қутилаётган партияларнинг алоҳида уруғлик дон сақлаш омборлари бўйича қуйидагиларга биноан тайёрлов режаларини инobatга олган ҳолда жойлаштириш режасини тузиш (корхона раҳбари тасдиқлайди), жумладан:

- экинлар,
- навлар (дурагайлар),
- авлодлар,
- нав тозалиги тоифалари,

уруғлик дон стандартлари синфлари,  
намлик ҳолати (озуқабоп экинларнинг ўхшаш дони учун),  
аралашмалар, шу жумладан, қийин ажратиладиган аралашмалар (озуқабоп дон  
учун ифлосланганлиги ҳолати бўйича);

б) уруғлик донни жойлаштириш ҳамда навли ва дурагай уруғлик дон билан  
боғлиқ жараёнларни расмийлаштириш учун керакли миқдорда қоқлар, ёрликлар,  
пломбалар, нав ҳужжатлари бланкалари миқдорини тайёрлаб қўйиш;

в) туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимидан барча уруғчилик хўжаликлари  
бўйича, шунингдек навли уруғлик дон тайёрлашга контрактация шартномаси тузилган  
бошқа хўжаликлар бўйича белгиланган тартибга қатъий мувофиқликда расмийлаш-  
тирилган навли экин майдонлари апробацияси далолатномалари тузилганлигини  
аниқлаш.

2. Навли ва дурагай уруғлик донни қабул қилиш ва жойлаш учун ажратилган  
омборлар ўз вақтида таъмирланган, дезинфекцияланган бўлиши ва барча техник  
талабларни қаноатлантириши, жумладан, қуйидагиларга эга бўлиши лозим:

созланган томлар, деворлар, зич ёпиладиган эшиклар, тешиксиз, ёриқсиз сил-  
лик пол;

куруқ, сизот сувлардан яхши ҳимояланган пол ва деворлар, тош ва ғиштдан  
қурилган омборлар сувалган, ёғочдан қурилган омборларда мустаҳкам, ёриқсиз, барча  
омбор деворлари оқланган;

ички томондан металл турлар — шишатутгичлар билан тўсилган ойналанган  
деразалар, электр лампаларда турли ҳимоя қалпоқлари бўлиши лозим.

3. Уруғлик дон омборлари теварагидаги ҳудуд асфальтланган, тозаланган ва  
зараркунандаларга қарши дезинфекцияланган бўлиши лозим.

## 2 §. Уруғлик донни қабул қилиш

4. Уруғлик дон етиштирувчи хўжаликлар томонидан бошоқли дон уруғликла-  
ри нав ва авлодлари бўйича ғалла қабул қилиш ва қайта ишлаш корхоналарига  
белгиланган шаклдаги бирламчи ҳужжатлар билан биргаликда топширилади.

Бирламчи ҳужжатларга қуйидагилар киради:

а) «Ўздавуруғназоратмарказ» томонидан берилган экиш сифат кўрсаткичлари-  
ни тасдиқловчи мувофиқлик сертификати нусхаси;

б) уруғлик майдонида ўтказилган апробация далолатномаси (193, 197-сонли  
шакллар 1 ва 2 иловаларда келтирилган)

5. Дон қабул қилиш корхоналарига топширилган 193 ва 197-шакллари бўйича  
уруғлик доннинг авлоди, нави ва нав софлиги стандарт талабига жавоб берувчи  
бирламчи ҳужжатлар «Ўздавуруғназоратмарказ»нинг Қорақалпоғистон Республика-  
си ва вилоятлар бўлимлари томонидан тасдиқланган бўлиши шарт.

6. «Ўздавуруғназоратмарказ»нинг вилоят ва туман бўлимлари томонидан дон  
қабул қилиш корхоналарига топширилган уруғлик партиялари бўйича уруғликнинг  
яшовчанлиги аниқланади.

7. Дон қабул қилиш корхоналарига қабул қилинган уруғлик партиялари қайта  
ишлангандан кейин давлат стандарти талаблари асосида ўртача намуналар қабул  
қилиб олинади ва «Ўздавуруғназоратмарказ»нинг синов лабораторияларига топши-  
рилади.

8. Хўжаликлардан навли уруғлик донларни тегишли нав ҳужжатларисиз қабул  
қилиш ва яшовчанлик таҳлилларининг натижаларисиз жойлаш қатъиян тақиқла-  
нади.



9. Қабул қилинаётган уруғлик дон сифати (яшовчанлиги, унувчанлиги) бора-сида шубҳа туғилганда, бундай уруғлик партиялари алоҳида жойлаштирилади. Ушбу уруғлик донлардан яшовчанлик, унувчанлигини такрорий аниқлаш учун «Ўздавуруғназоратмарказ»га ўртача намуна танлаб олинади ва жўнатилади.

10. Нав ҳужжатлари хўжалик раҳбари ёки унинг ўринбосари, моддий жавобгар шахс томонидан имзоланиши ва хўжалик муҳри билан тасдиқланиши лозим.

11. Бир хил уруғлик дон партияларига биринчи автомашина (вагон ва бошқалар) билан корхонага етказиладиган уруғликнинг нав ҳужжатлари топширилиши керак.

Шу партиядаги уруғлик донга эга бўлган кейинги машиналарнинг юкхатлари тегишли нав ҳужжатларига мувофиқ расмийлаштирилади.

12. Уруғлик дон учун нав ҳужжати бўлмаганда, у тўлиқ тўлғазилмаганида ва ҳужжатда кўрсатилган уруғлик дон сифати тўғри келмаганда дон топширувчининг розилиги билан ушбу партия оддий (товар) дон сифатида қабул қилинади.

13. Уруғлик дон ҳужжатларсиз ёки нотўғри расмийлаштирилган ҳужжатлар билан келтирилган ҳар бир ҳолат бўйича корхона раҳбари, лаборатория ходими, «Ўздавуруғназоратмарказ»нинг вилоят ёки туман инспектори ва уруғлик дон топширувчи иштирокида далолатнома тузилади.

14. Уруғлик дон қабул қилинаётганда корхона лабораторияси келтирилган уруғлик донга берилган нав ҳужжатидаги ёзувлар апробация далолатномаларига мос келиш-келмаслигини текшириши лозим.

Лаборант уруғлик дон топширувчи иштирокида белгиланган давлат стандарти бўйича уруғлик дондан намуналарини танлаб олади ва уларнинг бир хиллигини, ранги, ҳидини аниқлаш учун уруғлик донларни кўздан кечирилади. Келтирилган уруғлик доннинг ташқи аломатлари (шакли, типи, ранги) нав тўғрисидаги ҳужжатда кўрсатилган нав номига мувофиқлигини текширади, шаҳодатнома ёки гувоҳнома-нинг тескари томонида кўрсатилган бандига аслида келтирилган уруғлик дон сифатининг мувофиқлигини аниқлаш учун уруғлик доннинг намлиги ва бегона дон ҳамда зараркунандалар билан зарарланганлигини, қийин ажралувчи, зарарли аралашмалар ва карантин бегона ўт уруғларининг бор йўқлигини аниқлайди.

15. Навли уруғлик дон сифати аниқланганидан кейин, дон маҳсулот корхонаси топширувчи юкхатининг биринчи нусхаси орқа томонига белгиланган шаклдаги штамп қўяди, журналга санани, таҳлиллар қайдлов ёзуви тартиб рақамини, уруғлик донни жойлаштириш жойи, таҳлил натижалари ва бошқа кўрсаткичларни кўрсатади. Бундан ташқари, топширувчи юкхатига йирик шрифт билан «Навли (дурагай) уруғлик дон» деган штамп қўйилади.

16. Агар битта дон топширувчи кун давомида наводорлик сифат кўрсаткичлари жиҳатдан бир хил навли, авлодли ва тоифали, уруғлик донни бир неча маротаба топширса, навли уруғлик дон таҳлили ва уларни қабул қилинишини расмийлаштириш кунлик ўртача намуналар бўйича амалга оширилади.

17. Қабул қилиш пайтида топширувчидан олинadиган уруғлик дон нави ва экин тўғрисидаги ҳужжатлар корхона бухгалтериясида ҳисоб-китоб ҳужжатлари билан бирга белгиланган тартибда сақланади.

18. Уруғлик дон топширувчи корхона лабораториясининг уруғлик доннинг синфи таҳлили натижаларидан эътирози бўлган тақдирда, корхона лабораторияси такрорий намуна олади ва унинг таҳлилларини ўтказди.

19. Дон топширувчининг таҳлил натижаларига эътироз билдирган тўғрисидаги такрорий аризаси бўлганда корхона лабораторияси уруғлик топширувчи иштирокида баҳсли намунани сўргичлаб, муҳрлайди ва лаборатория бошлиғи, дон топширув-

чи ҳамда «Ўздавуруғназоратмарказ» вакили томонидан далолатнома тузилиб, «Ўздавуруғназоратмарказ»нинг марказий синов лабораториясига жўнатилади. «Ўздавуруғназоратмарказ»дан олинган таҳлил натижаларига кўра қайта ҳисоб-ки-тоб қилинади.

20. Нав ҳужжатлари билан бирга унувчанлиги кўрсатилмасдан топширилган, тозалиги бўйича ёки тозалиги ва навдорлиги жиҳатидан синфсиз навли уруғлик донни қабул қилишда жойлашдан аввал тўлиқ таҳлил ва донли экинлар учун давлат стандартининг II синфи доирасида ажралувчи аралашмаларни аниқлаш бўйича назорат таҳлили ўтказилади. Бундай уруғларни қабул қилиш «Ўздавуруғназоратмарказ» томонидан уруғлик дон корхонага топширилиш вақтида аниқланувчи яшовчанлик кўрсаткичларини инобатга олган ҳолда амалга оширилади.

21. Карантин ҳудудида етиштирилган уруғлик дон (топширувчи розилиги билан) оддий дон сифатида қабул қилинади ва ана шу ҳудуддан ташиб олиб кетилмаслиги лозим.

### 3 §. Уруғлик донни жойлаштириш

22. Уруғлик дон уруғларининг шикастланиш ва бошқа экинлар ва навлар билан аралашиб ифлосланишдан тўла сақланишини таъминловчи махсус ажратилган дон омборларига жойлаштирилиши ва сақланиши лозим.

23. Уруғлик дон уруғларининг сифати аниқланганидан кейин корхона лабораторияси уларни тегишли омборга режага мувофиқ жойлаштириш учун кўрсатма беради. Нав тўғрисидаги ҳужжатда унувчанлик кўрсаткичлари бўлмаган тақдирда уруғлик дон алоҳида жойлаштирилади ва унинг унувчанлигини аниқлаш учун «Ўздавуруғназоратмарказ»га тақдим этиш учун ушбу партиядан ўртача намунани танлаб олинади.

24. Омбор мудури келтирилган уруғлик доннинг нав (дурагай) номини, (авлодини), нав тозалиги ва бошқа сифат кўрсаткичларини дала апробация далолатномасига асосан, уруғлик донни оғирлиги бўйича қабул қилади.

25. Суперэлита уруғларини етиштирувчи майдонлардаги уруғликларни алоҳида уруғлик ўришга ажратилган комбайнларда ўрилади ва тозаланиб, дориланиб, қопланади ва экиш учун тарқатилади.

26. Қорақуя чанг гувалакчаси билан 1 фоиздан 2 фоизгача ва ундан юқори даражада зарарланган экин майдонларидан олинган (апробация далолатномалари бўйича) уруғлик донлар зарарланмаган ва ифлосланмаган уруғлик донлардан алоҳида жойлаштирилади.

27. Барча дон экинларининг биринчи ва кейинги авлодлари уруғлик донларини қабул қилиш жараёнида турли хўжаликлардан тайёрланган битта ва айнан шу экиннинг, битта ва айнан шу авлоднинг, битта ва айнан шу тоифанинг, битта ва айнан шу синф, намлиги, ифлосланганлиги ва зарарланганлиги бўйича айнан бир хил кичик партиядарни бирлаштиришга йўл қўйилади. Кичик партиядар йирик партиядарга бирлаштирилганда, бирлаштирилган партиядарнинг нав тозалиги энг паст кўрсаткич бўйича кўрсатилади, уруғлик доннинг сифат кўрсаткичлари эса бирлаштирилган партиядардан танлаб олинган намуналар таҳлили маълумотлари бўйича кўрсатилади.

28. Сифати ўртача уруғлик дон олиш учун нав тозалиги турли синф ёки тоифали турли партиядарни бирлаштириш, шунингдек, ҳар хил хўжаликлар томонидан етиштирилган барча донларнинг суперэлита, элита ва биринчи авлод уруғликларининг кичик партиядари бўлса ҳамки, бирлаштириш қатъиян тақиқланади.

29. Кичик партияларни бирлаштириш ва бирлашган партияларни расмийлаштириш корхона комиссияси томонидан тузилган далолатнома билан расмийлаштирилади. «Ўздавуруғназоратмарказ» вакили ушбу комиссия таркибига киритилади.

30. Бошоқли дон уруғларини сотувчи вилоятлардан Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа вилоятларга темир йўл орқали ёки автотранспорт билан ташиб келтириладиган уруғлик дон партияларини айнан шу навдаги маҳаллий уруғлик дон билан аралаштириш, шунингдек, янги ҳосил уруғлик донини ўтган йиллар уруғлик дони билан аралаштириш тақиқланади.

31. Аралаштириб юбориш ёки ифлослантиришдан кафолатлаш мақсадида бир турдаги экиннинг икки авлодди уруғлик донини, бир-биридан қийин ажратилувчи, масалан, жавдар ва буғдой, буғдой ва арпа сингари экинлар уруғлик донини бирига яқин жойлаш тақиқланади.

32. Уруғлик дон омборларида навли уруғлик доннинг бир неча партиялари жойлаштирилганда ғалла ажраткичларидан фойдаланиш мумкин. Бунда ғалла ажраткичлари билан ажратилган уруғлик дон партиялари кенглиги 1,0 метрдан кам бўлмаган йўлаклар билан бир-биридан ажратилиши керак.

33. Навли ва дурагай уруғлик донларни аралаштириб юбориш ва ифлослантиришда айбдор бўлган шахслар белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

34. Тозалиги жиҳатидан қайта ишланиши керак бўлган 1-авлод уруғлик донлар унувчанлик сифатларини таъминловчи тадбирларга риоя этиш шарти билан қабул қилинади ва уюм ҳолатда сақланади.

35. Дон омборларида уруғлик дон қопларда ва уюм ҳолида сақланганда ҳар бир партияга ёрлик ўрнатиб қўйилади.

36. Қопларда қабул қилинган уруғлик донни жойлаштиришда қуйидаги қоидаларга риоя этилиши зарур:

поли асфальтланган, бетонланган омборларда қопларни жойлаштириш полдан камида 15 сантиметр баланд бўлган тагликларда амалга оширилади;

штабеллар ўртасидаги йўлаклар, шунингдек, штабеллар ва деворлар ўртасидаги йўлаклар камида 0,7-1 метр, автоюклагичлар ўтиши учун штабеллар ўртасидаги оралик 4,5-5 метр бўлиши лозим.

Штабелнинг узунлиги партия ва омбор майдони ўлчамлари билан белгиланади.

37. Уруғлик дон идишда қуруқ ҳолатда сақланганда 3-иловада белгиланган жадвалда кўрсатилганидан ошмайдиган баландликда жойлаштирилади.

38. Уруғлик дон қуруқ ҳолатда уюм тарзида сақланганда экин туридан қатъи назар, уюмнинг барча қатламларидаги уруғлик дон ҳолати ва сифати устидан назоратни таъминлаш шарти билан тез-тез шамоллатиб туриш ускуналари билан жиҳозланган омборларнинг тўлиқ юкланмаланишига йўл қўйилади (девордан — 2,5 метр, марказида — 5 метргача).

39. Уруғлик донни қайта ишлаш жараёнида унинг шикастланишини олдини олиш мақсадида қуйидагиларга амал қилиш лозим:

уруғлик доннинг транспортёрдан уюмга тушиш пастлигини максимал камайтириш. Уруғлик донлар бир текис тушиши учун брезентдан тайёрланган мослашувчан енгсак, қопча ва бошқаларни қўллаш;

дон транспортёрлари лентаси ҳаракат тезлигини 1,5-1,75 м/секундгача, ўзи узатгичнинг скрепкали шохобчаси тезлигини эса 0,8-1,2 м/секундгача пасайтириш, транспортларда улар рамасининг узунлигига қараб уруғлик дон лентадан тўкилишини бартараф этувчи ғовлар ўрнатиш.

Дон уруғлиги ҳаракатланувчи норияларда махсус пластмассадан ишланган ёки четлари қайтарилган ковшлар ўрнатилиши лозим.

### **III. Уруғлик донларни экишга тайёрлаш ва сақланишини таъминлаш.**

#### **1 §. Уруғлик донларни тайёрлашга қўйиладиган талаблар**

40. Корхонага қабул қилинган намлиги ва тозаллиги бўйича синфсиз уруғлик дон партиялари (бундан бўён «уруғлик материал») тиним даври ўтгандан кейин сара уруғлик олиш мақсадида қайта ишланади.

41. Уруғлик материалга ишлов бериш ва уни сақлашда асосий технологик усуллар ва жараёнларнинг қўйидаги галма-галлигини назарда тутиш тавсия этилади:

транспорт юкини тушириш;

бирламчи тозалаш;

уруғлик материалларини қуриштириш, жойлаштириш уларни экиш мавсумигача сақлаш мақсадида тез-тез шамоллатиб туриш;

дон қуриштирилганда ёки тез-тез шамоллатиб туриш ускуналари (атмосфера ҳавосини илтиш ва илитмасдан) қуриштириш, уруғлик материални 1-синф уруғлик дон стандартлар меъёрларига ёки ҳеч бўлмаганда, ажратиб бўлмас бегона ўтлар бўлганда 2-синф меъёрларигача (тозаллиги жиҳатидан) аралашмалардан тозалаш;

уруғлик материал уруғлик цехда қайта ишлангандан кейин дон зараркунандларига қарши кимёвий ишлов бериш;

уруғлик материални энг паст ижобий ҳароратда совутилган ҳолатда сақлаш.

#### **2 §. Уруғлик донларни қабул қилиш ва тозалаш**

42. Ҳукумат қарори билан белгиланган топшириққа мувофиқ «Ўздонмахсулот» акциядорлик компанияси тизимидаги корхоналар уруғлик материалларни қабул қиладилар.

43. Уруғлик дон стандартининг 1, 2, 3-синфлари талабларига жавоб берувчи навли уруғлик дон кондицияли саналади.

44. Уруғлик амалдаги давлат стандартига (ГОСТ-10467-76) мос келмайдиган районлаштирилган ва истиқболли уруғлик донлар кондициясиз уруғлик дон ҳисобланади.

45. Уруғлик дон топширувчилар томонидан кондицияли уруғлик дон учун дон қабул қилувчи корхона шартномага асосан амалда бўлган нархлар бўйича тўловларни амалга оширади.

ҳисоб-китоблар синфлар ва тоифалар учун базис кондиция бўйича чегирма ва устама қўлламасдан ўтказилади.

46. Уруғ етиштирувчи хўжаликлардан уруғлик материали харид қилиш жараёнида дон қабул қилиш корхоналарининг лабораториялари уруғлик материалдан уруғ чиқиш ҳисоб-китобини аниқлайдилар ва кондинцион уруғликнинг физик оғирлиги бўйича уруғлик чиқиш ҳисоб-китоби асосида олдиндан товар прејскурант нархлари бўйича тўловни амалга оширадилар.

47. «Ўздонмахсулот» акциядорлик компанияси тизимидаги корхоналар уруғлик донни тозалаш, саралаш, дорилаш ва қадоқлаш ишлари амалга оширилгандан кейин «Ўздавуруғназоратмарказ» берган мувофиқлик сертификатига кўра тегишли сифат кўрсаткичларига асосан навли уруғликларнинг амалда чиқишини ҳисобга олиб,

нав устамаларини белгиланган тартибга мувофиқ уруғлик дон топширган субъектлар билан якуний ҳисоб-китобларни амалга оширади.

Нав устамалари Ҳукумат қарорларига мувофиқ белгиланади.

48. Бошоқли дон уруғларини экиш меъёрларини белгилашда асосан 1000 дон дон уруғликнинг оғирлиги ҳисобга олинади, Уруғлик чиқиши устидан оралиқ назорат қилиш мақсадида дон қабул қилувчи корхоналар чўзинчоқ ячейкалари бўлган элаклар комплекти орқали элаш йўли билан кондицияли уруғлик дон ва иккиламчи даражали маҳсулотлар (чиқиндисини) аниқлайди, бунда охирги элакнинг ячейкалари ўлчами 2,2x20 мм бўлиши лозим. Назорат намуналари уруғчилик инспекция мутахассислари билан биргаликда махсус комиссия иштирокида амалга оширилади.

49. Кондицияли уруғлик чиқишини аниқлашда йўл қўйса бўладиган четга оғиш лабораторияларда  $\pm 3$  фоизни ташкил этади.

50. Уруғлик материалга ишлов бераётганда вужудга келувчи фойдали дони 70% дан паст бўлмаган иккинчи даражали маҳсулотлар озуқа ва спирт саноати томонидан ишлатилади. (1000 дон уруғлик доннинг оғирлигини ҳисобга олган ҳолда)

51. Уруғлик материалга қайта ишлов берилганда олинган кондицияли уруғлик экиш учун ва иккинчи даражали маҳсулотлар озуқа ва спирт саноати томонидан ишлатилади. (Бу жараёнда тегишли ташкилот мутахассислари иштирокида назорат намуналар олинади ва лаборатория таҳлиллари асосида аниқланади).

52. «Ўздонмаҳсулот» АК корхоналари тайёрлов бўйича ҳисоботларда уруғлик материал ҳажмини, ПК-10А ихтисослашган қабул қилиш қвитанцияларида «кирим тури» сатрида «уруғлик материал», шу жумладан, уруғлик дон ва иккинчи даражали маҳсулотлар ҳам кўрсатилади (ҳисоб-китоб чиқишига қараб). Тайёрланган экиладиган уруғлик доннинг якуний ҳажмлари «Ўздонмаҳсулот» АК корхоналари томонидан тозалаш ва ишлов бериш тугалланганидан кейин белгиланади, ҳар бир хўжалик бўйича таққослаш далолатномаси тузилади ва 1-дон шаклдаги ҳисобот статистика органларига тақдим этилади.

53. Ихтисослаштирилган ПК-10А қабул қилиш қвитанциясида уруғлик материал, шу жумладан уруғликнинг, иккинчи даражали маҳсулотлар акс эттирилади ва улар тегишли статистика ҳисоботида ҳам акс эттирилади.

54. Дон харид қилиш тўғрисидаги 1-дон шакл ҳисоботда уруғлик дон миқдори 1, 2, 3 устунлар бўйлаб 22-26-сатрларда акс эттирилади (иккинчи даражали маҳсулотларсиз).

55. Донни қабул қилиб олган корхона уруғлик дон топширувчи билан кондицион уруғ ва унинг иккинчи даражали маҳсулот (чиқиндисини) амалдаги меъёрий ҳужжатлар асосида ўзаро ҳисоб-китоб қилиш йўли билан амалга оширади. Бунда уруғликни тозалаш, саралаш учун кетган харажатлар ҳисобга олинади.

56. Уруғлик донларни қайта ишловчи корхоналарда, юқоридан берилган кўрсатма ва топшириққа асосан уруғликларни истеъмолчиларга стандарт оғирликда қадоқланган тарзда темир йўл ва автомобиль транспорти билан уруғлик тарқатиш учун дон қабул қилиш корхоналарига ва улар кўрсатган манзилга етказиб берилишини амалга оширадilar.

57. Уруғликлар давлат стандартлари асосида мажбурий тартибда «Ўздавуруғ-назоратмарказ» томонидан сертификатланиши лозим.

58. Корхонага келиб тушган уруғлик материал органик ва минерал аралашмалардан бирламчи тозаланади (сомон, бошоқлар, ўсимлик пояси қолдиқлари, кесакчалар ва бошқалардан). Намлиги юқори бўлган ва ифлосланган уруғлик материал биринчи навбатда тозаланади.

59. Уруғлик материални аралашмалардан тозалаш турли конструкцияли уруғ-

лик тозалаш машиналарида (сепараторлар, пневмо нав ажратувчи столларда, триерларда ва кўчма уруғлик тозалаш машиналарида) ўтказилади.

60. Уруғлик материални тозалаш одатда транспорт механизмлари, тозалаш машиналари ва уруғлик дон сақлаш ҳажмлари мавжуд махсус уруғлик тозалаш цехларида амалга оширилади. Тозаланган уруғлик сақланаётган омборда уруғлик материални тозалаш тавсия этилмайди.

61. Уруғлик материални тозалашда дон тозалаш машиналаридан уруғлик дон стандартининг 1-синфи талабларига жавоб берувчи ва уруғлик дон шикастланишига йўл қўймайдиган даражада юксак унум билан ишлатиши лозим.

62. Тозалашни ўтказиш тартиби, уруғлик тозалаш машиналари иш режимини раҳбарнинг сифат бўйича ўринбосари, бош мухандис, бош технолог белгилайдилар, бу ишни цех бошлиғи (омбор мудир) ва смена мастери амалга оширадilar.

63. Уруғлик материални тозалаш сифатга қараб, галма-гал амалга оширилади. Қўйидаги уруғлик дон партиялари уруғлик тозалаш машиналарида биринчи навбатда тозаланиши керак:

намлиги ва ифлосланганлиги юқори бўлгани;

зараркунандалар ва касалликлар билан зарарлангани;

уруғликка хос бўлмаган хид тарқатувчи аралашмалар билан ифлосланган.

64. Бир навли, аммо турли авлодга ёки нав тозалигининг турли тоифаларига мансуб уруғлик материалнинг бир неча партияларига ишлов бериш олдидан, аввал тозаланаётган навнинг товар донга қабул қилинган партиясидан 10 тонна атрофида бир марта тозалангандан сўнг шнеклар, қувурлар, линия ва нориялар тозаланганлиги тўғрисида далолатнома тузилади ва журналга қайд қилинади. Шундан кейин юқори авлодли, кейин эса паст авлодли уруғликларга ишлов берилади.

65. Айниқса бошқа экин ёки бошқа нав ва авлод уруғлик материалга ишлов беришга ўтилганида технологик линия ускуналари яхшилаб тозаланади. Қабул қилиш бункерлари, нориялар, транспортерлар, элаклар ва триерли цилиндрлар тозаланишига алоҳида эътибор қаратилади.

Шундан кейин машиналар ва транспорт механизмлари якуний текширилишини ўтказилиб ишга туширилади. Янги партия уруғлик материалга ишлов бериш олдинги экин уруғлари дон тўлиқ тозалангандан кейингина ўтказилади.

66. Уруғлик тозаловчи машиналарнинг самарали ишлашига роя этилиши лозим ва уруғлик материални тозалаш режимига смена мастери ёки бош технолог рухсатсиз ўзгартириш киритиши мумкин эмас.

67. Цех бошлиғи, бош технолог ва агроном уруғлик материални тозалаш жараёни тўғри олиб борилиши ва уруғлик дон тозалаш машиналари ишлаши учун жавобгарликни зиммаларига оладилар.

68. Уруғлик материални тозалаш экин тури ва ҳолатини инобатга олган ҳолда олдиндан танлаб олинган элаклар билан бутланган уруғлик тозалаш машиналарида ўтказилади.

### **3 §. Уруғлик донларини шамоллатиб туриш**

69. Навли уруғлик донлари шамоллатиб туришдан олдин ускуналар ва уларга хизмат кўрсатувчи транспорт механизмлари дон қолдиқлари, чанглардан яхшилаб тозаланади.

70. Ҳосил йиғиштирилгандан кейинги тиним даври жараёнлари кечишини жадаллаштириш мақсадида куз мавсумида уруғлик донни шамоллатиб туришда унинг намлиги имконият даражасида пасайишига эришиш лозим.

71. Уруғлик дон ҳаво ҳарорати 15 градус ва ундан юқори бўлганда шамоллатилади.

72. Канақунжут шамоллатилганда янчилган канақунжут уруғлиги партияни қутичалар ва ёриқлардаги уруғлик билан аралаштиришга йўл қўймаслик лозим.

73. Намлиги 90% дан юқори бўлган янги йиғиштириб олинган канақунжут данаги ва намлиги 8% дан юқори бўлган уруғлик илиқ илитилган ҳаво билан шамоллатиб туришга мўлжалланган ускуналарда қуритилади.

#### **4 §. Уруғлик донни зарарсизлантириш**

74. Давлат ресурсларига қабул қилинаётган уруғлик дон зараркунандалар билан зарарланмаган бўлиши лозим. Дон қабул қилиш корхоналарида сақланаётган дон захиралари зараркунандалари билан зарарланганлиги аниқланган уруғлик дон партиялари ўз вақтида зарарсизлантирилиши лозим.

75. Зарарланган уруғлик дон турган омбор, унга борувчи барча йўлақлар, уруғлик тозалаш машиналари, транспорт механизмлари, омбор жиҳозлари ва уруғлик донга ишлов бериш ўтказилган худудлар тозаланади ва зараркунандаларга қарши дезинфекцияланади.

76. Барча экинларнинг уруғликларини зарарсизлантиришда «Квифокс», «Целлофос», «Фостоксин», «Магтоксин», «Магнофос», «Фосфум» ва бошқа шу каби фосфин асосидаги препаратлардан фойдаланилади.

77. Кимёвий зарарсизлантириш бўйича ишларни махсус малака ошириш ўқишларда ўқитилган мутахассислар, дон маҳсулотларини ҳимоя қилиш бўйича экспедицияда ишловчилар амалга оширадилар.

78. Уруғлик донларни зарарсизлантираётганда ишлов беришдан камида 10-15 кун аввал ва ишлов бериш якунлангандан 10-15 кундан кейин уруғлик донларнинг экиш сифат кўрсаткичлари бўйича лаборатория таҳлиллари ўтказилиши лозим. Таҳлил учун иккита намуна танлаб олинади, улардан бири «Ўздавуруғназоратмарказ»га жўнатилади, иккинчиси эса таҳлил натижалари олингунига қадар корхонада туради. Дон маҳсулотларини ҳимоя қилиш экспедициясининг талабига кўра уруғлик донни унувчанлигини аниқлаш учун намуна танлаб олиш унинг вакили иштирокида ўтказилади. Бу ҳолда учинчи намуна танлаб олинади, у экспедицияда сақланади. Зарур бўлган тақдирда иккинчи ва учинчи намуна арбитраж таҳлил қилиш учун «Ўздавуруғназоратмарказ»нинг марказий синов лабораториясига топширилади.

79. Матодан тикилган ёки полипропилен қопларда тараланган уруғликни фумигация йўли билан зарарсизлантириш қопларни бўшатмасдан амалга оширилади. Крафт қопларга қопланган уруғликлар уларни албатта бўшатиш тариқасида ўтказилади, шундан кейин зарарланмаган қопга қайта қопланади ёки зарарланмаган омборга жойлаштирилади.

#### **5 §. Сақлаш пайтида уруғлик ҳолати ва сифати устидан назорат**

80. Уруғликлар дон қабул қилиш корхонасига келиб тушган пайтда уларнинг сифатини сақлаб қолиш мақсадида уруғликлар ва атроф муҳит ҳавоси ҳарорати ва намлиги, дон сифатининг органолептик кўрсаткичлари (хиди, ранги), зарарланганлиги ва унувчанлиги устидан мунтазам кузатув ўрнатиш зарур.

81. Назорат ҳар бир алоҳида партия ёки ҳажм (штабель, силос, омбор ва ҳ. к.) бўйича юритилади.

82. Катта партиялар уюмининг устки сатҳи (омборларда) шартли тарзда секцияларга ажратилади (ҳар бири 50 кв. м. дан ошмайди), уларнинг ҳар бири устидан мустақил кузатув ўтказилади.

83. Уюм баландлиги 1,5 метрдан юқори бўлган омборларда уруғлик дон ҳарорати камида уч нуқтадаги термоштанга билан аниқланади. Жумладан, устки юздан 30-50 сантиметр чуқурликда, уюм ўртасида ва полда. Уюм баландлиги 1,5 метрдан ошмаганда уруғлик дон ҳарорати уюмнинг икки устки ва пастки қатламларида аниқланади. Ҳар бир уруғлик дон ҳароратини аниқлашдан кейин термоштангалар секция доирасида шахмат тартибига риоя этилган ҳолда бир-биридан 2 метр масофада қайта ўрнатилади.

84. Силос типидagi ҳажмларда ҳароратни аниқлаш ҳарорат устидан дистанцион назоратга мўлжалланган ускуналар ёрдамида амалга оширилади. Уруғлик донни ана шундай қурилмаларсиз силосга жойлаштириш тавсия этилмайди.

85. Уруғлик ҳароратини аниқлаш 4-иловада кўрсатилган муддатларда ўтказилади.

86. Ҳароратни аниқлаш даврийлиги уруғлик дон уюмининг алоҳида қатламларида аниқланган энг юқори ҳароратга боғлиқ ҳолда белгиланади.

87. Намлиги бўйича синфланмаган уруғлик устидан ҳарорат борасида махсус кузатиш талаб этилади. Уруғлик дон ҳарорати ошганлиги аниқланган ҳолларда (ташқи ҳаво ҳароратининг ошиши билан боғлиқ бўлмаган) уларни зудлик билан совутиш ёки қуритиш лозим.

88. Баҳорда уруғлик дон ҳарорати кузатилганда айниқса омборнинг жанубий деворига туташ уюм юқори қатламида ҳарорат ошишига эътибор қаратиш керак. Уруғликлар ҳарорати ташқи ҳаво ҳарорати ошиши билан боғлиқ бўлмаган ҳолда тез кўтарилганда энг аввало тез-тез шамоллатиб туриш воситаларини қўллаб, улар совутилиши борасида чора-тадбирларни зудлик билан кўриш лозим. Бундай уруғлик дон ҳолати устидан назорат ҳар куни ўтказилади.

89. Ҳар бир омбордаги ҳароратни аниқлаш учун симобли ёки спиртли девор термометри бўлиши лозим. Ташқаридаги термометр тўғридан-тўғри қуёш нурларидан албатта ҳимояланган бўлиши зарур. Ташқи ҳавонинг, шунингдек, омбор ичкаридаги нисбий намликни аниқлаш учун психрометрлар бўлиши зарур.

90. Омборларда уюм ҳолда ва силос типидagi ҳажмларда сақланаётган уруғлик доннинг намлиги ҳолати устидан назорат ойда камида икки марта, шунингдек, ҳар бир жой ўзгартириш ва ишлов беришдан кейин намуналар ва таҳлиллар олиш йўли билан амалга оширилади.

91. Намликни аниқлаш ҳар бир партия уюмининг юқори қатлампидан 3 метр чуқурликдан олинган намуналарга қараб ўтказилади.

92. Уюм ҳолда сақланаётган уруғликни дон захиралари зараркунандаларидан зарарланганлигини текширишда органоплетик кўрсаткичларни уруғлик дон ҳарорати ва намлигига боғлиқ ҳолда 5-иловада белгиланган муддатларда ўтказиш керак.

93. Унувчанликни аниқлаш ёки уруғлик доннинг «Ўздавуруғназоратмарказ» уруғлик дон сифати тўла таҳлилини ўтказиш учун намуналар танлаб олиш ҳар бир сақлашга ёки жўнатишга тайёрланган партияга уруғлик дон «Мувофиқлик сертификати» амали муддати тугаши билан ёки уруғлик донни суғурта фонди сифатида узоқ сақлашга жойлаштирилганда ўтказилади.

94. Сақланаётган уруғлик донларнинг унувчанлиги «Ўздавуруғназоратмарказ»-да 2 ойда камида 1 марта ўтказилади. Бундан ташқари, уруғликлар корхона лабораториясида уларнинг унувчанлиги текширилишидан қатъи назар, «Ўздавуруғназоратмарказ»да тўлиқ лаборатория таҳлилларидан ўтказилиб, улардан ҳар бири бе-



риб юборишга ёки юклаб жўнатишга тайёрланган уруғлик донга «Мувофиқлик сертификати» олиниши лозим.

95. Уруғлик донларнинг унувчанлиги пасайиши аниқланган тақдирда сабабларни шошилиш аниқлаш ва уруғлик доннинг кечиктирмай совутилиши ёки қуритилиши, шунингдек, уларнинг биринчи навбатда сотилиши борасида чора-тадбирлар кўриш лозим. Давлат стандартларига мувофиқ бошоқли ва ёғли экинлар учун унувчанликка нисбатан уруғлик доннинг кондициялилиги тўғрисида гувоҳнома ёки мувофиқлик сертификати амали муддати 4 ой давомийликда белгаланган. Бирок, экишга бериш ёки юклашдан олдин экин ҳужжатининг амали муддати ҳали ўтиб кетмаган ёки бориш йўлида ўтиши мумкин бўлган у ёки бу уруғлик партия ҳужжатда кўрсатилган унувчанликни сақлаганига ишонч ҳосил бўлмаса, бундай ҳолда ана шу партия «Ўздавуруғназоратмарказ»да муддатидан олдин текширилиши лозим.

96. Матоли қопларда сақланаётган уруғликларнинг ҳолати устидан назорат қилиш учун ҳар 15 кунда уруғлик дон ҳарорати 10°C дан юқори бўлганда ва 30 кунда уруғлик дон ҳарорати 10°C дан паст бўлганда қоплардан намуна олинади ва корхона лабораторияси унга кўра уруғлик доннинг ранги, ҳиди, намлигини ва дон зараркунандаларидан зарарланганлигини текширади.

97. Уруғлик дон ҳолати устидан назорат ўтказилаётганда барча кузатувлар уюм юқорисида қўйилган траплардан олиб борилади.

98. Зарарланган партияларни кўздан кечиргандан кейин текширувчи ўз кийими ва пойабзалини яхшилаб тозалаш шарт.

99. Уруғлик дон ҳарорати, зараркунандалар билан зарарланганлиги, ҳиди ва ранги кўрсаткичларини лаборатория ходимлари штабеллар, секциялар бўйича хронологик тартибда ва қатламлар бўйича алоҳида-алоҳида белгиланган шаклдаги кузатувлар журнаliga киритадилар.

100. Уруғлик дон ҳар бир партиясига лаборатория ходимлари белгиланган шаклда штабель ёрлиқлари ёзиб қўядилар, (91-сонли шакл, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 20-мартдаги 137-сонли қарори билан тасдиқланган «Дон ва донни қайта ишлаш маҳсулотлари билан операциялар ҳисобини юриштиш ва расмийлаштириш бўйича йўриқнома) уларда уруғликнинг экини, нави номи, авлоди, тоифаси, нав тозалиги фоизи, синфи ва бошқа кўрсаткичлар кўрсатилади. Штабель ёрлиқлари омбор мудирига топширилади, омбор мудирини уларни омборда сақланаётган уруғлик дон партияси ёнига осиб қўяди.

101. Уруғлик дон ҳарорати кўрсаткичлари штабель ёрлиқларига омбор мудирлари ва уларнинг ёрдамчилари томонидан белгиланган муддатдаги ҳар бир текширувдан кейин мунтазам равишда ёзиб борилади. Бу кўрсаткичлар штабель ёрлиқларига умумийлигича алоҳида қатламларнинг паст ва юқори ҳароратини кўрсатган ҳолда алоҳида партиялар бўйича (секцияларга ажратмасдан) ёзиб борилади.

102. Уруғлик доннинг устидан назорат олиб бориладиган қолган барча сифат кўрсаткичларини (намлиги, зарарланганлиги, ранги, ҳиди) штабелларга лаборатория ходимлари ёзиб борадилар.

## 6 §. Уруғликларни дорилаш

103. Бошоқли дон уруғларини экишга тайёрлашнинг асосий омилларидан бири уларни кимёвий дорилар билан дорилашдир.

Бунда:

— Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг берган тавсиясига асосан, давлат

кимё комиссиясининг синовидан ўтган ва ишлатиш бўйича қўлланма технологияси ишлаб чиқилган уруғ дориллагичлардан фойдаланиш зарур;

— дориланаётган уруғлик партиялари тозаланган, сараланган, экиш сифат кўрсаткичлари давлат стандартлари талаби даражасида бўлиши керак;

— бошоқли дон уруғларини пуркаб дорилаш мосламалари яхши ва бир текисда ишлаши таъминланиши керак.

104. Бошоқли дон уруғларини дорилаш жараёнида сифатли суспензия тайёрлаш, уруғларнинг сифатли дориланишини назорат қилишини таъминлаш ва ҳар бир уруғ дориллагичларнинг белгиланган меъёрларда ишлатилишини таъминлаш мақсадида дорилаш жараёнида Ўсимликларни ҳимоя қилиш ва агрокимё марказининг малакали мутахассислари иштирок этишлари керак.

105. Дориланган бошоқли дон уруғлари қоплангандан кейин 7—10 кун муддатда омборларда сақланиши шарт.

106. Кимёвий препаратни қабул қилиш, сақлаш ва ундан фойдаланиш ишларини меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлик қоидаларига риоя қилган ҳолда амалга оширилиши лозим.

### **7 §. Уруғлик донни юклаб жўнатиш ва расмийлаштириш**

107. Уруғлик дон темир йўл орқали жўнатилганда уларнинг сифати тўғрисидаги ҳужжатлар уч нусхада ёзиб берилади, улардан бир нусхаси темир йўл ҳужжати-га тиркалади, бу ҳақда ҳужжат рақами, санаси ва уни берган корхона номи кўрсатилган ҳолда белги қўйилади. Иккинчи нусха юкланган уруғлик донга берилган ҳисоб рақамига қўшиб қўйилади, учинчиси эса лаборатория йиғма жилдида қолади.

108. Навли ва дурагай уруғлик дон юклаб жўнатилишида ишлатиладиган вагонлар бутунлай соз, яхшилаб тозаланган ва зарарсизлантирилган бўлиши лозим. Корхоналар навли ва дурагай уруғлик донни темир йўл транспорти орқали юклаб жўнатилган ва темир йўлдан автотранспортга тушириб юклаганда навлари ва сифати ҳар хил бўлган уруғликларнинг аралашиб кетишига йўл қўймаслик учун чоратадбирлар кўрилиши шарт.

109. Уруғлик дон автомобиль транспорти билан бир жойдан иккинчи жойга ташилганда келиб тушаётган ёки бериб юборилаётган уруғликларнинг ҳар бир партия товар-транспорт юкхати (21-сон шакл, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 20-мартдаги 137-сонли қарори билан тасдиқланган «Дон ва донни қайта ишлаш маҳсулотлари билан операциялар ҳисобини юритиш ва расмийлаштириш бўйича йўриқнома»), шунингдек, уруғлик дон сифатини тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар билан кузатиб борилиши лозим. Мувофиқлик сертификати лаборатория йиғма жилдида қолади, унинг нусхаси эса уруғлик дон олувчига берилади.

110. Уруғлик дон темир йўл орқали келиб тушганда олувчи — корхона зудлик билан «Ўздавуруғназоратмарказ» вакилини чақиради, у уруғлик дон сифатини кейинги аниқлашлар учун намуналар, шунингдек, қўшимча таҳлил талаб этиладиган ҳол учун намуналар олади.

111. «Ўздавуруғназоратмарказ» вакили томонидан ўртача намуналар олиниши уруғлик дон етиб келганидан 5 кундан кечиктирмасдан амалга оширилиши ва ҳар бири уч нусхада тузиладиган белгиланган шаклдаги далолатномалар билан расмийлаштирилиши лозим.

112. Ўртача намуналар далолатноманинг бир нусхаси билан бирга у олинган кундан бошлаб икки кундан кечиктирмасдан олинган уруғлик доннинг сифатини

текшириш учун «Ўздавуруғназоратмарказ»нинг марказий синов лабораториясига ва минтақалараро аккредитцияланган синов лабораторияларига юборилади.

113. Қўшимча таҳлил учун намуналар танлаб олиш ва расмийлаштириш «Қишлоқ хўжалиги экинларининг уруғликлари сифатни арбитраж аниқлаш қоидалари» ГОСТ 12047-85 га тўлиқ мувофиқликда ўтказилиши лозим. Қўшимча таҳлил натижаларини уруғлик дон олувчи ва жўнатувчига юборилиши лозим.

Мазкур Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, «Ўзстандарт» агентлиги, «Ўздонмахсулот» АК, «Ўздавуруғназоратмарказ», «Ўздавдонинспекцияси», ва Республика АТ «Фаллабанки» билан келишилган.

**Келишилди:**

**Иқтисодиёт вазирининг биринчи ўринбосари Г. САИДОВА**

Тошкент ш.,  
2005 йил 18 июль

**Молия вазири С. РАҲИМОВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 18 июль

**«Ўзстандарт» агентлиги Р. БЎРИЕВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 18 июль

**«Ўздонмахсулот» ДАК раиси Э. ҚУДРАТОВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 18 июль

**«Ўздавуруғназоратмарказ» бошлиғи А. АБДУСАТТОРОВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 18 июль

**«Ўздавдонинспекцияси» бошлиғи М. ҒОҒУРОВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 18 июль

**РАТ «Фаллабанки» Бошқарув раиси М. ЎРИНБОЕВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 18 июль

Уруғлик донни қабул қилиш, тайёрлаш,  
дорилаш, тарқатиш ва сифатини назорат  
қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага  
1-ИЛОВА

193-шакл

Далолатномани текширди \_\_\_\_\_

Лавозими

имзо

республика, вилоят

Экишга  
яроқли

Авлоди

Категорияси

**АПРОБАЦИЯ ДАЛОЛАТНОМАСИ № \_\_\_\_\_**

200 й \_\_\_\_\_, мен, апробатор \_\_\_\_\_

Лавозими, иш жойи

Фамилияси, исми, отасининг исми

Апробация текшируви ўтказилди \_\_\_\_\_

экин тури

хўжалик \_\_\_\_\_

туман \_\_\_\_\_

хўжалик вакили иштирокида

Лавозими, иш жойи, фамилияси, исми, отасининг исми

**Апробация натижасига кўра аниқланди:**

1. Навнинг номи \_\_\_\_\_ Ботаник тури \_\_\_\_\_

Селекция тартиб рақами (агар навга берилган бўлса) кўрсатилсин

2. Экилган жойи: бригада № \_\_\_\_\_ майдон № \_\_\_\_\_, дала № \_\_\_\_\_

3. Апробация ўтказилган майдон \_\_\_\_\_

4. Қандай уруғ экилган \_\_\_\_\_

ўзиники ёки олинган (қайси ташкилотдан олинган)

5. Экилган уруғга берилган ҳужжат номи, рақами ва куни \_\_\_\_\_

6. Агар уруғ ўз хўжалигида тайёрланиб экилган бўлса, унда шу нав уруғини кўпай-  
тириш учун қаердан олган \_\_\_\_\_

7. Селекцион-тажриба ташкилоти томонидан навнинг элита уруғи қачон яратилган \_\_\_\_\_

8. Экилган уруғнинг навдорлик сифати: авлоди (келиб чиқиши) \_\_\_\_\_ катего-  
рияси \_\_\_\_\_ нав софлиги \_\_\_\_\_ %.9. Хўжаликда ушбу экин турига ўхшаш бошқа нав ёки нав аралашмалари: 200\_\_  
йилда улар эгаллаган майдон ва номи \_\_\_\_\_*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й.*

- 
10. Бошқа навлардан ажратилган оралиқ химоя масофаси (четдан чангланувчи ўсимликлар учун) \_\_\_\_\_ ташкил этади \_\_\_\_\_  
мавжуд, мавжуд эмас метр
11. Қайси экиндан кейин экилган (ўтмишдош) \_\_\_\_\_
12. Апробация ўтказилган кунгача ўсимликнинг ривожи \_\_\_\_\_
13. Даланинг ёввойи ўт билан ифлосланиши (шкала бўйича) \_\_\_\_\_
14. Ҳар гектардан қутилаётган ҳосил \_\_\_\_\_

15. Таҳлил натижаси  
 а) ўсимлик боғлам (рақамли) \_\_\_\_\_

Боғлам тартиб рақами	Майдон, га	Асосий нав		Нав аралашмаларнинг таркиби		Асосий экиннинг яхши ривожланмаган поялар сони	
		Ривожланган поялар сони	%	Номи ва миқдори	Ҳаммаси	Микдори.	%
1							
2							
3							
Ўртача							

Боғлам тартиб рақами	Қийин ажраладиган маданий ўсимликлар аралашмаси			Қийин ажраладиган бетона ўсимликлар билан ифлосланиши			Тақиқланган бетона ўтлар билан ифлосланиши			Зарарли ва зақарли бетона ўтлар билан ифлосланиши			Қишлоқ хўжалик экинлари касаллик ва зараркуналдари билан зарарланганлиги			
	Номи ва миқдори	Ҳаммаси		Номи ва миқдори	Ҳаммаси		Номи ва миқдори	Номи ва миқдори		Номи ва миқдори	Номи ва миқдори		Мик.	%	Мик.	%
		Мик.	%		Мик.	%		Мик.	%		Мик.	%				

б) маккажўхори сўтаси асосий тури \_\_\_\_\_ дона \_\_\_\_\_ %  
 маккажўхори сўтасининг бошқа турлари \_\_\_\_\_ %  
 асосий турга хос 100га сўтадаги уруннинг ксенийлиги \_\_\_\_\_ дона  
 в) четдан чангланувчиларга хос хусусият \_\_\_\_\_ %  
 г) нўхотнинг ёввойи нўхот билан аралашмаси \_\_\_\_\_ %

16. Аprobатор таклифи: \_\_\_\_\_  
 \_\_\_\_\_  
 широклаги, фамилияси \_\_\_\_\_ Илмо \_\_\_\_\_ Илмо \_\_\_\_\_

Аprobатор \_\_\_\_\_  
 \_\_\_\_\_  
 фамилияси \_\_\_\_\_ Илмо \_\_\_\_\_

Хўжалик вакили \_\_\_\_\_  
 \_\_\_\_\_  
 Илмо \_\_\_\_\_

200 \_\_\_\_ й « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_

Қатга аprobатор  
 Инспектор

**КАФОЛАТЛИ МАЖБУРИЯТИ**

Далоятноманинг 16-бандида кўзда тутилганидек, хўжалик навни яхшилаш, апробация ўтказилган далавларни сифатли сақлаш, хомилини ўриб олишдан то уни сотпунгача бўлган ишларнинг сифатли бажарилишига жавобгардир ҳамда барча қўшимча ташкилий ишларни ўз зиммасига олади ва вақтида бажаришга кафолат беради.

Навдор уруғлар бошқа хўжаликларга тарқатиладиган бўлса, «Ўздавуруғназоратмаркази» томонидан уруғга берилган мувофиқлик сертификатининг нусхасини қўшиб беради.

Хўжалик раҳбари \_\_\_\_\_  
 \_\_\_\_\_  
 фамилияси \_\_\_\_\_ Илмо \_\_\_\_\_

Уруғлик донни қабул қилиш, тайёрлаш,  
дориллаш, тарқатиш ва сифатини назорат  
қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага  
2-ИЛОВА

197-шакл

### АПРОБАЦИЯ ДАЛОЛАТНОМАСИ № \_\_\_\_\_

200 й \_\_\_\_\_ Текширувда қатнашган комиссия аъзолари:  
Селекционер \_\_\_\_\_

Фамилияси, исми, отасининг исми

селекцион-тажриба ташкилотининг уруғчилик мутахассиси (элита уруғчилик хўжалигининг ҳосилоти) \_\_\_\_\_

Фамилияси, исми, отасининг исми

далани апробация текширувдан ўтказди \_\_\_\_\_  
далага жойлаштирилган \_\_\_\_\_

селекцион-тажриба ташкилотнинг номи

элита хўжалиги

\_\_\_\_\_ вилояти, \_\_\_\_\_ тумани  
\_\_\_\_\_ уруғ олиш учун.

Элита ва биринчи авлод

### Апробация жараёнида аниқланди:

1. Навнинг номи \_\_\_\_\_ Ботаник тури \_\_\_\_\_  
2. Экилган жойи \_\_\_\_\_ майдон \_\_\_\_\_ га

селекцион дала-майдон № кўрсатилсин

### Нав ҳақида асосий маълумотлар:

3. Нав яратилди \_\_\_\_\_

селекцион-тажриба ташкилотнинг номи

4. Нав бошқа станцияга ўтказилган бўлса, унда қайси йилдан ушбу станцияда шу нав билан селекцион-уруғчилик ишлари бошланган \_\_\_\_\_

5. Қаердан, қайси йилда, қанча станция\элита хўжалиги ушбу нав уруғидан олди, бошланғич материал сифатида қайси уруғ ишлатилди (бошланғич материалнинг уруғ сифати кўрсатилсин) \_\_\_\_\_

6. Апробация қилинган навнинг селекцион-уруғчилик ишлари нимадан иборат \_\_\_\_\_

7. Апробация қилинган далага қандай уруғ экилган (суперэлита; элита ва ҳ. к.) бошланғич уруғлик материалнинг нав софлиги, касаллик ва зараркундалар билан зарарланиши кўрсатилсин.

**Апробация қилинадиган даланинг ҳолати**

---

8. Экиннинг оралиқ ҳимоя масофаси:

а) ушбу навга хос бошқа ўсимлик даласидаги масофа \_\_\_\_\_ м

б) ушбу навга хос бошқа нав сифати, дала оралиғи \_\_\_\_\_ м.

9. Олдинги йилда далага экилган экин тури \_\_\_\_\_

10. Кўз чамасида даланинг бегона ўт билан ифлосланиши (шкала бўйича) \_\_\_\_\_

11. Ҳар гектардан кутилаётган ҳосил \_\_\_\_\_

12. Апробация ўтказилган пайтда ўсимликнинг ривожланиш ҳолати \_\_\_\_\_



13. Таҳлил натижаси \_\_\_\_\_  
 а) ўсимлик боғлам (сони) \_\_\_\_\_

Боғлам тартиб рақами	Майдон, га	Асосий нав		Нав аралашмаларининг таркиби			Асосий экиннинг яхши ривожланмаган поялар сони	
		Ривожланган поялар сони	%	Номи ва миқдори	Миқдори	Ҳаммаси %	Миқдори	%
1								
2								
3								
Уртача								

Боғлам тартиб рақами	Қийин ажраладиган маданий ўсимликлар аралашмаси		Қийин ажраладиган бегона ўсимликлар билан ифлосланиши		Таққиланган бегона ўғлар билан ифлосланиши		Зарарли ва зақарли бегона ўғлар билан ифлосланиши		Қишлоқ хўжалик экинлари касаллик ва зараркунандалари билан зарарланганлиги		
	Номи ва миқдори	Ҳаммаси Миқ. %	Номи ва миқдори	Ҳаммаси Миқ. %	Номи ва миқдори	Ҳаммаси Миқ. %	Номи ва миқдори	Ҳаммаси Миқ. %	Касалликлар тури ва қ/хўжалик экинлари зараркунандалари	Миқ. %	Миқ. %

14. Текширув гуруҳининг элита, 1-авлод, ва ҳоказо деб баҳолаши тўғрисидаги хулосаси: \_\_\_\_\_

15. Текширув гуруҳи аниқлаган асосий камчилик ва тақлифлар (агар ушбу нав ичида унга хос бўлмаган турлар учраса, албатта унинг қайси томонга айланиши кўрсатилсин) \_\_\_\_\_

(имзолар) \_\_\_\_\_

16. Аprobация қилинган боғламларни сақлаш учун хўжалик вакилига топширилди \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ лавозим, фамилияси \_\_\_\_\_ ИМЗО

Текширув гуруҳининг хулосаси тўғри: \_\_\_\_\_

Селекцион тажриба ташкилоти раҳбари \_\_\_\_\_ ИМЗО

Элита-уруғчилик хўжалиги раҳбари \_\_\_\_\_ ИМЗО

Элита-уруғчилик хўжалигининг лаборатория мудири \_\_\_\_\_ ИМЗО

**КАФОЛАТЛИ МАЖБУРИЯТИ**

Далолатноманинг 15-бандида кўзда тутилганидек, хўжалик нави яхшилаш, апробация ўтказилган далаларни сифатли сақлаш, хосилни ўриб олишдан то уни соттунгача бўлган ишларнинг сифатли бажарилишига жавобгардир ҳамда барча қўшимча ташкилий ишларни ўз зиммасига олади ва вақтида бажаришга кафолат беради.

Навдор уруғлар бошқа хўжаликларга тарқатиладиган бўлса, «Ўздавуруғназоратмаркази» томонидан уруғга берилган мувофиқлик сертификатининг нусхасини қўшиб беради.

Раҳбар \_\_\_\_\_ фамилияси \_\_\_\_\_ ИМЗО

Элита уруғ хўжалиги раҳбари \_\_\_\_\_

200 « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_

«Уруғлик донни қабул қилиш, тайёрлаш, дорилаш, тарқатиш ва сифатини назорат қилиш тартиби тўғрисида»ги йўриқномага  
3-ИЛОВА

ЭКИН	Уруғлик дон ҳарорати	
	+ 10°C гача	+ 10°C дан юқори
	штабель баландлиги (қоплар қатори сони)	
Бугдой, жавдар, арпа	8	8
Шоли, кунгабоқар	8	6
Сули, соя, рапс	6	4

«Уруғлик донни қабул қилиш, тайёрлаш, дорилаш, тарқатиш ва сифатини назорат қилиш тартиби тўғрисида»ги йўриқномага  
4-ИЛОВА

Уруғликнинг намлик бўйича ҳолати	Янги йиғиштириб олинган уруғлик дон шоҳобчаларига келиб тушган пайдан бошлаб 3 ой давомида	Уруғлик дон уюми ҳарорати		
		0 °C ва ундан паст	0 °C дан +10 °C гача	+10 °C дан юқори
Қуруқ	3 кунда 1 марта	15 кунда 1 марта	15 кунда 1 марта	10 кунда 1 марта
Қуруқлиги ўртача	2 кунда 1 марта	10 кунда 1 марта	10 кунда 1 марта	5 кунда 1 марта
Нам	Ҳар куни 7 кунда	7 кунда 1 марта	5 кунда 1 марта	Ҳар куни 1 марта

«Уруғлик донни қабул қилиш, тайёрлаш, дорилаш, тарқатиш ва сифатини назорат қилиш тартиби тўғрисида»ги йўриқномага  
5-ИЛОВА

Уруғлик дон намлиги (%)	Уруғлик дон ҳарорати		
	+5 °C дан паст	+5 дан 10 °C гача	+10 °C дан юқори
15 гача	20 кунда 1 марта	15 кунда 1 марта	10 кунда 1 марта
15 дан юқори	15 кунда 1 марта	10 кунда 1 марта	5 кунда 1 марта

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACASI ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**238** Давлат солиқ хизмати органлари тадбиркорлик субъектларидан молиявий ҳисобот, солиқлар, мажбурий тўловлар ва даромадлар тўғрисидаги декларациялар бўйича ҳисоб-китоблар, ёзма аризалар ва билдиришномалар қабул қилиб олиш ҳамда рўйхатдан ўтказиш тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил  
29 июлда 1500-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2005 йил 8 августдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 июндаги «Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги ПҚ-100-сонли қарорига асосан Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. «Давлат солиқ хизмати органлари тадбиркорлик субъектларидан молиявий ҳисобот, солиқлар, мажбурий тўловлар ва даромадлар тўғрисидаги декларациялар бўйича ҳисоб-китоблар, ёзма аризалар ва билдиришномалар қабул қилиб олиш ҳамда рўйхатдан ўтказиш тўғрисида»ги Низоми иловага асосан тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1999 йил 28 сентябрда 824-сон билан рўйхатга олинган ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан 1999 йил 10 сентябрда 99-114-сон билан тасдиқланган «Солиқ тўловчиларнинг ҳисоботлари ва балансларини қабул қилиш вақтинчалик тартиби» ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб 10 кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Давлат солиқ қўмитаси раис Б. ПАРПИЕВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 10 июль,  
2005-42-сон

Давлат солиқ қўмитасининг  
2005 йил 10 июлдаги 2005-42-сон қарорига  
ИЛОВА

**Давлат солиқ хизмати органлари тадбиркорлик субъектларидан  
молиявий ҳисобот, солиқлар, мажбурий тўловлар ва даромадлар  
тўғрисидаги декларациялар бўйича ҳисоб-китоблар, ёзма  
аризалар ва билдиришномаларни қабул қилиб олиш ҳамда  
рўйхатдан ўтказиш тўғрисида  
НИЗОМ**

**I. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги, «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги, «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида»ги ва «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 июндаги «Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги ПҚ–100 сонли қарорига асосан солиқ тўловчилар томонидан молиявий ҳисобот, солиқлар, мажбурий тўловлар ва ажратмалар, даромадлар тўғрисидаги декларациялар бўйича ҳисоб-китоблар (шу жумладан қонунчиликка мувофиқ ҳисоб-китобларга илова қилинадиган ҳужжатлар) ҳамда солиқлар ва мажбурий тўловларни ҳисоблаш, тўлашга доир ёзма аризалар ва билдиришномаларни (бундан кейин «ҳисоботлар») солиқ органларига тақдим этиш борасида ўзаро муносабатлар тартибини белгилайди.

2. Низом амалдаги қонунчиликка кўра солиқ тўловчи бўлган ва давлат солиқ хизмати органларига ҳисоботлар тақдим этиши белгиланган тадбиркорлик субъектларига ва бошқа ташкилотларга (бундан кейин «солиқ тўловчи») татбиқ этилади.

**II. Солиқ тўловчининг ҳисобот тақдим этиш турлари**

3. Солиқ тўловчилар томонидан тақдим этиладиган молиявий ҳисоботларнинг шакллари, уларни тузиш тартиби ва тақдим этиш муддатлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланади.

Бунда микрофирма ва кичик корхоналар бухгалтерия балансидан иборат молиявий ҳисобот — 1-шаклни, молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот — 2-шаклни ҳамда дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисидаги маълумотнома — 2-а-шаклни ҳар ҳисобот йили бўйича ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 15 февралидан кечикмасдан давлат солиқ хизмати органларига топширилади.

4. Солиқлар, мажбурий тўловлар ва ажратмалар бўйича ҳисоб-китобларни тузиш тартиби ҳамда тақдим қилиш муддатлари Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси ва бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

5. Амалдаги қонунчилик билан белгиланган молиявий, солиқ ҳисоботлар ва солиқларни ҳисоблаб чиқиш билан боғлиқ бўлган мажбурий маълумотномалардан ташқари солиқ тўловчилардан қўшимча равишда ҳар қандай маълумотлар, маълумотнома ва ҳужжатларни талаб қилиш қатъиян ман этилади.

6. Ҳисоботлар солиқ тўловчилар томонидан қуйидаги тартибларда тақдим этишлари мумкин:

а) солиқ тўловчи ҳисобга қўйилган давлат солиқ хизмати органига бевосита ташрифи орқали.

Ушбу тартибда ҳисоботлар бевосита солиқ тўловчи томонидан икки нусхада тузилиб, белгиланган муддатларда давлат солиқ инспекциясининг солиқ тўловчиларнинг ҳисобот ва балансларни қабул қилувчи тегишли бўлинмага тақдим этилади.

Солиқ тўловчилар томонидан ҳисоботлар солиқ инспекциялардаги алоҳида махсус ажратилган хоналарда (операцион залларда) тақдим этилади.

б) почта алоқаси орқали.

Ушбу тартибда солиқ тўловчи томонидан ҳисоботлар икки нусхада тузилиб, битта конвертга солинади ва ўзининг муҳри билан тамғаланadi. Конвертга солинган ҳисоботлар, солиқ тўловчилар ҳисобга қўйилган давлат солиқ инспекциясига почта орқали юборилади.

с) электрон ҳужжат айланиши орқали.

Ушбу тартибда ҳисоботлар солиқ тўловчи томонидан электрон шаклларда тайёрланиб, белгиланган муддатларда ҳисобга қўйилган давлат солиқ инспекцияларига электрон алоқа орқали юборилади. Электрон ҳужжатларда тайёрланган ҳисоботлар бевосита солиқ тўловчи ёки уларнинг ахборот воситачиси орқали юборилиши мумкин.

Электрон шаклда қайд этилган ҳисоботлар электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ва ҳисоботларнинг белгиланган шакллари тўлиқ тўлдирилган бўлиши керак. Солиқлар ва мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқиш ва тўлашга доир ёзма аризалар ва билдиришномаларни идентификация қилиш имкониятини берадиган қўйдаги мажбурий реквизитларига эга бўлиши керак:

электрон рақамли имзо;

электрон ҳужжатни жўнатувчи солиқ тўловчининг номи;

электрон ҳужжатни жўнатувчининг почта ва электрон манзили;

ҳужжат яратилган сана.

Электрон ҳужжатларда тақдим этилаётган ҳисоботлардаги маълумотларни ҳимоясини таъминлаш мақсадида, электрон ҳужжат айланишининг иштирокчилари томонидан маълумотларни криптография ҳимоя воситалари қўлланилади.

Электрон шаклда ҳисоботларни тақдим этган солиқ тўловчилар ушбу ҳисоботларни қоғоз нусхаларда тақдим этиш мажбуриятига эга эмас.

7. Ҳисоботларни тақдим этиш тартиби солиқ тўловчилар томонидан танлаб олинади.

Бунда, ҳисоботларни тасдиқланган шаклларда тақдим этилиши таъминланиши шарт.

### **III. Солиқ идораларининг ҳисоботларни қабул қилиш тартиби**

8. Солиқ тўловчилар томонидан электрон ҳужжат айланиши орқали тақдим этилган ҳисоботларни қабул қилиш ва ишлов бериш учун ҳисоботларни қабул қилувчи бўлинмада алоҳида электрон манзилга эга бўлган электрон ҳужжатларни қабул қилиб олувчи компьютер ўрнатилади. Ушбу компьютер давлат солиқ инспекциясининг локал тармоғига уланган бўлиши лозим.

9. Почта алоқаси орқали солиқ тўловчилар томонидан тақдим этилган ҳисоботлар давлат солиқ инспекциясининг умумий бўлимига келгач, умумий бўлим почта конвертидаги барча ҳужжатларни ягона рақам ва келиб тушиш санаси билан

рўйхатдан ўтказиб, бир кун ичида реестр асосида ҳисоботларни қабул қилувчи бўлинмага тақдим этади.

10. Солиқ тўловчилар ҳисоботларни қабул қилувчи бўлинманинг маъсул ходимларига бевосита ҳисоботларни топширганда, ҳисоботларни қабул қилиб олган шахс солиқ тўловчининг ҳисоботнинг иккинчи нусхасининг ўнгдан пастки бурчагига давлат солиқ хизмати идорасининг рўйхатга олиш штампини қўяди, кириш рақами ва ҳужжатнинг келиб тушган санасини кўрсатади.

11. Давлат солиқ инспекциясининг ҳисоботларни қабул қилувчи бўлинмага солиқ тўловчиларнинг ҳисоботлари тушгандан сўнг, уларни олинганлигини, ушбу тартибдаги 1-иловага мувофиқ, солиқ тўловчиларнинг ҳисоботларини рўйхатга олиш журналига бир кун ичида қайд қиладилар.

Топшириладиган ҳисоботларни қайд қилиш журнали рақамланиши, тикилган, Давлат солиқ инспекцияси бошлигининг имзоси ва муҳр билан тасдиқланиши лозим.

12. Солиқ тўловчиларнинг ҳисоботларини олиш журналида ҳисоботлар солиқ тўловчилар томонидан тақдим этилган санаси:

электрон ҳужжат айланиши орқали тақдим этилганда, «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, ҳисоботларни жўнатувчи томонидан унинг бекор қилиниши мумкин бўлмаган жўнатилиш санаси;

ҳисоботларни жўнатувчи томонидан унинг бекор қилиниши мумкин бўлмаган жўнатилиш санаси;

почта алоқаси орқали тақдим этилганда, ҳисоботларни юборилганлиги тўғрисида почта бўлимининг штампидаги санаси;

солиқ тўловчиларнинг бевосита давлат солиқ инспекциясига ташрифи орқали тақдим этилганда, мазкур Низомнинг 10-бандига мувофиқ ҳисоботларни қабул қилиб олган шахс томонидан ҳужжатнинг келиб тушганлиги тўғрисида кўрсатилган санаси ҳисобланади.

13. Ҳисоботларни қабул қилувчи бўлинма ходимлари солиқ тўловчилардан қабул қилинган ҳисоботларда қуйидагиларнинг мавжудлигини текширадилар:

ҳисоботлар шаклларини тўлиқлигини;

ҳисоботларда мансабдор шахсларининг имзоларининг ва муҳрнинг мавжудлиги;

электрон ҳужжат айланиши орқали юборилганда ҳисоботлардаги мансабдор шахсларнинг электрон рақамли имзоларининг мавжудлигини ва электрон ҳужжат имзоланаётган пайтда электрон рақамли имзо калитининг сертификати амал қилиб турганлиги ҳам текширилади;

ҳисоботларнинг барча мажбурий реквизитларини (банк ҳисобварақлари рақамлари, солиқ тўловчининг идентификация рақамлари, юридик манзил, саналар ва шу кабиларни) тўлдиришини;

ҳисоботлардаги шаклларида назарда тутилган барча кўрсаткичларни тўлдиришини, шунда корхонада тегишли активлар, пасивлар, операциялар мавжуд бўлмаган ҳолда бу модда (қатор, устун чизиб) («х» белги билан) қўйилганлигини.

14. Солиқ тўловчиларнинг ҳисоботларини қайта ишлов бериш келиб тушган пайтидан то ҳисоботнинг ёки мулоҳазаларнинг бир нусхаси солиқ тўловчига берилиши пайтигача икки кундан ошмаган муддатда амалга оширилиши лозим.

Агарда юқорида айтилган муддатнинг тугаш вақти дам олиш (ишланмайдиган) кунига тўғри келиб қолса, шундан кейинги биринчи иш куни муддатнинг тугаш куни ҳисобланади.

15. Ҳисоботга доир эътирозлар бўлмаган тақдирда тааллуқли компьютер дастури орқали ҳисобот кунига ҳисобланган солиқ тўловлари суммалари кўрсаткичла-

ри ҳисобварақларига ёзувларни ўтказиш ва бюджет билан ўзаро ҳисоб-китобларга кўра оператив таққосланишни амалга ошириш учун, солиқлар тушумини ҳисобга олиш, таҳлил қилиш ва солиқ статистикасини олиб борувчи бўлинмага топширилади, шундан кейин бюджет билан ҳисоб-китоблар ҳақидаги маълумотлар кўчирилиб, солиқ суммаларининг шахсий ҳисобварақларига ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумотни компьютердан чиқариб, белгиланган ҳолда ҳисоботларни қабул қилувчи бўлинмага топширилади.

16. Шундай кейин, ҳисоботларни қабул қилувчи бўлинманинг ходимлари, қоғоз шаклларда тақдим этилган ҳисоботларни қабул қилингани ҳақида штамп қўйиб, қабул қилинган ҳисоботнинг бир нусхасини солиқ тўловчига қайтардилар.

Электрон шаклдаги ҳисобот қабул қилинганлиги ҳақида солиқ инспекциясининг мансабдор шахси томонидан электрон рақамли имзо қўйилади ва имзоланган ҳисобот солиқ тўловчига қайтарилади.

Ҳисоботнинг қабул қилинган нусхаси, солиқ тўловчи томонидан ушбу ҳисобот тақдим этилган шаклига қараб, яъни электрон ҳужжат айланиши орқали, почта алоқаси орқали ёки бевосита солиқ тўловчининг ўзига қайтарилади.

17. Тақдим этилган ҳисоботлар белгиланган талабларга мувофиқ келмаган тақдирда давлат солиқ инспекцияси ходимлари томонидан, мазкур Низомда белгиланган муддатларда ҳамда Низомнинг 2-иловасига мувофиқ «Ҳисоботга доир мулоҳазалар» тайёрланиб, қайта ишлаш учун солиқ тўловчига қайтарилади.

«Ҳисоботга доир мулоҳазалар» ва ҳисоботлар, солиқ тўловчи томонидан ушбу ҳисобот тақдим этилган шаклига қараб, яъни электрон ҳужжат айланиши орқали, почта алоқаси орқали ёки бевосита солиқ тўловчининг ўзига қайтарилади.

18. Мазкур мулоҳазалар тузатилиш ва ҳисоботлар топшириш учун белгиланган муддатдан кечиктирмай тақдим этилиши лозим. Бундай ҳолда амалдаги қонунчиликда назарда тутилган жавобгарлик чоралари солиқ тўловчига нисбатан қўлланмаслиги лозим.

19. Билдирилган мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда такрор ишлаб чиқилган ҳисобот давлат солиқ хизмати идорасига қайта тақдим этилади ва ҳисоботга боғлиқ кейинги ишлар ушбу Низомнинг 15-16 бандларига мувофиқ амалга оширилади.

20. Солиқ тўловчиларнинг қабул қилинган ҳисоботлари ҳисоботлар ва балансларни қабул қилиш бўлинмасида махсус ажратилган ва ёпиладиган яроқли идора шкафларида ва қонунчилик билан белгиланган муддатларда сақланиши лозим.

Электрон шаклда тақдим этилган ҳисоботлар махсус ажратилган компьютерларда сақланади. Электрон ҳисоботларни сақлаш чоғида улардан фойдаланиш ва уларнинг қоғоз нусхаларини тақдим этиш имконияти таъминланиши лозим.

Электрон шаклдаги ҳисоботларни сақлаш муддати, қоғоз нусхалардаги ҳисоботлар учун белгиланган муддатдан кам бўлмаслиги керак.

#### **IV. Ҳисоботларни қабул қилишни ташкиллаштириш**

21. Солиқ тўловчилар ҳисоботларни топшириш жараёнида қуйидаги ҳуқуқларга эгадир:

солиқ органларидан солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатлари масалалари бўйича ахборот ва маслаҳатлар олиш;

солиқлар ва йиғимлар бўйича бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар олдидаги ўз мажбуриятларини бажариш юзасидан солиқ органларидаги мавжуд маълумотлар билан танишиш;

солиқ солиш объектини ҳисобга олишда, солиқлар ва йиғимларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлашда ўзлари йўл қўйган хатоларни мустақил равишда тузатиш.

бюджетга ва бюджетдан ташқари жамғармаларга ортиқча миқдорда тушган солиқлар ва йиғимлар суммасини қайтариш тўғрисида ёзма ариза билан мурожаат қилиш.

22. Мазкур Низомнинг 21-бандида кўрсатилган мурожаатлари юзасидан маълумотлар солиқ органлари томонидан, солиқ тўловчиларнинг хошишига кўра — электрон ҳужжат айланиши орқали, почта алоқаси орқали ёки бевосита солиқ тўловчининг ўзига тақдим этилади.

Шунда, ҳар бир маълумот белгиланган тартибда солиқ органининг мухри ва мансабдор шахсининг имзоси билан тасдиқланади. Электрон ҳужжат орқали тақдим этилган маълумот эса солиқ органи мансабдор шахсининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади.

23. Давлат солиқ органларида солиқ тўловчилардан ҳисоботлар тўлиқ иш куни давомида қабул қилинади.

24. Солиқ тўловчилардан ҳисоботларни қабул қилишда, уларни мулкчилик шаклига, фаолият турига, тўлаётган солиқ турларига қараб ёки бошқа мезонларга қараб ҳисоботларни қабул қилувчи ходимларга бириктириш қатъиян ман этилади.

25. Солиқ тўловчилар томонидан ҳисоботларни топшириш жараёнида қулайликлар яратиш мақсадида ҳисоботларни қабул қилиш ҳар бир операцион залларда: тегишли меъёрий ҳужжатлар ҳамда солиқ тизимидаги янгиликларни ёритувчи инфорацион ахборот стендлари;

ҳисоботларни қабул қилиш бўлинмасининг ходимларини жойлашганлиги ва уларнинг функционал вазифалари ҳақида инфорацион ахборот стендлари;

солиқ инспекциясининг локал ахборот тизимига уланмаган, меъёрий ҳуқуқий-инфорацион дастурлари киритилган компьютерлар ўрнатилиши;

ҳисоботларни топширишда мавжуд саволлар ва муаммолар, шунингдек солиқ қонунчилигида ўзгаришлар тўғрисида солиқ тўловчиларга тезкор консултациалар бериш учун солиқ хизмати органининг маъсул ходимини бириктириш лозим.

#### **V. Ҳисоботлардан фойдаланиш тартиби**

26. Ҳисоботларни қабул қилиш бўлинмаси ва солиқ идорасининг бошқа бўлинмалари маъсул ходимлари (ҳисоботлардан фойдаланувчилар), солиқ тўловчиларнинг топширган ҳисоботлардан фойдаланишни (маълумотларни кўчириб ёзиш, ҳисобот шаклларида, солиқ ҳисоб-китобларидан нусхалар олиш) фақат махсус ажратилган хонадан амалга оширишлари мумкин ва шунда хонадан ташқарисига олиб чиқиб кетиш ҳуқуқига эга эмаслар.

27. Ҳисоботдан фойдаланувчига солиқ тўловчининг бухгалтерлик ҳисоботи ёки ҳисоботларнинг айрим шакллари зарур бўлиб қолган тақдирда ҳисоботдан фойдаланувчи зарур ҳужжатларнинг нусхаларини олишга ҳақлидир.

Ҳисоботдан фойдаланувчиларни ва улар томонидан олинган айрим ҳисобот шаклларини рўйхатга олиш учун 3-иловада кўрсатилган, рақамланган, тикилган ва муҳр билан тасдиқланган ҳисоботлардан фойдаланувчиларни рўйхатга олиш журнали юритилиши зарур.

28. Ҳисоботлардан фойдаланувчиларга ҳисоботлар ўрнатилган тартибда фақатгина солиқ органларининг бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарларини ёзма равишдаги кўрсатмасига асосан берилиши зарур.



**VI. Ҳисоботларни қабул қилишда давлат солиқ органлари  
ходимларининг ва ҳисоботлардан фойдаланувчиларнинг  
жавобгарлиги**

29. Солиқ тўловчилардан ҳисоботларни қабул қилувчи бўлинма ходимлари: ҳисоботларнинг сақланиши ва ундаги маълумотлари сир сақланишини таъминлаш учун;

амалдаги қонунчилик билан белгиланган молиявий ва солиқ ҳисоботлардан ташқари солиқ тўловчилардан қўшимча равишда ҳар қандай маълумотлар, маълумотнома ва ҳужжатларни талаб қилганлик учун;

ушбу Низомнинг 13-бандида кўрсатилган саволлар бўйича олиб борилган текширувнинг сифатсиз амалга оширилганлик учун Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ жавобгардирлар.

30. Ҳисоботлардан фойдаланувчилар солиқ тўловчиларнинг ҳисоботлардаги маълумотларининг сир сақланиши учун қонунда белгиланган тартибда жавобгардирлар.

**VII. Солиқ тўловчиларнинг жавобгарлиги**

31. Солиқ тўловчилар, тақдим этиладиган ҳисоботлар тасдиқланган шаклларда тўлдирилиши, ундаги барча кўрсаткичларининг ҳаққонийлиги ҳамда ҳисоботларни ўз вақтида топширилиши учун амалдаги қонунларга мувофиқ жавобгар бўладилар.

Давлат солиқ хизмати органлари тадбиркорлик субъектларидан молиявий ҳисобот, солиқлар, мажбурий тўловлар ва даромадлар тўғрисидаги декларациялар бўйича ҳисоб-китоблар, ёзма аризалар ва билдиришномаларни қабул қилиб олиш ҳамда рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги  
низомга  
1-ИЛОВА

### Солиқ тўловчиларнинг ҳисоботларини рўйхатга олиш журнали

№	Солиқ тўловчининг номи	Ҳисоботнинг тури (молиявий ҳисобот, солиқлар ёки мажбурий тўловлар бўйича ҳисоб- китоб ва ҳоказо)	Ҳисоботлар тақдим этилган сана			Қайта ишлашга юборилган сана	Ҳисобот қайта ишловдан сўнг қабул қилинган сана
			электрон ҳужжат айланиши орқали	Почта алоқаси орқали	солиқ тўловчиларнинг бевосита солиқ инспекциясига ташрифи орқали		
1	2	3	4	5	6	7	8

Изоҳ 4, 5, 6-устунларда ҳисоботни қабул қилиш санаси Низомнинг 14 бандига мувофиқ белгиланади.

Давлат солиқ хизмати органлари тадбир-корлик субъектларидан молиявий ҳисобот, солиқлар, мажбурий тўловлар ва даромадлар тўғрисидаги декларациялар бўйича ҳисоб-китоблар, ёзма аризалар ва билдиришномаларни қабул қилиб олиш ҳамда рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги низомга  
2-ИЛОВА

### Ҳисоботлар юзасидан мулоҳазалар

1. Ҳисоботлар тўлиқ эмас \_\_\_\_\_  
(ҳисоботларнинг қайси шакллари йўқлиги кўрсатилсин)

2. Мансабдор шахслар имзоси йўқ \_\_\_\_\_  
(қайси шаклларда)

3. Барча реквизитлар тўлдирилганми:

— банк ҳисоботлари рақами

— СТИР фаолият коди

— юридик манзил

— жавобгар шахс

Зарурат бўлса, қайси шаклларда тўлдирилмаганлиги кўрсатилсин

4. Ҳисоботлар шаклларининг тўлдирилмаган кўрсаткичлари бор ёки ҳисобот шакллари белгиланган меъёрлар бузилган ҳолда тўлдирилган \_\_\_\_\_

(қайси шаклларда эканлиги кўрсатилсин)

5. \_\_\_\_\_ солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича қўлланадиган имтиёзлар тафсилоти йўқ

6. \_\_\_\_\_ солиқларни ва мажбурий тўловлар тўлашдан озод қилишда тасдиқловчи ҳужжатлар (ҳисоб-китоблар) йўқ

7. Бошқалар \_\_\_\_\_  
(сабаби кўрсатилсин)

Изоҳ: мулоҳазалар фақат ҳисоботлар юзасидан эътирозлар бор бўлганда тўлдирилади. Мулоҳазалар икки нусхада тўлдирилади, улардан биттаси инспекцияда сақланади.

Инспектор \_\_\_\_\_ (исми, шарифи); сана \_\_\_\_\_

Давлат солиқ хизмати органлари тадбиркорлик субъектларидан молиявий ҳисобот, солиқлар, мажбурий тўловлар ва даромадлар тўғрисидаги декларациялар бўйича ҳисоб-китоблар, ёзма аризалар ва билдиришномаларни қабул қилиб олиш ҳамда рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги  
низомига  
3-ИЛОВА

238-МОДДА

**Ҳисоботлардан фойдаланувчиларни рўйхатга олиш  
ЖУРНАЛИ**

№	Ҳисоботдан фойдаланувчи (исми, шарифи)	Фойдаланган ҳисоботлар рўйхати	Олинган вақти	Олувчининг имзоси	Қайтариш вақти	Қайтариб олувчининг имзоси
1	2	3	4	5	6	7

— 108 —

30-31 (166-167)-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

## 239 Ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил  
2 августда 1501-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2005 йил 12 августдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 20 июндаги «Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ–3620-сон Фармониغا (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 25-26-сон, 177-модда) мувофиқ **қарор қиламиз:**

1. Илова\* қилинаётган Ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш тўғрисидаги низом тасдиқлансин.
2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Молия вазири С. РАҲИМОВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 2 август,  
69-сон

**Давлат солиқ қўмитаси раиси Б. ПАРПИЕВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 2 август,  
2005-45-сон

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИНИНГ  
ҚАРОРИ

**240 Янги ташкил этилган микрофирма ва кичик корхоналарга ягона солиқ тўловини тўлаш муддатини кечиктириш ҳуқуқини бериш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил  
2 июлда 1502-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2005 йил 12 августдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 20 июндаги «Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-3620-сон Фармониغا (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 25-26-сон, 177-модда) мувофиқ **қарор қиламиз:**

1. Илова\* қилинаётган Янги ташкил этилаётган микрофирмалар ва кичик корхоналарга ягона солиқ тўловини тўлаш муддатини кечиктириш ҳуқуқини бериш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

**Молия вазири С. РАҲИМОВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 2 август,  
70-сон

**Давлат солиқ қўмитаси раиси Б. ПАРПИЕВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 2 август,  
2005-46-сон

**Иқтисодиёт вазирининг биринчи ўринбосари У. РОЗУҚУЛОВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 2 август,  
61-сон

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Адлия вазирлиги маълум қилади:**  
**вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг**  
**умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат**  
**рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида**  
**2005 йил 23 июлдан 5 августгача бўлган маълумот**

**I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:**

1. «Уруғлик донни қабул қилиш, тайёрлаш, дорилаш, тарқатиш ва сифатини назорат қилиш тартиби тўғрисида йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2005 йил 20 июлдаги 160-сон буйруғи.*

*2005 йил 29 июлда 1499-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 8 августдан кучга киради).*

2. «Давлат солиқ хизмати органлари тадбиркорлик субъектларидан молиявий ҳисобот, солиқлар, мажбурий тўловлар ва даромадлар тўғрисидаги декларациялар бўйича ҳисоб-китоблар, ёзма аризалар ва билдиришномалар қабул қилиб олиш ҳамда рўйхатдан ўтказиш тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2005 йил 10 июлдаги 2005-42-сон қарори.*

*2005 йил 29 июлда 1500-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 8 августдан кучга киради).*

3. «Ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2005 йил 2 августдаги 69, 2005-45-сон қарори.*

*2005 йил 2 августда 1501-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 12 августдан кучга киради).*

4. «Янги ташкил этилган микрофирма ва кичик корхоналарга ягона солиқ тўловини тўлаш муддатини кечиктириш ҳуқуқини бериш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлигининг 2005 йил 2 августдаги 70, 2005-46, 61-сон қарори.*

*2005 йил 2 августда 1502-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 12 августдан кучга киради).*

**II. Давлат реестридан чиқарилди:**

1. Мулкчилик шаклидан қатъи назар, дон маҳсулотлари соҳасидаги корхоналарда уруғлик дон қабул қилиш, жойлаш, тайёрлаш ва сақлаш тартиби тўғрисида йўриқнома. *Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан тасдиқланган (2000 йил 20 июнь, рўйхат рақами 935).*

*Адлия вазирининг 2005 йил 29 июлдаги 115-мх-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.*

2. Солиқ тўловчиларнинг ҳисоботлари ва балансларини қабул қилишнинг вақтинчалик тартиби. *Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ хизмати томонидан тасдиқланган (1999 йил 28 сентябрь, рўйхат рақами 824).*

*Адлия вазирининг 2005 йил 29 июлдаги 116-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.*

**Мазкур ҳужжатлар амалдаги қонунчиликка ўзгартиришлар киритилиши ва янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**